
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИ

**Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни
ва 2023-2025 йиллар учун Бюджетнома лойиҳалари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг
ХУЛОСАСИ**

Тошкент – 2022 йил

МУНДАРИЖА

I.	Кириш	3
II.	2023 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози	3
	2.1 Ялпи ички маҳсулот	4
	2.2 Ташқи савдо айланмаси	7
	2.3 Истеъмол нархлари индекси	9
III.	Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли давр учун фискал стратегияси ва бюджетномада кўзда тутилган 2023 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджетининг даромадлари таҳлили	9
	3.1. 2023-2025 йилларга мўлжалланган солиқ ва божхона сиёсатининг асосий йўналишлари, Қонун лойиҳаси ҳамда Бюджетнома таҳлили	9
	3.2. Давлат бюджети даромадларининг 2022 йилдаги кутилаётган ижроси ва 2023 йил учун прогнози	36
	3.3. Бюджет-солиқ сиёсати бўйича таклифлар	48
IV.	Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли давр учун фискал стратегияси ва бюджетномада кўзда тутилган 2023 йил бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджетининг харажатлари таҳлили	53
	4.1. 2023-2025 йилларга мўлжалланган фискал сиёсатнинг асосий йўналишлари, Қонун лойиҳаси ҳамда Бюджетнома таҳлили	53
	4.2. Давлат бюджети харажатларининг 2022 йилдаги кутилаётган ижроси ва 2023 йил учун режаси	57
	4.3. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш	82
	4.4. Давлат бюджети харажатлари самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар	85
V.	Давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари таҳлили	93
VI.	Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги	102
	6.1 Давлат ташқи қарзнинг 2022 йилдаги кутилаётган прогнозлари	102
	6.2 Давлат дастурларига йўналтирилган ташқи қарз ҳисобидан 2023 йилда амалга ошириладиган лойиҳалар таҳлили	103
	6.3 Давлат қарзига хизмат кўрсатиш	106
VII.	Хулоса	106

I. Кириш

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 26-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ “2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва 2023-2025 йиллар учун Бюджетнома лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (кейинги ўринларда - Ҳисоб палатаси деб юритилади) Хулосаси тайёрланди.

Хулосани тайёрлаш жараёнида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, соҳалар бўйича мақсадлари вазифалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 97-моддасига асосан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиш учун жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун лойиҳаси) ва 2023-2025 йиллар учун Бюджетнома лойиҳалари (кейинги ўринларда – Бюджетнома) Ҳисоб палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 октябрдаги 02/1-1519-сонли хати билан белгиланган (20 сентябрь) муддатдан 20 кун кечиктириб киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли давр учун фискал стратегияси (кейинги ўринларда - Фискал стратегия) Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2022 йил 15 июнда муҳокама қилинган ва тасдиқланган ҳамда Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинган.

Ҳисоб палатаси томонидан Қонун лойиҳаси ва Бюджетнома Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассислари билан биргаликда тақдим этилган маълумотлар асосида кўриб чиқилди.

II. 2023 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози

Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати геосиёсий инқироз фониди пасайиб, 2021 йилдаги 7,4 фоиздан 2022 йилда 5,3 фоизгача пасайиши прогноз қилинмоқда. Ўсиш суръати 2023 йиларда 3,8 фоиз атрофида, 2024-2025 йилларда эса 5,5 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинган.

2023 йилдан бошлаб консолидациялашган бюджет тақчиллигининг юқори чекланган миқдори бўйича киритилган бюджет қондасига қатъий амал қилинган ҳолда тақчилликни ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизидан ошмаслигини таъминлаш мақсад қилинган.

Тақдим этилган Бюджетнома бўйича 2023 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини тайёрлашда қуйидагилар ҳисобга олинган:

- мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини оширишга хизмат қиладиган макроиктисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- реал сектор тармоқларининг жадал ўсишини, янги иш ўринлари яратилишини, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлайдиган қулай бизнес муҳитини яратиш;
- инвестиция муҳитини янада яхшилаш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;
- давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш;
- хуфиёна иқтисодиёт ҳажмини кескин қисқартириш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича фаол сиёсат олиб бориш.

Бюджетномада келтирилган прогнозларга кўра иқтисодий ўсиш суръатлари 2023 йилда 3,8 фоизни, 2024-2025 йилларда мос равишда 5,4 фоиз ва 5,6 фоиз атрофида шаклланади.

2.1 Ялпи ички маҳсулот

Тақдим этилган Бюджетнома бўйича 2022 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 902,4 трлн сўм ёки “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунда кўрсатиб ўтилган прогноз (839,9 трлн сўм)га нисбатан 62,5 трлн сўмга ўсиши кутилмоқда.

Бунда, ЯИМ ҳажмини 2021 йил якунидаги прогнозга нисбатан реал ўсиш пасайишига қарамасдан, ЯИМ дефлятори кутилган кўрсаткичга нисбатан 7 фоизга юқори бўлиб, 16,7 фоизни ташкил этиши билан боғлиқ.

ЯИМ дефляторининг кўтарилиши глобал миқёсда инфляциян босимларнинг ортиши, хусусан, асосий ҳамкор давлатларда хом ашё товлари нархларининг кўтарилиши ва таъминот занжирларида узилишларнинг юзага келиши натижасида миллий иқтисодиётда инфляциянинг тезлашиши билан боғлиқлиги асосланган.

“2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида 2023 йилда ЯИМ ҳажмининг прогнози 1 033,6 трлн сўмни, 2022 йилга нисбатан реал ўсиш суръати 3,8 фоиз (34,3 трлн сўм), ЯИМ дефлятори (нархларни ўсиши) ҳисобига 10,3 фоизда (96,8 трлн сўм) баҳоланиб, аҳоли жон бошига 2 395,4 долларни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2023 йилги ЯИМ прогнози

млрд сўм

№	Кўрсаткичлар	Миқдори	ЯИМ таркибидаги улуши (фоиз)	2022 йилга нисбатан реал ўсиш (фоиз)
	Ялпи ички маҳсулот, жами	1 033 585,9	100,0	103,8
I.	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	954 074,5	92,3	
1.	Саноат	269 132,5	26,0	104,2
2.	Қурилиш	65 471,0	6,3	104,1
3.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	254 750,6	24,6	103,5
4.	Хизматлар	364 720,5	35,3	103,7
II.	Маҳсулотларга соф солиқлар	79 511,4	7,7	103,4

Прогноз қилинаётган ЯИМ ҳажмининг таркибида қўшилган қиймат миқдори 954 074,6 млрд сўмни (ЯИМнинг 92,3 фоизи) ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми 79 511,4 млрд сўмни (7,7 фоиз) ташкил этмоқда.


Тармоқлар кесимида қўшилган қийматнинг энг катта улуши (35,3 фоиз) хизматлар кўрсатиш соҳасига тўғри келиб, ушбу тармоқ бўйича яратилган қўшилган қиймат ҳажми 364 720,5 млрд сўмни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, ушбу кўрсаткич саноат бўйича 269 132,5 млрд сўм (26 фоиз), қурилиш бўйича 65 471,0 млрд сўм (6,3 фоиз) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги бўйича 254 750,6 млрд сўм (24,6 фоиз) миқдорида бўлиши кутилмоқда.

ЯИМни 2024-2025 йилларга мақсадли мўлжаллари мос равишда 1 222,8 трлн сўм ва 1 396,0 трлн сўмни ташкил этиши, ўсиш суръати 2024 йилда 5,4 фоиз ва 2025 йилда 5,6 фоиз бўлиши мақсадли мўлжал сифатида ҳисоб-китоб қилинган.

Кутилаётган реал ўсиш миқдори қурилиш бўйича 4,1 фоизни, саноат бўйича 4,2 фоизни, хизматлар бўйича 3,7 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги бўйича 3,5 фоизни ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар 3,4 фоизни ташкил этмоқда.

Ялпи ички маҳсулот таркиби



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ–4653-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 12-бандига кўра Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлашнинг **замонавий усуллари (моделларини) жорий этиш** вазифаси юклатилган.

Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 августдаги 344-ф-сон фармойишига асосан “Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш бўйича методик қўлланма” тасдиқланиб, амалиётга жорий этилган ва 2016 йил 17 мартдаги 205-ф-сон фармойишига асосан мазкур қўлланма ўз кучини йўқотган.

Шу билан бирга, қарорга кўра Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, шу жумладан инфляция даражасини пасайтириш ва қўйилган мақсадларга эришиш борасида мувофиқлаштирилган сиёсатни амалга оширади ҳамда ўзаро маълумот алмашиш орқали мунтазам равишда чорақлик макроиқтисодий шарҳ тайёрлайди ва эълон қилади.

Юқоридаги талабларга қарамай, ҳозирда ялпи ички маҳсулотни прогнозлаштиришнинг аниқ бир усули (модел)ни жорий этиш бўйича Ҳукумат ёки Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги даражасида **тасдиқланган методология мавжуд эмас**.

Шунингдек, ўзаро маълумот алмашиш етарли даражада ташкиллаштирилмаганлиги сабабли, Бюджетномада келтирилган рақамлар ҳамда масъул идоралардаги мавжуд рақамлар орасида **фарқ мавжуд**.

Мисол учун, Бюджетноманинг “1.2. 2023-2025 йиллар учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози” қисмида инфляциянинг 2023 йилда **9,5 фоизни**, 2024 йилда **6,0 фоизни** ва 2025 йилда эса **5,0 фоизни** ташкил этиши прогноз қилинган.

Марказий банк маълумотларига кўра, базавий сценарийга (ислохотларсиз) мувофиқ инфляциянинг 2023 йилда **7-9 фоизни**, 2024 йилда **6-7 фоизни** ва 2025 йилда эса **6,0 фоизни** ташкил этиши прогноз қилинган.

Муқобил сценарийга (ислохотлар билан) мувофиқ эса инфляциянинг 2023 йилда **10-11 фоизни**, 2024 йилда **5-6 фоизни** ва 2025 йилда эса **5,0 фоизни** ташкил этиши прогноз қилинган.

Тавсия:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ялпи ички маҳсулотни прогнозлаштиришнинг аниқ моделини жорий этиш бўйича Хукумат даражасида **методологияни тасдиқлаш лозим.**

Бунда, ялпи ички маҳсулотни прогнозлаштиришда кўрсаткичларни шаклланиши, уларни баҳолаш ва тасдиқлаш бўйича вазифаларни амалга оширувчи масъул идораларни ўзаро маълумот алмашиш муддатлари, жараёнлар ҳамда прогнозларни турли сценарийларда амалга ошириб, энг мақбул ва аниқлиги юқори бўлган натижаларни эълон қилишни белгилаш тавсия этилади.

2.2 Ташқи савдо айланмаси

2023 йилда Республикада ташқи савдо айланмаси 60 950,3 млн АҚШ долларини, шу жумладан экспорт ҳажми 25 614,8 млн АҚШ долларини ва импорт ҳажми 35 335,5 млн АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Ушбу кўрсаткич 2022 йилда кутилаётган ташқи савдо айланмаси 51 690,2 АҚШ долларига нисбатан 9 260,1 млн АҚШ долларига ўсиши, бунда, экспортни ўсиши 4 785,3 млн АҚШ долларини, импортни ўсиши 4 474,8 АҚШ долларини ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

2-жадвал

2023 йилда кутилаётган ташқи савдо айланмаси

млн АҚШ dollari

Кўрсаткичлар	2022 йил кутилаётган		2023 йил прогноз		Ўзгариши (фоиз)
	Амалдаги миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	Миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	
Ташқи савдо айланмаси	51 690,2	63,5	60 950,3	70,2	117,9
Экспорт	20 829,5	25,6	25 614,8	29,5	123,0

Кўрсаткичлар	2022 йил кутилаётган		2023 йил прогноз		Ўзгариши (фоиз)
	Амалдаги миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	Миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	
Импорт	30 860,7	37,9	35 335,5	40,7	114,5
Сальдо	-10 031,2	12,3	-9 720,7	11,2	х

Экспорт ҳажми 2022 йилга нисбатан 22,9 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 29,5 фоизига, импорт ҳажми эса 14,5 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 40,7 фоизига тўғри келиши кутилмоқда.

Ташқи савдо айланмаси сальдоси салбий баланс (- 9 720,7 млн АҚШ доллари) билан яқунланиши баҳоланмоқда.

Ташқи савдо айланмаси таркибидаги прогноз қилинаётган экспорт ҳажми 25 614,8 млн АҚШ долларини, ЯИМга нисбатан 29,5 фоизни ташкил этиши ҳамда 2022 йилда кутилаётган 20 829,5 млн АҚШ долларига нисбатан 23 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Шу ўринда 2020-2021 йиллар ва 2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1 112 та экспорт қилувчи корхоналарга экспортга йўналтирилган маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш бўйича давлат бюджети ҳисобидан 419,3 млрд сўмлик субсидия ва компенсация тўловлари ажратилган, жами 1 330,2 млн доллар қийматли 204 турдаги 879,2 минг тонна маҳсулот экспорт қилинган.

3-жадвал

2020-2022 йилларда экспорт қилувчи корхоналарга экспортга йўналтирилган маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини қоплаб берилиши тўғрисида маълумот

Йиллар	Маҳсулот сони (та)	Корхона сони (та)	Компенсация миқдори (млрд сўм)	Экспорт қиймати (млн доллар)	Экспорт ҳажми (минг тонна)
2020	68	193	49,3	160,5	107,9
2021	109	442	150,0	507,7	334,2
2022	204	477	220,0	662,0	437,1

Худудлар бўйича энг кўп компенсация миқдори Фарғона вилоятида (208 та корхона – 122,2 млрд сўм), Самарқанд вилояти (189 та корхона – 43,7 млрд сўм), Тошкент вилояти (163 та корхона – 76,7 млрд. сўм) ҳамда Тошкент шаҳрига (154 та корхона – 84,9 млрд сўм) тўғри келиб, ушбу худудлардаги корхоналар республиканинг барча худудларига нисбатан қарийб 80 фоиз компенсация тўловларини олган.

Ташқи савдо айланмаси таркибидаги прогноз қилинаётган **импорт ҳажми** 35 335,5 млн АҚШ доллари, ЯИМга нисбатан 40,7 фоизни ташкил этиши ҳамда 2022 йилда кутилаётган 30 860,7 млн АҚШ долларига нисбатан 14,5 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Бунда, 2023 йилда импорт ҳажмини юқори кўрсаткичлар билан ўсиши 7 та товар гуруҳлари импортини 4,5 млрд АҚШ долларига ошиши энг юқори таъсир қилувчи омиллар ҳисобланиб, бунда импортни миқдорий кўрсаткичларини пасайиши -4,0 млрд АҚШ доллари ҳамда нархларни ўсиши 8,5 млрд АҚШ доллари ташкил этиши прогноз қилинган.

2.3 Истеъмол нархлари индекси

Прогнозларга кўра 2023 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатини 3,8 фоизга етказиш ва унинг ижобий динамикасини кейинги йилларда ҳам давом эттириш (2024 йилда 5,4 фоиз ва 2025 йилда 5,6 фоиз) билан бирга инфляция даражасини босқичма-босқич пасайтириб бориш кўзда тутилмоқда.

2023 йилда инфляция даражаси 9,5 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинган бўлса, 2024 йилда 6,0 фоиз, 2024 йилда 5,0 фоиз миқдорида мўлжал олинган.

III. Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли давр учун фискал стратегияси ва бюджетномада кўзда тутилган 2023 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджетининг даромадлари таҳлили

3.1. 2023-2025 йилларга мўлажалланган солиқ ва божхона сиёсатининг асосий йўналишлари, Қонун лойиҳаси ҳамда Бюджетнома таҳлили

3.1.1 2023-2025 йилларга мўлжалланган солиқ ва божхона сиёсатининг асосий йўналишлари

3.1.1.1 Фискал стратегия ва Бюджетномадаги тафовутлар

3.1.1.1.1 Фискал стратегияда қайд этилган қуйидаги солиқ ва бюджет сиёсатидаги асосий йўналишлар Бюджетномада назарда тутилмаган:

– кўчмас мулк объектларини (*бинолар, иншоотлар ва ер участкалари*) бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қийматдан мол-мулк ва ер солиғини ҳисоблаш механизми ҳамда кўчмас мулкка солиқ солишни такомиллаштириш орқали мол-мулк солиғи ва ер солиғи ўрнига кўчмас мулк солиғи жорий этилиши;

– акциз солиғи маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлаш ўтган йилнинг 1 июль ҳолатига мазкур ҳудудда рўйхатдан ўтган автотранспорт воситалари сонидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши;

– фойда солиғи бўйича ноль даражали солиқ ставкасини қўллашда товарлар (хизматлар) экспорти улуши миқдори оширилиши;

– жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларацияни топшириш мажбурияти мавжуд бўлган шахсларнинг қайси тоифаси кенгайтиши;

– айланмадан олинадиган солиқ тўловчилари учун солиқ ҳисоботларини тақдим этиш сони ва даврийлиги қисқариши;

– солиқ харажатларини Давлат бюджетида акс эттириш методологияси тайёрланиши.

Тавсия:

Фискал стратегияда қайд этилган ҳолатларни Бюджетномада ҳам акс эттириш, ушбу солиқ ва бюджет сиёсатидаги асосий йўналишлари, унинг Давлат бюджетининг даромад ва харажатларига, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий аҳволига таъсирини акс эттириш лозим.

3.1.1.2 Солиқ ва божхона сиёсатидаги ўзгаришлар

3.1.1.2.1 Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 90-моддасига асосан ўрта муддатли давр учун фискал стратегия қуйидагиларни:

макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозларини;

солиқ ва бюджет сиёсатининг ўрта муддатли давр учун асосий йўналишларини;

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатларининг солиқ-бюджет сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган ўрта муддатли давр учун прогнозларини;

келгуси молия йили учун бюджет тизими бюджетлари даромадлари прогнозини ва улар асосида келгуси икки йил учун ишлаб чиқилган мақсадли мўлжалларни;

Давлат бюджетининг бирламчи профицити ёки бирламчи тақчиллиги прогнозларини;

фискал таваккалчиликлар таҳлилини ўз ичига олиши белгиланган.

2023 йилда солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш доирасида Бюджетномада қатор ўзгаришлар кўзда тутилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори билан бюджет ташкилотлари учун 2023 йил 1 январга қадар солиқ имтиёзлари белгиланган.

Бюджет ташкилотлари учун солиқ имтиёзлари мазкур қарор билан дастлаб 2002 йил 1 январга қадар белгиланган бўлиб, кейинчалик ушбу муддат мунтазам равишда узайтириб келинган.

Тақдим этилган Бюджетномада ушбу солиқ имтиёзларини муддати тугаши маълумот учун қабул қилинмоқда.

2023 йил 1 июлдан устав фондида (устав капиталида) хорижий инвестиция улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан божхона ҳудудига олиб кириладиган мол-мулк учун божхона божлари бўйича имтиёзлар бекор қилинмоқда.

Шу билан биргаликда тасдиқланган Фискал стратегияда солиқ сиёсати ва бюджет даромадларини прогнозлари бўйича **қуйидагилар ҳисобга олинмаган:**

- келгуси молия йили учун бюджет тизими бюджетлари даромадлари прогнози ва улар асосида келгуси икки йил учун ишлаб чиқилган мақсадли мўлжаллар;

- 2023-2025 йиллардаги солиқ-божхона сиёсатида амалга ошириладиган асосий йўналишлар йиллар кесимида (*ҳар бир йил учун*) ва бекор қилинадиган имтиёзлар таркиби;

- фойда солиғи бўйича ноль даражали солиқ ставкасини қўллашда товарлар (хизматлар) экспорти улуши миқдорини ошириш;

Солиқ кодексининг 337-моддасига зид равишда киритилган (товарларни (ишларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойда бўйича ноль ставка белгиланган ва ставкани қўллашда улуш миқдorigа боғлиқ эмас);

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича йиллик даромадлар тўғрисидаги декларацияни топшириш мажбурияти мавжуд бўлган шахслар тоифасини кенгайтириш;

Солиқ кодексининг 364-моддасида барча тоифадаги шахслар тўлиқ қамраб олинган (Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан даромад олувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахслар).

3.1.1.2.2 Бюджетномага асосан 2023-2025 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган солиқ ва бюджет сиёсати натижадорлиги, унинг Давлат бюджети, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига таъсири тўлиқ баҳоланмаган.

Тавсия:

2023-2025 йиллар учун мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатидаги ўзгаришларнинг Давлат бюджети, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига таъсири, солиқ юкининг ўзгариш динамикасини Бюджетномада акс эттириш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.3 Қўшилган қиймат солиғи

3.1.1.3.1 Қўшилган қиймат солиғи (кейинги ўринларда – ҚҚС) ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш кўзда тутилмоқда.

Бунда, солиқ ставкасининг 3 фоиз пунктга пасайтирилиши бюджетга 14,6 трлн сўм тушумлари камайишига олиб келиши ҳисоб-китоб қилинган.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони 15 гектар ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар – қўшилган қиймат солиғи тўловчилар рўйхатига киритилмоқда.

Йўловчиларни ташиш хизматлари, почта маркалари айланмалари бўйича қўшилган қиймат солиғидан мавжуд солиқ имтиёзлари бекор қилинмоқда.

3.1.1.3.2 Бюджетномада экспорт қилувчилар ва инвестицияларни амалга оширувчи шахслар асосий воситаларни сотиб олиш, заводлар, бинолар қуриш ва бошқалар учун ҚҚСни қайтариш белгиланган муддати амалдаги 7 кундан 30 кунгача оширилмоқда.

Бунда, қолган ҳолларда ҳисобга олинган сумманинг ҳисобланган суммадан ортиб кетиши фақатгина кетма-кет 3 та солиқ даври (3 ой) натижаларига кўра қопланиши лозим бўлган сумма мавжуд бўлса, бюджетдан қопланади.

Мазкур тартиб амалиётга жорий этилиши оқибатида кутилаётган натижа ва унинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсири баҳоланмаган.

Ушбу ўзгаришларни амалга ошириш Фискал стратегияда назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “очиқ мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-364-сон қарори билан тасдиқланган “йўл харитаси”нинг 3-бандида қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигини соддалаштириш, бунда 2022 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоби тўлиқ йўлга қўйилиб, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатга киритилган тадбиркорларга қўшилган қиймат солиғининг ошиб кетган суммаларини 7 кун ичида қайтариш тизимини жорий этиш белгиланган.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари ва улар томонидан харид қилинган товарларни тоифаларга ажратиш (асосий воситаларни сотиб олиш, заводлар, бинолар қуриш ва бошқалар) орқали қўшилган қиймат солиғини қоплаб бериш амалиёти ўзини оқламайди.

Чунки, тадбиркорлик субъекти харид қилган товарларининг тоифасини исталган вақтда ўзгартириши мумкин ҳамда товарлар қандай мақсадларда харид қилганлигини (*инвестициялар ёки сотиш мақсадида*) аниқлаш имкони мавжуд эмас ёки инвестиция мақсадида олинган товарлар кейинчалик сотиш мақсадида ҳам ишлатилиши мумкин.

Бюджетномада ҚҚСни қайтариш шартларида фақатгина экспорт қилувчи корхоналар назарда тутилган бўлиб, бир вақтнинг ўзида экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари ҳисобга олинмаган.

ҚҚСни қайтариш муддатлари (ҳисобга олинган сумманинг ҳисобланган суммадан ортиб кетиши) фақатгина кетма-кет 3 та солиқ даври (3 ой кутиш) натижаларига кўра қопланиши тадбиркорлик субъектларининг фаолияти узлуксиз давом этишига салбий таъсир кўрсатиши, яъни маблағлар етишмовчилигига олиб келиши мумкин.

Тавсия:

Тадбиркорлик субъекти харид қилган товарларининг тоифасини исталган вақтда ўзгартириши мумкинлиги ҳамда товарлар қандай мақсадларда харид қилганлигини аниқлаш имкони мавжуд эмаслиги ёки инвестиция мақсадида олинган товарлар кейинчалик сотиш учун ҳам ишлатилиши мумкинлиги;

Бюджетномада бир вақтнинг ўзида экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари ҳисобга олинмаганлиги;

ҚҚСни қайтариш муддатлари узайтирилиши тадбиркорлик субъектларининг фаолияти узлуксиз давом этишига салбий таъсир кўрсатиши ва маблағлар етишмовчилигига олиб келишини инобатга олиб, ушбу киритилаётган меъёрларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, мазкур тартибни амалиётга жорий этиш натижаларини тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига таъсирини баҳолаган ҳолда Бюджетномада акс эттириш лозим.

3.1.1.3.3 Бюджетномада дори воситаларини, ветеринария дори воситаларини, тиббиёт ва ветеринария буюмларини, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун олиб кириладиган хом ашёни олиб кириш ва реализация қилиш айланмаларига ҚҚСдан озод қилиш бўйича имтиёзларни бекор қилиш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, дори воситаларини, ветеринария дори воситаларини, тиббиёт ва ветеринария буюмлари реализациясига белгиланган қўшилган қиймат солиғидан имтиёзларни бекор қилиниши ўз навбатида тиббий ва ветеринария хизматларига ушбу солиқдан белгиланган имтиёзларни бекор қилишни тақозо этиши келтирилган.

Фискал стратегияда ижтимоий ёрдамга муҳтожларни тўғридан-тўғри ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш билан бир қаторда Солиқ кодексига назарда тутилган ҚҚС бўйича имтиёзларни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш назарда тутилган.

Бюджетномада назарда тутилган меъёр амалиётга жорий этилиши натижасида дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария буюмлари ва хизматлари нархи якуний истеъмолчилар учун ўртача 12 фоизгача ўсиши ва бунинг натижасида аҳолининг харид қобилияти пасайиши, ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламининг даромадлари кескин пасайишига ҳамда инфляция жараёнининг тезлашишига олиб келади.

Тавсия:

Таклиф этилаётган меъёр амалиётга жорий этилиши натижасида товарлар (хизматлар) нархи ўртача 12 фоизгача ўсиши, аҳолининг харид қобилияти пасайиши, ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламининг даромадлари кескин пасайишига

ҳамда инфляциянинг тезлашишига олиб келишини инобатга олиб, дори воситаларини, ветеринария дори воситаларини, тиббиёт ва ветеринария буюмларини, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун олиб кириладиган хом ашёни олиб кириш ва реализация қилиш айланмаларига ҚҚСдан қўлланилган имтиёзларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.3.4 Бюджетномада бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йиллик минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари доирасида кўрсатиладиган геология ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари хизматлари бўйича ҚҚСдан имтиёзлар бекор қилиниши, мазкур имтиёзларни бекор қилиниши ҳисобига нархларни ўзгариши эса бюджет ҳисобидан қоплаб берилиши акс эттирилган.

Мазкур тартиб амалиётга жорий этилиши натижасида Давлат бюджетига қўшимча 186,2 млрд сўм (шундан Миллий гвардиянинг қўриқлаш бўлинмалари хизматлари бўйича 80,2 млрд сўм) ундирилиши кутилмоқда.

Қўриқлаш хизматларининг тарифлари, бюджет ташкилотлари учун Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, бошқа юридик ва жисмоний шахслар учун Миллий гвардия қўмондони томонидан мустақил равишда тасдиқланади.

Такдим этилган маълумотларга кўра, қўриқлаш бўлинмалари томонидан бир ойда ўртача 208,2 млрд сўмлик, шундан бюджет ташкилотларига 68,5 млрд сўмлик (33 фоиз) ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга 139,7 млрд сўмлик (67 фоиз) хизматлар кўрсатилади.

Бунда, тарифлар рентабеллик қўлланилмаган ҳолда тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПФ-138-сон Фармони ҳамда 2021 йил 16 мартдаги ПҚ-5029-сон қарорига асосан 2022 йилнинг 1 июлдан қўриқлаш хизмати тарифларини 15 фоизга оширилиши натижасида 988 та объектлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан қўриқлаш хизмати учун тузилган шартномалар бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари хизматлари бўйича ҚҚСдан белгиланган имтиёзлар бекор қилиниши хизмат тарифларининг ўртача 12 фоиз ўсишига, жисмоний ва юридик шахсларни қўриқлаш хизматларидан фойдаланиш қамровини пасайишига ҳамда иш ўринларининг қисқаришига сабаб бўлади.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Миллий гвардия томонидан қўриқланиши лозим бўлган объектларда, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Тавсия:

Миллий гвардиянинг қўриқлаш бўлинмалари хизматлари бўйича ҚҚСдан белгиланган имтиёзлар бекор қилиниши натижасида хизмат тарифларининг ўртача 12 фоизга ўсиши, жисмоний ва юридик шахсларни қўриқлаш хизматларидан

фойдаланиш қамрови пасайиши ҳамда хизматда фаолият юритадиган ходимлар иш ўринлари қисқаришини инобатга олиб, кўриқлаш хизматлари бўйича ҚҚСдан имтиёзларни бекор қилиш таклифини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.4 Акциз солиғи

3.1.1.4.1 Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда акциз солиғи ставкаси этил спиртининг улушидан келиб чиққан ҳолда белгиланмоқда.

Амалдаги тартиб бўйича қуввати 30 ва 40 фоиз бўлган алкоголь маҳсулотларига бир хил ставкада акциз солиғи белгиланган бўлса, 2023 йилдан бошлаб маҳсулотда спиртининг миқдорига фоиз ҳисобида боғланиб, қуввати қанча кўп бўлса шунча кўп миқдорда ёки аксинча бўлса, шунча кам миқдорда акциз солиғи тўланади.

Бунда, қуввати 40 фоизгача бўлган алкоголь маҳсулотлари бўйича даромадларда йўқотишлар юзага келмайди, бироқ қуввати 40 фоиздан юқори бўлган алкоголь маҳсулотларидан кутилаётган йўқотишлар суммаси Давлат бюджети даромадларида ҳисобга олинмаган.

Вино ва пиво маҳсулотларига амалдаги тартибда алоҳида ставка белгилаш сақланиб қолинади.

Бундан ташқари, озик-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфироальдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси учун акциз солиғи ставкаси 5 баробарга ошириш таклиф қилинмоқда.

Нефть маҳсулотларига белгиланган акциз солиғи ставкалари 2023 йил бошидан бирлаштирилиб, уларни тўлаш мажбурияти ишлаб чиқарувчилар ва импортёрларга, шунингдек табиий газ бўйича етказиб берувчилар зиммасига юклатилмоқда (даромадларда йўқотишлар мавжуд эмас).

Табиий газ билан суюлтирилган газ қатъий белгиланган акциз солиғи фақатгина ёқилғи қуйиш шахобчаларига реализация қилинганда ҳисобланади.

3.1.1.4.2 Бюджетномада акциз солиғи бўйича алкоголь ва тамаки маҳсулотлари импортига солиқ ставкаси 5 фоизга пасайтирилмоқда.

Бунда, импортга белгиланган акциз солиғи ставкаларини босқичма-босқич пасайтириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга белгиланган акциз солиғи ставкаларини билан бирхиллаштирилиши режалаштирилган.

Фискал стратегияда эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган ва республикага импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғи ставкаларини унификация қилиш билан бирга, инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда қатъий суммаларда белгиланган акциз солиғи ставкаларини ҳар йиллик индексация қилиш амалиётини сақлаб қолиш, унификация қилиш, жумладан, импорт қилинадиган товарларга акциз солиғини камайтириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга акциз солиғини жорий этиш орқали амалга оширилиши белгиланган.

2023 йил кутилаётган Давлат бюджети даромадлари (*божхона томонидан ундириладиган акциз солиғи*) таркибида акциз солиғи суммаси тамаки маҳсулотларининг филтрли, филтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретеклар учун акциз солиғи ставкаси 5 фоизга пасайтирилган ҳолда, қолган 11 турдаги тамаки маҳсулотлари бўйича ставка 10 фоиз оширилган ҳолда ҳисобга олинган.

Бундан ташқари, Фискал стратегияга асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган қандай маҳсулотларга акциз солиғи жорий этилиши ва унинг аниқ муддатлари кўрсатилмаган ҳамда натижадорлигига баҳо берилмаган.

Тавсия:

Бюджетнома ва Фискал стратегияни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда 11 турдаги тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш, акциз солиғи жорий этилиши режалаштирилган маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари, унинг аниқ муддатлари ҳамда кутилаётган бюджет даромадлари тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш лозим.

3.1.1.4.3 Бюджетномада 2023 йил 1 июндан бошлаб алкоголь, тамаки, бензин, дизель ёқилғиси ва газни ишлаб чиқаришда акциз солиғи ставкасини 10 фоизга индексация қилиш мўлжалланмоқда.

Ставкалар индексация қилиниши натижасида Давлат бюджетига қўшимча 761,8 млрд сўм ундирилиши кутилмоқда.

3.1.1.4.4 Бюджетномада бюджет йўқотишларини таъсирини камайтириш мақсадида 2023 йил 1 январдан бекор қилиниши режалаштирилган мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ставкаси 2023 йилда сақлаб қолиниши назарда тутилган ҳамда бу ўзгаришлар 2024 йил 1 январдан киритилиши мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4986-сон қарорининг 10-бандида 2023 йил 1 январдан бошлаб уяли алоқа хизматларига акциз солиғи солинмаслиги белгиланган.

Тавсия:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПҚ-4986-сон қарори, Бюджетнома ва Қонун лойиҳасини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.4.5 Фискал стратегияда алкогольли маҳсулотларга акциз тўланадиган товар таркибидаги этил спирти улушидан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини ҳисоблаш ҳамда таркибида никотин мавжуд бўлган суюқликка акциз солиғининг аралаш ставкасини қўллаш тартибини жорий этиш белгиланган.

Бирок, Бюджетномада мазкур ҳолатлар ва жорий этиш муддати аниқ кўрсатилмаган ҳамда 2023 йил учун Давлат бюджети даромадлари прогнозидан кутилаётган тушумлар ҳисобга олинмаган.

Тавсия:

Бюджетномада таркибида никотин мавжуд бўлган суюқликка акциз солиғининг аралаш ставкаси миқдори ва қўллаш тартибининг жорий этиш муддатлари ҳамда Давлат бюджети даромадларига кутилаётган тушумлар тўғрисидаги маълумотларни ақс эттириш лозим.

3.1.1.5 Фойда солиғи

3.1.1.5.1 Фойда солиғининг базавий ставкаси 2023 йилда 15 фоиз, дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинмаган фойда солиғи ставкаси эса 5 фоиз миқдорида ўзгаришсиз сақлаб қолинмоқда.

Бюджетномада бюджет йўқотишларини таъсирини камайтириш мақсадида 2023 йил 1 январдан иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун бирхиллаштирилиши лозим бўлган фойда солиғи ставкаси (20 фоиздан 15 фоизга) 2023 йилда сақлаб қолиниши назарда тутилган ҳамда бу ўзгаришлар 2024 йил 1 январдан киритилиши мўлжалланган.

Фойда солиғи ставкаси 20 фоиз миқдорда сақланиб қолинганда Давлат бюджетига 1 210,7 млрд сўм қўшимча ундирилиши кутилмоқда.

Фискал стратегияда солиқнинг юқори ставкаси назарда тутилган иқтисодиётнинг барча тармоқлари (банклар, асосий фаолияти мобил алоқа хизматларини кўрсатиши бўлган корхоналар) учун фойда солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида (7-банднинг б-кичик банди) асосан 2023 йилдан банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкаси 15 фоизгача туширилиши лозим.

Тавсия:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони, Бюджетнома ва Қонун лойиҳасини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.6 Жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи

3.1.1.6.1 Жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи 12 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

Солиқ тўловчиларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ҳаётни узок муддатли суғурталаш учун йўналтириладиган қисми бўйича жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғидан берилган солиқ имтиёзини бекор қилиш режалаштирилган.

Бюджетномада жисмоний шахс томонидан юридик шахсга мол-мулкни сотишдан, шу жумладан устав капиталига ҳиссасини қўшишдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига мавжуд имтиёзларни қисқартирилиши, бунда бир юридик шахсга қўшган ҳиссаси қиймати 100 млн сўмдан ва улуш сифатида уй жой қурилишига киритган маблағ 10 млн сўмдан ортиқ бўлмаган тақдирда жисмоний шахслар даромадлари солиққа тортилмаслиги белгиланмоқда.

Мазкур ҳолатлар Фискал стратегияда назарда тутилмаган.

Бюджетномада қайд этилган ҳолатлар амалиётга жорий этилиши натижасида жисмоний шахслар олган даромадлар икки маротаба солиққа тортилишига олиб келади.

Бундан ташқари, қонунчиликдаги ўзгаришлар ёки ихтиёрий равишда хўжалик юритувчи субъектларининг таъсисчилари устав фондни ошириш орқали жамиятнинг активлари ва тўловга қобилиятлилигини оширишда муаммолар юзага келади.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига асосан:

– пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулк хуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга хуқуқлар жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин;

– жамиятнинг иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

Тавсия:

Жисмоний шахслар даромадлари икки маротаба солиққа тортиш амалиёти юзага келиши мумкинлиги, хўжалик юритувчи субъектларининг таъсисчилари устав фондни ошириш орқали жамиятнинг активлари ва тўловга қобилиятлилигини оширишда муаммолар юзага келиши инобатга олиб:

жисмоний шахс томонидан юридик шахсга мол-мулкни сотишдан, шу жумладан устав капиталига ҳиссасини қўшишдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ имтиёзлари қисқартирилишини, улуш сифатида уй-жой қурилишига киритган маблағни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортиш масаласини Бюджетномадан чиқариб ташлаш тавсия этилади.

3.1.1.6.2 Бюджетномада 2023 йил 1 январдан бошлаб инфляция даражаси доирасида қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлайдиган якка тартибдаги тадбиркорларнинг қолган тоифалари учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоизга индексация қилинмоқда.

Фискал стратегияда қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлайдиган якка тартибдаги тадбиркорларнинг қолган тоифалари учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили индексация қилиниши белгиланмаган.

Бюджетнома бўйича тақдим этилган ҳисоб-китоблар таҳлил қилинганда, қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Тошкент шаҳри учун бошқа фаолият турлари 11 фоиз ва қолган ставкалар 10 фоиз миқдорида оширилганлиги аниқланди.

Тавсия:

Давлат бюджети даромадлари таркибида қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлайдиган якка тартибдаги тадбиркорларни ҳисобга олишда чакана савдо фаолиятдан ташқари тоифалар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоизга индексация қилинганлиги сабабли, Тошкент шаҳри учун бошқа фаолият турлари бўйича ставкани қайта кўриб чиқиш ҳамда Бюджетномадаги “қолган тоифалар” деган сўзларни “чакана савдо фаолиятдан ташқари тоифалар” деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.7 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ

3.1.1.7.1 Ер қаъридан фойдаланувчиларни солиқ бўйича амалдаги ставкалар сақлаб қолинмоқда.

3.1.1.8 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

3.1.1.8.1 Қишлоқ хўжалиги корхоналарига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак (аванс) тўлаш киритилади, бунда улар томонидан тўланадиган ер солиғи муддатлари билан бирхиллаштирилиб, 1 сентябрга қадар ўтган йилда ҳисобланган солиқнинг 70 фоизини, қолган суммасини эса 15 декабрга қадар тўланиши назарда тутилмоқда.

Нотурар кўчмас мулк объектига эга бўлган жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни якка тартибдаги тадбиркорлар каби тўлашга ўтказилмоқда.

3.1.1.8.2 Бюджетномада 2023 йил 1 январдан бошлаб инфляция даражаси доирасида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 10 фоизга, иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (*саноат корхоналаридан ташқари*) ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса 30 фоизга индексация қилинмоқда.

Бунда, халқаро илғор тажрибалар ва сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда, ўрта муддатли истиқболда солиқ ставкаларини бирлаштириш орқали солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Фискал стратегияда инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси индексация қилиниши белгиланган.

Бюджетнома бўйича тақдим этилган ҳисоб-китоблар таҳлил қилинганда, амалда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналарга 13 фоиз миқдорда оширилган бўлса, қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун белгиланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 25 фоизга индексация қилинмоқда.

Тавсия:

Фискал стратегия ва Бюджетномани ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда индексация миқдорини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.8.3 Бюджетномада қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун белгиланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 сўм, шу жумладан солиқ ставкасига сув етказиб берувчилар томонидан етказиб берилган сув ҳажми харажатларини қоплаш харажатлари киритилмоқда.

Бунда, тўланган солиқларнинг 80 фоизи маҳаллий бюджетга ва 20 фоизи махсус сув хизматларига йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Махсус сув хизматларининг хўжаликка сув етказиб бериш харажатлари миқдори 1 куб метр учун 9,26 сўмни, 160 туман бўйича жами сумма қарийб 300 млрд сўмни ташкил этиши, ушбу суммани махсус сув хизматларига қишлоқ хўжалиги корхоналари учун солиқ ставкасини 10 сўмга ошириш йўли билан қоплаб бериш таклиф этилмоқда.

Сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, 2021 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинган 38,5 млрд³ сув учун ҳисобланиши лозим бўлган солиқ суммаси 1 540,0 млрд сўмни ташкил этиб, ҳақиқатда 202,1 млрд сўм солиқ тўланган.

Худди шундай, мазкур солиқ тури бўйича 2022 йил 9 ойда бюджетга 114,1 млрд сўм (2022 йил 1 октябрь ҳолатига солиқ қарзи 495,0 млрд сўмни ташкил этган) тўлов амалга оширилган.

Тавсия:

Сувни тежовчи ускуналарни кенг жорий этиш орқали сувдан самарали фойдаланишни ошириш ва ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш тавсия этилади.

3.1.1.9 Юридик шахсларнинг мол-мулки солиғи

3.1.1.9.1 Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,5 фоизда сақлаб қолинмоқда ҳамда солиқ солиш мақсадида бинолар бўйича солиқ базаси 1 кв. метр учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Маълумот учун: Тошкент шаҳрида – 2 500,0 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – 1 500,0 минг сўм ва қолган ҳудудларда – 1 000,0 минг сўм этиб белгиланган.

Бюджетномада юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган пасайтирилган солиқ ставкаси 2023 йилда 0,5 фоиздан 0,6 фоизга ўзгартирилиб, 2025 йилда 0,8 фоизгача етказиш назарда тутилган.

Солиқ кодексининг 415-моддасига асосан мол-мулк солиғи бўйича пасайтирилган солиқ ставкаси қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

– умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

– консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектлар.

Тақдим этилган ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йил 292,8 млрд сўм мол-мулк солиғи ундирилиши ёки 20 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Маълумот учун: 2022 йил 244,0 млрд сўм мол-мулк солиғи тушиши кутилмоқда.

Масалан, таклиф этилаётган оширилган ставкага асосан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан 2023 йил 49,2 млрд сўм мол-мулк солиғи тўлаши лозим бўлиб, мазкур ҳолат кўрсатиладиган хизмат таннархини ўсишига ёки тарифлар оширилмаган тақдирда, корхонанинг фойдасини камайишига олиб келади.

Тавсия:

Юридик шахслардан пасайтирилган ставкаларга асосан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаси оширилишини ушбу йўналишларда кўрсатиладиган хизматлар таннархини ўсишига ёки тарифлар оширилмаган тақдирда, корхоналарнинг фойдасига салбий таъсирини баҳолаган ҳолда қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.9.2 Бюджетномада 2023 йил 1 июлдан бошлаб, Солиқ кодексига асосан мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эга бўлган нотижорат ташкилотлари (шу жумладан бюджет ташкилотлари) нотижорат фаолияти бўйича **ҳисобланган мол-мулк солиғи суммасининг** 1 фоиз миқдорида тўлашга ўтказилиши белгиланмоқда.

Мазкур меъёр амалиётга жорий этилиши натижасида:

– нотижорат ташкилотлар томонидан нотижорат фаолияти доирасида фойдаланиладиган объектлари, маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш (*туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари бундан мустасно*), жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот объектлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун, шунингдек ипак қурти етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансидаги кўчмас-мулклар мол-мулк солиғига тортилади.

Шунингдек, мазкур соҳаларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари ҳам юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи тўловчиси ҳисобланади.

Масалан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетига тегишли 208,4 млрд сўмлик кўчмас-мулк учун 31,3 млн сўм мол-мулк солиғи тўлаши лозим бўлиб, уларни тўлаш эса бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тақдим этилган ҳисоб-китобларга кўра, фақат **бюджет ташкилотлари томонидан** Давлат бюджети даромадларига 2023 йил 8,6 млрд сўм мол-мулк солиғи келиб тушиши ҳисоб-китоб қилиниб, ўз навбатида ушбу маблағлар Давлат бюджети ҳисобидан ажратилади ва бу ҳолат “бюджетдан-бюджетга” тамойили асосида солиқ солиш амалиёти ҳисобланади.

Шунингдек, ижтимоий соҳада (*маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва бошқа йўналишларда*) фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектларига мол-мулк солиғи бўйича имтиёزلарни бекор қилиниши улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар таннархини ўсишига ҳамда ижтимоий йўналишда хизматларни кўрсатувчи хусусий сектор ривожига таъсир қилади.

Тавсия:

Ижтимоий соҳада фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари томонидан ер солиғини тўланиши улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг таннархини ўсишига ҳамда ижтимоий йўналишда хизматларни кўрсатувчи хусусий сектор ривожига салбий таъсир қилишини инобатга олиб, нотижорат ташкилотлари нотижорат фаолияти бўйича ҳисобланган мол-мулк солиғи суммасининг 1 фоиз миқдорида тўлашга ўтказиш бўйича киритилаётган меъёрни бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.10 Жисмоний шахсларнинг мол-мулки солиғи

3.1.1.10.1 Бюджетномада 2023 йил 1 январдан бошлаб инфляция даражаси доирасида жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг базавий ставкаси 10 фоизга индексация қилинмоқда.

Жисмоний шахслар учун кўчмас мулк турар жой объектлари бўйича мол-мулк солиғини 2023 йилда 2022 йилда мол-мулк солиғи бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги бўйича чеклов қўллаш орқали ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан оширмаслик амалиёти сақлаб қолинади.

Шу билан бирга, нотурар жой кўчмас мулк бўйича ўтган йилга нисбатан жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммасига нисбатан чекловларни қўллаш амалиётини бекор қилиш таклиф қилинмоқда.

Фискал стратегияда инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаси индексация қилиниши белгиланган.

Бюджетнома бўйича тақдим этилган ҳисоб-китоблар таҳлил қилинганда, амалда жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаси 11-12 фоиз миқдорида оширилганлиги аниқланди.

Тавсия:

Индексация миқдори белгиланаётган 10 фоиз миқдордан ошганлиги сабабли, уларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.10.2 Бюджетномада жисмоний шахсларнинг нотурар объектлари бўйича юридик шахслар каби ҳар бир квадрат метрига мутлақ миқдорда минимал қиймат киритилиши назарда тутилмоқда.

Жорий йилнинг январь-август ойларида юридик шахсларга тегишли бўлган 81,3 мингта нотурар кўчмас мулкнинг 5,5 мингтаси ёки 6,7 фоизи жисмоний шахслар номига қайта расмийлаштирган.

Маълумот учун: 2022 йил 1 январь ҳолатига жисмоний шахсларга тегишли бўлган 274,5 мингга яқин нотурар объектлари мавжуд.

Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун ижара тўловининг энг кам ставкалари турар жойлар бўйича 1,2 – 2 баробар ва нотурар жойлар бўйича 1,2 – 1,5 баробар оширилиши ҳамда юридик шахслар каби ҳар бир квадрат метрга мутлақ миқдорда минимал қийматни киритилиши ижара тўловларининг сезиларли даражада ўсишига таъсир кўрсатади.

Натижада, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки сақлаш харажатлари мазкур нотурар объектлар билан боғлиқ бўлган товарлар (хизматлар)ни нархларини ўсишига ва инфляция даражасини тезлашишига олиб келади.

Бундан ташқари, тақдим этилган ҳисоб-китобларга кўра ушбу меъёр амалиётга жорий этилиши натижасида мазкур солиқ тури бўйича 2023 йилда кутилаётган 1 794,0 млрд сўм тушумни ташкил этиши ёки мазкур солиқ тури бўйича солиқ юки (ЯИМдаги улуши) 2022 йилга нисбатан 0,05 фоиз бандга ўсиши кутилмоқда (2022 йилда кутилаётган тушумга 1 074,0 млрд сўм).

Тавсия:

Юридик шахсларга тегишли бўлган нотурар кўчмас мулкнинг жисмоний шахслар номига қайта расмийлаштириш улушини пастлиги (6,7 фоиз), солиқ юки ҳамда товарлар (хизматлар) нархи ва инфляциянинг сезиларли даражада ўсишини олдини олиш мақсадида, жисмоний шахсларнинг нотурар объектлари бўйича юридик шахслар каби ҳар бир квадрат метрига мутлақ миқдорда минимал қиймат киритишни бекор қилиш тавсия этилади.

3.1.1.11 Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи

3.1.1.11.1 Қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғи қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан белгиланган 0,95 фоиз солиқ ставкада сақлаб қолинмоқда.

Бюджетномада юридик шахслардан олинадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғи ставкаларига қўлланиладиган пасайтирувчи коэффициент 2023 йилда 0,3 дан 0,4 га ўзгартирилиб, 2025 йилда 0,6 га етказиш назарда тутилган.

Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан қуйидагилар эгаллаган ер участкалари учун пасайтирилган солиқ ставкасига қўлланилади:

– электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;

– умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;

– умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўл станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

– магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнғинга қарши ва аварияга қарши станциялар, қувурларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, қувурларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар банд этган ерлар;

– самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар;

– Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар — қурилишнинг норматив муддати даврида;

– консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар — уларнинг консервацияси даврида.

Тақдим этилган ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йил 287,2 млрд сўм ер солиғи ундирилиши ёки 2022 йилга нисбатан 33,4 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Маълумот учун: 2022 йил 215,5 млрд сўм ер солиғи тушиши кутилмоқда.

Масалан, таклиф этилаётган оширилган ставкага асосан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан 2023 йил 151,7 млрд сўм ер солиғи тўлаши лозим бўлиб, мазкур ҳолат кўрсатиладиган хизматлар нархи ўсишига ёки тариф оширилмаган тақдирда корхоналарнинг фойдаси ошишига салбий таъсир қилади.

Тавсия:

Хизматлар нархи ўсиши ҳамда мазкур ставкалар қўлланиладиган корхоналар рентабеллиги пасайиб кетишини олдини олиш мақсадида, юридик шахслардан олинадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғи ставкаларига қўлланиладиган пасайтирувчи коэффициент *(1,33 баравар)* ставкаларини ўзгартиришни бекор қилиш тавсия этилади.

3.1.1.11.2 Бюджетномада 2023 йил 1 январдан бошлаб инфляция даражаси доирасида юридик шахслар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқнинг базавий ставкаси 10 фоизга индексация қилинмоқда.

Фискал стратегияда инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили юридик шахслар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкаси индексация қилиниши белгиланган.

Бюджетнома бўйича тақдим этилган ҳисоб-китоблар таҳлил қилинганда, амалда юридик шахслардан олинадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғи **10-16 фоиз миқдорида** (*Сирдарёда 0,9 фоиз, Тошкент шаҳрида 5-зона, Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятларида 11 фоиздан, Фарғонада 13 фоиз, Сурхондарёда 16 фоиз*) оширилганлиги аниқланди.

Тавсия:

Индексация миқдори белгиланаётган 10 фоизлик миқдордан ошганлиги сабабли, уларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.11.3 Бюджетномада 2023 йил 1 июлдан бошлаб, Солиқ кодексига асосан ер солиғи бўйича имтиёзга эга бўлган нотижорат ташкилотлари (шу жумладан бюджет ташкилотлари) нотижорат фаолияти бўйича ҳисобланган ер солиғи суммасининг 1 фоиз миқдорида тўлашга ўтказилиши, мазкур тартиб, умумий фойдаланишдаги, ҳокимиятлар балансидаги, фуқаролар муҳофазасидаги, коммунал хўжалик ва маиший мақсадлар учун берилган ер участкаларига нисбатан тадбиқ этилмаслиги белгиланган.

Мазкур меъёр амалиётга жорий этилиши натижасида:

– нотижорат ташкилотлар томонидан нотижорат фаолияти доирасида фойдаланиладиган объектлар, соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар, рекреация аҳамиятига молик ерлар, маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш (*туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари бундан мустасно*), жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот объектлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун, шунингдек ипак қурти етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулкларни эгаллаган ер майдонлари ер солиғига тортилади.

Шунингдек, мазкур соҳаларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари ҳам юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи тўловчиси ҳисобланади.

Масалан, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетига тегишли 48,9 га майдонига (2-зонага 175,0 млн сўм) 85,6 млн сўм ер солиғи тўлаши лозим бўлиб, уларни тўлаш эса бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тақдим этилган ҳисоб-китобларга кўра, фақат бюджет ташкилотлари томонидан Давлат бюджети даромадларига 2023 йил 9,5 млрд сўм ер солиғи келиб тушиши ҳисоб-китоб қилиниб, ўз навбатида ушбу маблағлар Давлат бюджети ҳисобидан ажратилади ва бу ҳолат “бюджетдан-бюджетга” тамойили асосида солиқ солиш амалиёти ҳисобланади.

Шунингдек, ижтимоий соҳада (*маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва бошқа йўналишларда*) фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари томонидан ер солиғини тўланиши кўрсатиладиган хизматларнинг таннархини ўсишига ҳамда ижтимоий йўналишда хизматларни кўрсатувчи хусусий сектор ривожига таъсир қилади.

Тавсия:

Ижтимоий соҳада фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари томонидан ер солиғини тўланиши улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг таннархини ўсишига ҳамда ижтимоий йўналишда хизматларни кўрсатувчи хусусий сектор ривожига салбий таъсир қилишини инобатга олиб, нотижорат ташкилотлари нотижорат фаолияти бўйича ер солиқларидан ҳисобланган сумманинг 1 фоиз миқдоридан тўлашга ўтказиш бўйича меъёрни киритишни бекор қилиш тавсия этилади.

3.1.1.12 Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи

3.1.1.12.1 2023 йилда жисмоний шахслар учун ер солиғи суммасини 2022 йилда ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 1,3 баравардан оширмаслик бўйича чеклов амалиёти сақлаб қолинади.

Жисмоний шахслар эгалигидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари бўйича ер солиғини ҳисоблаш деҳқон хўжалиқларига тенглаштирилиб, улар норматив қийматдан солиқ тўлашга ўтказилади.

Мазкур тартиб амалиётга жорий этилиши натижасида Давлат бюджетига 86,8 млрд сўм йўқотиш кутилмоқда.

Мазкур тартибни жорий қилиниши қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини фойдаланувчи тоифасидан қатъий назар бир хил солиқ мажбуриятларини белгилаш мақсадини кўзлайди.

3.1.1.12.2 Бюджетномада 2023 йил 1 январдан бошлаб инфляция даражаси доирасида жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғининг базавий ставкаси 10 фоизга индексация қилинмоқда.

Фискал стратегияда инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи ставкаси индексация қилиниши белгиланган.

Бюджетнома бўйича тақдим этилган ҳисоб-китоблар таҳлил қилинганда, амалда жисмоний шахслардан олинадиган ер 10-14,5 фоиз миқдорида (*Сурхондарёда 14,5 фоиз ва Фарғонада 14,2 фоиз*) оширилганлиги аниқланди.

Тавсия:

Индексация миқдори белгиланаётган 10 фоизлик миқдордан ошганлиги сабабли, уларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3.1.1.13 Айланмадан олинадиган солиқ

3.1.1.13.1 Айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкаси 4 фоиз миқдорида ўзгаришсиз сақлаб қолинмоқда.

Айланмадан олинадиган солиқни 4-25 фоизлик ставкалари ўрнига ягона 4 фоизлик солиқ ставкаси ўрнатилиши, 2 ва 1 фоизлик солиқ ставкаси сақлаб қолиниши режалаштирилмоқда.

Ставка унификация қилиниши натижасида Давлат бюджетига 98,5 млрд сўм йўқотиш кутилмоқда.

Шунингдек, 20-30 млн сўмлик қатъий белгиланган йиллик солиқ ставкалари жорий этилиб, солиқ тўловчилар ҳисобот даври соф фойдасидан дивидендлар тарзидаги даромадлари солиққа тортилмайди, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ органларига ҳисобот топшириш мажбуриятдан озод этилиши белгиланмоқда.

3.1.1.13.2 Бюджетномада айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар тоифасини белгиловчи чегарани 1 млрд сўмдан 500 млн сўмгача пасайтириш ва ушбу ўзгариш натижасида давлат бюджетига 633,0 млрд сўм қўшимча тушумларни жалб этилиши ҳисоб-китоб қилинган.

Мазкур ҳолат Фискал стратегияда назарда тутилмаган.

Амалиётда товарлар (хизматлар) сотувидан тушган тушум суммаси 1,0 млрд сўмга етган тадбиркорлик субъектлари аксарият ҳолларда ўз фаолиятини янги юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор ташкил этиш орқали давом эттириб келади.

Айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар тоифасини белгиловчи чегара 1 млрд сўмдан 500 млн сўмгача пасайтирилиши натижасида янги юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар сони сунъий равишда кескин ўсишига олиб келиши мумкин.

Бюджетномада таклиф этилаётган меъёрни жорий этишдан мақсад ёритилмаган ва асослантилмаган, шунингдек унинг тадбиркорлик субъектларига таъсири ва кутилаётган натижаларга баҳо берилмаган.

Тавсия:

Таклиф этилаётган меъёрнинг тадбиркорлик субъектларига таъсири ва кутилаётган натижаларга баҳо берилмаганлиги ва Фискал стратегияда назарда тутилмаганлиги сабабли, айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар тоифасини

Белгиловчи чегарани 1 млрд сўмдан 500 млн сўмгача пасайтириш таклифини Бюджетномадан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, тартиб амалиётга жорий этилиши натижасида Давлат бюджетига қўшимча кутилаётган маблағлар ўрнини бошқа манбалар ҳисобидан қоплаш тавсия этилади.

3.1.1.13.3 Бюджетномада Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларда, шунингдек турғун савдо шаҳобчалари сони 50 та ва ундан ортиқ бўлган савдо комплексларида фаолият юритувчи чакана савдо билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд оилавий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтгандан бошлаб айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси бўлиб ҳисобланиши назарда тутилмоқда.

Мазкур ҳолат Фискал стратегияда назарда тутилмаган.

Бюджетнома билан таклиф этилаётган меъёр Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари бўлмаган бошқа шаҳарлар ва туманларда турғун савдо шохобчалари сони 50 та ва ундан ортиқ бўлган савдо комплексларида фаолият юритувчи чакана савдо билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд оилавий тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиши ёки қўлланилмаслиги аниқлаштирилмаган.

Бундан ташқари, чакана савдо билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд оилавий тадбиркорлик субъектлари кейинчалик ўз фаолиятини Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида эмас, балки мазкур ҳудуд тоифасига кирмайдиган туманлар (шаҳарлар)да фаолиятини давом эттирмоқчи бўлган тақдирда, уларнинг қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчиси бўлиш ҳуқуқи чекланмоқда.

Худди шундай ҳолат турғун савдо шохобчалари сони 50 та ва ундан ортиқ бўлган савдо комплексларида чакана савдо билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд оилавий тадбиркорлик субъектларида ҳам мавжуд.

Жумладан, Солиқ кодексида якка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд оилавий тадбиркорлик субъектлари айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси деб эътироф этилгандан сўнг, уларда солиқ режимини ўзгартириш ҳуқуқи мавжуд эмас, яъни қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчиси бўлолмайди.

Мазкур ҳолатлар Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларда, шунингдек турғун савдо шохобчалари сони 50 та ва ундан ортиқ бўлган савдо комплексларида чакана савдо билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд оилавий тадбиркорлик субъектларининг солиқ режимини ўзгартириш ҳуқуқини чеклайди ва уларга кейинги фаолиятни давом эттиришда адолатлилик принципи бузилади.

Тавсия:

Чакана савдо билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқи чекланиши ва кейинчалик фаолият

юритиш манзили ўзгарган ҳолатларда фаолиятни давом эттиришда адолатлилик принципи бузилишини олдини олиш мақсадида, Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларда, шунингдек турғун савдо шохобчалари сони 50 та ва ундан ортиқ бўлган савдо комплексларида фаолият юритувчи чакана савдо билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд оилавий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтгандан бошлаб айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси ҳисобланиши бўйича меъёрни чиқариб ташлаш лозим.

3.1.1.14 Бошқа даромад турлари

3.1.1.14.1 Бюджетномада алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғим бекор қилинмоқда.

Йиғим бекор қилиниши натижасида 20,0 млрд сўм йўқотилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, 2023 йил 1 январдан бошлаб инфляция даражаси доирасида мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари турар жойлар бўйича 1,2 – 2 баробарга (*қишлоқ жойларда 20 фоизга Тошкент шаҳрида 2 баробарга*), нотурар жойлар бўйича эса 1,2 – 1,5 баробарга индексация қилиш таклиф қилинмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳрида жойлашган 60 кв.м хонадон бир ойлик минимал ижараси солиқ мақсадида 1 860 минг сўм бўлади ва солиқ суммаси 223 минг сўмни ташкил этмоқда.

Фискал стратегияда мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларини индексация қилиш таклифи ва уни миқдорлари кўрсатиб ўтилмаган.

Бундан ташқари, мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун ижара тўловининг энг кам ставкалари турар жойлар бўйича 1,2 – 2 баробар ва нотурар жойлар бўйича 1,2 – 1,5 баробар оширилиши ижара тўловларининг сезиларли даражада ўсишига, натижада кам даромадли аҳоли ва талабалар учун ижара тўловлари ҳамда ижарага берилган нотурар жойлар орқали сотиладиган товарлар (хизматлар) нархини ўсишига ва инфляция даражаси тезлашишига олиб келади.

Тавсия:

Ижара тўловлари, кам даромадли аҳоли ва талабалар учун ижара тўловлари ҳамда ижарага берилган нотурар жойлар орқали сотиладиган товарлар (хизматлар) нархи ўсишини олдини олиш мақсадида, индексация қилинаётган турар ва нотурар жойлар учун ставкаларни қайта кўриб чиқиш, ижара шартномаси тузмаган ёки ижара суммасини сунъий равишда камайтириб кўрсатган ҳолда мол-мулкни ижарага бериш ҳолатларига чек қўйиш орқали бюджет даромадларини ошириш тавсия этилади.

3.1.2 “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси

3.1.2.1 Бюджет кодексининг 83-моддасига асосан навбатдаги йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси (*кейинги ўринларда – Қонун лойиҳаси*) ҳамда

келгуси икки йилга бюджет мўлжаллари ўрта муддатли давр учун ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози асосида ишлаб чиқилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:

бюджет сўровини тузиш тартибини юборишни;

бюджет сўровларини ҳамда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозларини тайёрлаш ва тақдим этишни;

бюджет сўровларини кўриб чиқиш ва жамлашни;

бюджетномани ишлаб чиқишни назарда тутати.

Қонун лойиҳасининг 9-моддаси тўртинчи қисми билан бюджет тизими бюджетлари даромадлари қисмига қуйидаги ҳолатларда Молия вазирлиги томонидан ўзгартириш киритилиши белгиланмоқда:

тегишли ҳудуддаги Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси учун белгиланган прогноз кўрсаткичлари айрим корхоналарнинг молиявий беқарорлиги натижасида бажарилмаганда;

прогноз кўрсаткичлари ҳисоб-китобларида кўзда тутилган зарур тушумлар айрим сабаб ва ҳолатлар натижасида (чет давлатлардаги сиёсий вазиятлар, карантин ва бошқалар) амалда келиб тушмаганда;

ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда айрим маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги нархи прогнозда ҳисобга олинганидан фарқли бўлганда;

молия йили мобайнида давлат божи, йиғим ва жарималар бўйича тўлов миқдорлари камайтирилиши ҳамда мазкур даромадлар бўйича тақсимот меъёрлари ўзгариши ҳисобига прогноз қилинган даромадлар келиб тушмаганда;

прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаган миқдори 5 фоиздан кўп бўлганда.

Бюджет кодексининг 27-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 127-моддасида агар Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари параметрларини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилинса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари томонидан тегишли даражадаги бюджетлар ҳажмларига ўзгартиришлар киритилади.

Харажатларни кўпайтириш ёки қисқартириш барча даражадаги бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар йўли билан амалга оширилади.

Шу билан бирга, Қонун лойиҳасининг мазкур меъёри амалиётга жорий этилиши бюджет даромадлари бўйича прогноз кўрсаткичлари ўз вақтида бажармаслигига олиб келади.

Тавсия:

Бюджет кодексига бюджет тизими бюджетлари даромадлари қисмига ўзгартиришлар киритиш шартлари ва тартиби белгиланган бўлиб, Молия вазирлигига Қонун лойиҳасининг 9-модда тўртинчи қисми билан қўшимча ваколатларни берилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Шу муносабат билан Қонун лойиҳасидан унинг 9-моддаси тўртинчи қисмини чиқариб ташлаш тавсия этилади.

3.1.2.2 Қонун лойиҳасининг 12-модда иккинчи қисмида қуйидаги даромад турлари тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилиши белгиланган:

– бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

– айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

– мобил алоқа хизматлари, тамаки, алкоголь, шу жумладан пиво, нефть маҳсулотлари (авиакеросиндан ташқари) акциз солиғи ҳамда табиий газ учун қатъий белгиланган ставкадаги акциз солиғи бўйича солиқ органлари томонидан ундириладиган тушумлар тегишинча 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4986-сон қарорининг 10-бандида 2023 йил 1 январдан бошлаб уяли алоқа хизматларига акциз солиғи солинмаслиги белгиланган.

Шунингдек, Бюджетномада алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғим 2023 йил 1 январдан бекор қилиниши, Фискал стратегияда бензин ва дизель ёқилғисини ишлаб чиқаришда якуний истеъмолчига реализация қилинганда ундириладиган акциз солиғини тўлаш бўйича мажбуриятни ишлаб чиқарувчига юклаган ҳолда бирлаштирилиши, бунда ундириладиган солиқни маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлаш ўтган йилнинг 1 июль ҳолатига мазкур ҳудудда рўйхатдан ўтган автотранспорт воситалари сонидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши қайд этилган.

Тавсия:

Қонун лойиҳасининг 12-модда иккинчи қисмини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПҚ-4986-сон қарори, Фискал стратегия ҳамда Бюджетнома билан ўзаро мувофиқлаштириш лозим.

3.1.2.3 Қонун лойиҳасининг 12-модда иккинчи қисмида қуйидагилар тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига,

вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши белгиланган:

– қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (*патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари*);

– қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

– қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (*божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, гилдиракли транспорт воситалари, ўзюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришига (қорайтиришига) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари*);

– қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар.

Бироқ, амалдаги қонунчиликка асосан давлат божлари, жарималар, йиғимлар, давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, тегишли маҳаллий бюджетлар ва тўловларни ундирувчи ваколатли органлар ўртасида қонунчиликдан белгиланган улушларда тақсимланади.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб қўйилган ва қонунчиликда белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган товарлар ва бошқа бойликлар бўйича 82 фоизи тегишли Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича мазкур маблағлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ўртасида тенг улушларда, 10 фоизи Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларининг махсус ҳисоб рақамига, 8 фоизи Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига тақсимланади.

Тавсия:

Келгусида даромадлар тақсимотида ноаниқликлар келиб чиқишини олдини олиш ҳамда амалдаги қонунчиликка асосан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланадиган даромадларни (*давлат божлари, жарималар, йиғимлар, давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар*) Қонун лойиҳасининг 12-модда иккинчи қисмидан чиқариб ташлаш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланадиган даромадлар сифатида алоҳида қисмда кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

3.1.2.4 Қонун лойиҳасининг 12-модда учинчи қисмида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва фойда солиғидан тушумлар куйидаги улушларда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига,

вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилиши белгиланган:

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг *(жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари)* Навоий вилоятида 64 фоизи, Тошкент вилоятида 62 фоизи, Тошкент шаҳрида 6 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

– фойда солиғидан тушумларнинг *(Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари)* Навоий вилоятида 67 фоизи, Тошкент вилоятида 63 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тегишли улушларда амалга оширилиши кўзда тутилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда фойда солиғидан тушумлар тақсимоти бўйича ҳисоб-китоблар таҳлил қилинганда, улар Қонун лойиҳасидаги тақсимотларга мувофиқ эмаслиги аниқланди.

Масалан, Қонун лойиҳасининг 6-иловасида Навоий вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлари ҳажми Давлат бюджети даромадларидаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 76 фоиз (Қонун лойиҳасининг 12-моддасида кўрсатилганга нисбатан 12 фоиз кўп) ва фойда солиғининг 74 фоиз (7 фоиз кўп) улуш билан ҳисобланиб шакллантирилган.

Тавсия:

Қонун лойиҳасининг 12-моддасини учинчи қисмидаги тақсимотларни қайта кўриб чиқиш лозим.

3.1.2.5 Қонун лойиҳасининг 12-моддаси:

– биринчи қисми олтинчи хатбошисида қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши;

– иккинчи қисми ўн биринчи хатбошисида қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши;

– саккизинчи қисмида Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида, олтин қазиб олувчи корхоналар томонидан эса 100 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши

бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши;

– тўққизинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2023 йил учун дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) тўлаш миқдори ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлашга ҳақлилиги белгиланган.

Бироқ, Солиқ кодексининг 450-моддасига асосан норуда қурилиш материаллари ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ объекти ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 343-моддасида юридик шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентига тўланадиган дивидендларга тўлов манбаида солиқ солинади ва бундай даромадларни олувчи томонидан солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланади.

Агар дивидендлар Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган юридик шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентига тўланса, олинган дивидендларга нисбатан тўланадиган солиқ суммаси уни олувчи томонидан олинган дивидендлар суммасидан ва ушбу Кодекс 337-моддаси биринчи қисмининг 11-бандида белгиланган фойда солиғи ставкасидан келиб чиқиб, мустақил равишда аниқланади.

Тавсия:

Солиқ кодексида дивидендлардан “ажратмалар” ушлаб қолиниши белгиланмаганлиги, бундай тўлов тури назарда тутилмаганлиги ёки тушунча мавжуд эмаслиги сабабли Қонун лойиҳасининг 12-модда биринчи-иккинчи ва саккизинчи-тўққизинчи қисмларини Солиқ кодекси билан ўзаро мувофиқлаштириш лозим.

3.1.2.6 Қонун лойиҳасининг 12-модда ўнинчи қисмида 2022 йил якунлари бўйича олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар томонидан ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот мақсадларида ҳисобланган амортизация ажратмаларининг 50 фоизига тенг суммадан давлат улуши бўйича республика бюджетига кўшимча дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) ҳисобланиши белгиланган.

Солиқ кодексининг 41-моддасига асосан қуйидагилар дивидендлар деб эътироф этилади:

– юридик шахснинг фойдасини (*шу жумладан имтиёзли акциялар бўйича фоизлар тарзидаги фойдасини*) ушбу юридик шахснинг акциядорига (иштирокчисига) тегишли акциялар (улушлар) бўйича тақсимлаш чоғида акциядор (иштирокчи) томонидан олинган ҳар қандай даромад;

– тугатиш чоғида юридик шахснинг акциядорига (иштирокчисига) ушбу акциядорнинг (иштирокчининг) шу юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши миқдоридан кўп бўлган қисми бўйича пул ёки натура шаклидаги тўловлар;

– жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улуши қисмининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охирги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини ушбу акциядорнинг (иштирокчининг) шу юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши миқдоридан кўп бўлмаган қисми бўйича тўлаш;

– ушбу юридик шахснинг ўз капитали (мол-мулки) ҳисобига устав фонди (устав капитали) ошган тақдирда юридик шахс акциядорининг (иштирокчисининг) қўшимча акциялар қиймати *(улуш номинал қийматининг ошиши)* тарзида олинган даромадлари.

Шу билан бирга, ушбу Кодексда олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар томонидан ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот мақсадларида ҳисобланган амортизация ажратмаларининг 50 фоизи миқдорида давлат улуши бўйича қўшимча дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) ҳисобланиши белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 48-моддасига асосан дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисми ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 51-моддасида дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланиши белгиланган.

Бундан ташқари, Қонун лойиҳаси билан киритилаётган меъёрга асосан ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот мақсадларида ҳисобланган амортизация ажратмаларининг 50 фоизи республика бюджетига қўшимча дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) сифатида олиниши уларнинг молиявий ҳолатини оғирлаштиради, пул маблағлари кўринишидаги активларини ва тўлов қобилиятини пасайтиради, соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан пасайишига олиб келади.

Амалда олтин ва мис қазиб олувчи корхоналарнинг деярли барча даромадлари солиққа тортилади, жумладан товар (хизмат) реализация қилишдан тушган тушумга *(15 фоизга тенг миқдордаги қисмига)* 15 фоизли ва солиқ солиш базасининг қолган қисмига 50 фоизли ставкада солиқ суммаси ҳамда давлат улуши бўйича соф фойданинг 100 фоизи дивиденд кўринишида Давлат бюджетга ўтказилади.

Тавсия:

Олтин ва мис қазиб олувчи корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарорлигини таъминлаш мақсадида Қонун лойиҳасининг 12-модда ўнинчи қисмини чиқариб ташлаш лозим.

3.1.2.7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сон қарорнинг 6-бандида Молия вазирлиги зиммасига навбатдаги молия йилига мўлжалланган Ўзбекистон

Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларида берилган имтиёзлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидаги йўқотишнинг умумий суммасини алоҳида қаторда кўрсатиб бориш вазифаси юклатилган.

Тавсия:

Қонун лойиҳасида Давлат бюджети параметрларида берилган имтиёзлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидаги йўқотишнинг умумий суммасини алоҳида қаторда кўрсатиш лозим.

3.1.2.8 Фискал стратегия, Бюджетнома ва Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида Давлат бюджети даромадлари таркибида ўзгаришлар бўлиши лозимлиги ҳисоб-китоб қилинди.

Тавсия:

Даромадлар миқдорлари ўзгарганлигини инобатга олиб, Қонун лойиҳасининг 1, 4, 6 ва 7-иловаси билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ва даромадлари, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатлари, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорларини қайта кўриб чиқиш ҳамда Бюджетнома лойиҳасидаги кўрсаткичларни ўзаро мослаштириш лозим.

Маълумот учун: Бюджет кодексининг 96-моддасида Бюджетномадаги йўналишлар асосида Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланган.

3.2. Давлат бюджети даромадларининг 2022 йилдаги қутилаётган ижроси ва 2023 йил учун прогнози

3.2.1 Бюджетномага мувофиқ 2022 йилда Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари 200 трлн сўмни ташкил этиб, ижроси 213,7 трлн сўм (13,7 трлн сўм ортиқ) бўлиши кутилмоқда.

Жумладан, Давлат солиқ қўмитаси томонидан 153,0 трлн сўм, Давлат божхона қўмитаси томонидан 46,2 трлн сўм маблағлар бюджетга ундирилиши ҳамда Молия вазирлигининг тушумлари 14,5 трлн сўмни ташкил этиши режалаштирилган.

Бюджетномага мувофиқ 2023 йил учун Давлат бюджети даромадлари 228,3 трлн сўм прогноз қилинмоқда.

Жумладан, Давлат солиқ қўмитаси томонидан ундириладиган солиқлар 158,5 трлн сўмни, Давлат божхона қўмитаси бўйича 52,2 трлн сўмни ҳамда бошқа даромадлар 17,6 трлн сўмни ташкил этмоқда.

Бунда, солиқ ва божхона маъмурчилигининг такомиллаштирилиши ҳисобига ЯИМнинг 1 фоизга тенг миқдорда қўшимча даромадлар ундириш қонидаси киритилмоқда ва давлат бюджетига 10,4 трлн сўм (Давлат солиқ органлари томонидан 6,8 трлн сўм, Давлат божхона органлари томонидан 3,6 трлн сўм) қўшимча даромадлар ундириш қўзда тутилмоқда.

Тавсия:

Солиқ ва божхона сиёсати маъмурчилигини такомиллаштириш ҳисобига (*ЯИМга нисбатан 1 фоиз миқдорда*) 2023 йилда қўшимча ундирилиши лозим бўлган даромад турлари ва соҳаларини акс эттириш лозим.

3.2.2 Давлат бюджети даромадлари прогнозлари Бюджет кодексининг 90-моддасига асосан Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар томонидан жорий йилнинг 15 майига қадар тақдим этилган маълумотларга асосан шакллантирилган.

Бюджет кодексининг 92-моддасига асосан Давлат бюджети даромадлари ундирувчи органлар (*ДСҚ, ДБК, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар*) Давлат бюджети даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Молия вазирлигига – жорий йилнинг 20 августигача тақдим этиши белгиланган бўлсада, улар томонидан маълумотлар тақдим этилмаган ҳамда Давлат бюджети даромадлари прогнозлари 15 майга қадар тақдим қилинган бирламчи маълумотлар асосида шакллантирилган.

3.2.3 Фискал стратегияда 2023 йил Давлат бюджети даромадларининг прогнозини шакллантиришда жаҳон бозорида 1 троя унция олтин нархи 1 700 АҚШ доллари ва 1 тонна мис нархи 8 500 АҚШ доллари миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланганлиги қайд этилиб, Давлат бюджети даромадларини аниқлашда олтин нархи 1 750 АҚШ доллари ва мис нархи 8 000 АҚШ доллари миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган.

Тавсия:

Бугунги кунда, дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва иқтисодий вазиятда ноаниқликлар сақланиб қолаётганлигини инобатга олиб, ўрта муддатли давр учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда стратегик маҳсулотлар нархлари бўйича прогнозни аниқ ҳисоб-китобларга асосан белгилаш тавсия этилади.

Маълумот учун: Жаҳон банкининг 2022 йил октябрдаги прогнозига кўра 1 троя унция олтиннинг нархи 2023 йилда 1 700 АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, 2022 йил 20 октябрь ҳолатига 1 троя унция олтиннинг нархи 1 633 АҚШ доллари, миснинг 1 тонна нархи 7 480,0 АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Манба: www.worldbank.org

Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилган таҳлилларда, Давлат бюджети даромадларини 2022 йил кутилаётган ижроси Бюджетномада тақдим этилган прогнозга нисбатан 1 273,0 млрд сўмга ортиқча, 2023 йил учун 5 223,0 млрд сўмга кам тушумлар прогноз қилинди.

3.2.4 Давлат солиқ қўмитаси тушумлари

3.2.4.1 Умумий кўрсаткичлар

Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2022 йил ундирилиши кутилаётган тушумлар 153,0 трлн сўмни (*ЯИМга нисбатан 17,0 %*) ташкил этиб, белгиланган прогнозга (*143,5 трлн сўм*) нисбатан 9,5 трлн сўм (*106,6%*) ортиқча бажарилиши прогноз қилинмоқда.

Бюджетномага мувофиқ давлат солиқ идоралари бўйича 2023 йилда кутилаётган тушумлар 159,6 трлн сўмни (*ЯИМга нисбатан 15,4 %*) ташкил қилиши ёки 2022 йил кутилаётган тушумларга нисбатан 6,6 трлн сўмга ўсиши кутилмоқда.

3.2.4.2 Қўшилган қиймат солиғи

Мазкур солиқ тури бўйича 2022 йил 33,1 трлн сўм (*ЯИМга нисбатан 3,7%*) ундирилиши ёки прогнозга (*31,7 трлн сўм*) нисбатан 1,4 трлн сўм ортиқча маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ ҚҚС бўйича 2023 йил 33,8 трлн сўм (*ЯИМга нисбатан 3,3%*) ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 2,1 фоиз ўсиши прогноз қилинган.

3.2.4.3 Акциз солиғи

Мазкур солиқ тури бўйича 2022 йил 13,5 трлн сўм (*ЯИМга нисбатан 1,5%*) ундирилиши ёки прогнозга нисбатан (*14,7 трлн сўм*) 1,2 трлн сўм кам (*91,8%*) маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ акциз солиғи бўйича 2023 йил 14,6 трлн сўм (*ЯИМга нисбатан 1,4%*) ундирилиши ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 8,3 фоиз ўсиши прогноз қилинган.

Тавсия:

– Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича прогнози ва белгиланаётган ставкаларга асосан (*2023 йил 1 июндан акциз солиғи индексация қилинди*) 2023 йил учун акциз солиғи прогнозини 577,9 млрд сўмга ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПҚ-4986-сон қарорига мувофиқ 2023 йил 1 январдан мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғини бекор қилиниши 2023 йил учун акциз солиғи прогнозини 1 003,0 млрд сўмга камайишини ҳисобга олиш;

– таркибида этил спирти 40 фоиздан кўп бўлган алкоголь маҳсулотлари бўйича йўқотишларни ҳамда тамакининг барча турлари (*никотинли снюс, чилим учун тамаки ва бошқалар*) юзасидан 2023 йил учун қўшимча тушумларни ҳисобга олган ҳолда акциз солиғини қайта ҳисоблаш лозим.

3.2.4.4 Фойда солиғи

Мазкур солиқ тури бўйича 2022 йил 40,1 трлн сўм (*ЯИМга нисбатан 4,4%*) ундирилиши ёки прогнозга (*38,6 трлн сўм*) нисбатан 1,5 трлн сўм (*103,9 %*) ортиқча маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ фойда солиғи бўйича 2023 йил 40,0 трлн сўм (*ЯИМга нисбатан 3,9%*) ундирилиши ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 0,2 фоиз кам прогноз қилинган.

Тавсия:

– 2022-2024 йилларда қимматбаҳо металллар ва норуда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда топшириш (истеъмол қилиш) бўйича давлат буюртмасига (балансига) асосан “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖни 2023 йилда тўлайдиган фойда солиғи прогнозини 938,4 млрд сўмга камайтириш;

– “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 48 ва 51-моддалари, “Солиқ кодексининг 41-моддасига зид равишда олтин ва мис казиб олувчи корхоналарнинг амортизация ажратмаларидан (50 фоизи) давлат улуши бўйича республика бюджетига 2023 йилда кўшимча дивидендлардан ҳисобланган 172,5 млрд сўм фойда солиғи прогнозини камайтириш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони ва Фискал стратегияга асосан (банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиши белгиланган) 2023 йил учун фойда солиғини 15 фоизли ставкада ҳисоб-китоб қилиш ҳамда прогнозни 695,8 млрд сўмга камайтириш лозим.

3.2.4.5 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Мазкур солиқ тури бўйича 2022 йил 24,0 трлн сўм (ЯИМга нисбатан 2,7%) ундирилиши ёки прогнозга (22,0 трлн сўм) нисбатан 2,0 трлн сўм (109,1 %) ортиқча маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 2023 йил 28,7 трлн сўм (ЯИМга нисбатан 2,8%) ундирилиши ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 19,4 фоиз ўсиши прогноз қилинган.

Тавсия:

– Бюджетномада Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларда, шунингдек турғун савдо шохобчалари сони 50 та ва ундан ортиқ бўлган савдо комплексларида чакана савдо билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд оилавий тадбиркорлик субъектларининг солиқ режимини ўзгартириш ҳуқуқини чеклаши ҳамда уларга кейинги фаолиятни давом эттиришда адолатлилик принципи бузилишини инобатга олиб, мазкур тартибни бекор қилиш орқали прогнозда кўзда тутилган 225,1 млрд сўм йўқотиш суммасини қайта тиклаш;

– Солиқ кодексининг 4-моддасига асосан ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш учун йўналтириладиган қисми бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан берилган солиқ имтиёзи бекор қилиниши ҳисобига ундирилиши кутилаётган солиқ суммасини 9 ойга ҳисоблаган ҳолда прогноздан 13,4 млрд сўмни камайтириш;

Маълумот учун: солиқ имтиёзларини бекор қилишни, янги мажбуриятларни жорий этишни назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари расман эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ой ўтгач амалга киритилади.

– Бюджетномада жисмоний шахс томонидан юридик шахсга мол-мулкни сотишдан, шу жумладан устав капиталига ҳиссасини қўшишдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ имтиёзларини бекор қилиш таклифини амалга оширмаслик ҳисобига кутилаётган 100 млрд сўм қўшимча прогнозни камайтириш лозим.

3.2.4.6 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ

Мазкур солиқ тури бўйича 2022 йил 14,0 трлн сўм (*ЯИМга нисбатан 1,6%*) ундирилиши ёки прогнозга (*14,4 трлн сўм*) нисбатан 0,4 трлн сўм (*97,5 %*) кам маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи бўйича 2023 йил 15,1 трлн сўм (*ЯИМга нисбатан 1,5%*) ундирилиши ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 7,5 фоиз ўсиш прогноз қилинган.

Тавсия:

– 2022-2024 йилларда қимматбаҳо металллар ва норуда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда топшириш (истеъмол қилиш) бўйича давлат буюртмасига (балансига) асосан “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ тўлайдиган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ 2023 йил учун прогнозни 370,3 млрд сўмга камайтириш;

– цемент ишлаб чиқариш ҳажми Давлат бюджети даромадларини ҳисоблашда фойдаланилган кўрсаткичларга нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 149-сон фармойишида кўп миқдорда белгиланганлигини инобатга олиб, 2023 йилда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ прогнозини 217,1 млрд сўмга ошириш лозим.

3.2.4.7 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Мазкур солиқ тури бўйича 2022 йил 890,0 млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,1%*) ундирилиши ёки прогнозга (*910,0 млрд сўм*) нисбатан 20,0 млрд сўм (*97,8 %*) кам маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича 2023 йил 878,5 млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,08%*) ундирилиши ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 1,3 фоиз кам прогноз қилинган.

3.2.4.8 Мол-мулк солиғи

Мазкур солиқ тури бўйича 2022 йил 3 997,0 млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,4%*) ундирилиши ёки прогнозга (*3 174,0 млрд сўм*) нисбатан 823,7 млрд сўм (*125,9 %*) ортиқча маблағ тушиши кутилмоқда.

Шундан, 2022 йил кутилаётган тушумнинг 2 923,0 млрд сўми (*73%*) юридик шахслар ва 1 074,0 млрд сўми (*27%*) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

Бюджетномага мувофиқ мол-мулк солиғи бўйича 2023 йил 4 851,0 млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,5%*) ундирилиши ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 21,4 фоиз ўсиш прогноз қилинган.

Шундан, 2023 йилда кутилаётган тушумнинг 3 057,0 млрд сўми (63%) юридик шахслар ва 1 794,0 млрд сўми (37%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

Тавсия:

– Бюджетномада жисмоний шахсларнинг нотурар объектлари бўйича юридик шахслар каби ҳар бир квадрат метрига мутлақ миқдорда минимал қиймат киритилиши назарда тутилиб, мазкур меъёр солиқ юки ҳамда товарлар (хизматлар) нархи ва инфляциянинг сезиларли даражада ўсишига таъсир қилиши ва унинг олдини олиш мақсадида, жисмоний шахсларнинг нотурар объектлари бўйича минимал қиймат киритиш таклифини бекор қилиш ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича прогнозни 480 млрд сўмга камайтириш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 августдаги “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-213-сон қарори билан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилганлиги ҳисобига тушумларнинг камайишини 2023 йил прогнозда ҳисобга олиш;

– Бюджетномага мувофиқ жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи базавий ставкаси 10 фоизга оширилиши белгиланган бўлсада, амалда ставкалар 11-12 фоиз индексация қилиниши натижасида прогноз 20,4 млрд сўмга ортиқча белгиланганлигини инобатга олиб, ушбу суммани прогноздан камайтириш лозим.

3.2.4.9 Ер солиғи

Мазкур солиқ тури бўйича 2022 йил 5 279,0 млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,6%*) ундирилиши ёки прогнозга (4 253,0 млрд сўм) нисбатан 1 025,0 млрд сўм (124,1 %) ортиқча маблағ тушиши кутилмоқда.

Шундан, 2022 йил кутилаётган тушумнинг 3 429,0 млрд сўми (65%) юридик шахслар ва 1 850,0 млрд сўми (35%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

Бюджетномага мувофиқ ер солиғи бўйича 2023 йил 5 695,0 млрд сўм (*ЯИМга нисбатан 0,6%*) ундирилиши ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 7,9 фоиз ўсиши прогноз қилинган.

Шундан, 2023 йил кутилаётган тушумнинг 3 800,0 млрд сўми (67%) юридик шахслар ва 1 895,0 млрд сўми (33%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

Тавсия:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 августдаги “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-213-сон қарорига асосан юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилганлиги ҳисобига тушумларнинг камайишини 2023 йил прогнозда ҳисобга олиш;

– Бюджетномага асосан жисмоний шахслар эгалигидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари бўйича ер солиғини ҳисоблаш деҳқон хўжаликларига тенглаштирилиши ва норматив қийматдан солиқ тўлаши режалаштирилиши натижасида 2023 йилда 1,8 млрд сўм солиқ ҳисобланиши кутилмоқда ёки 86,8 млрд сўм (2022 йил 88,0 млрд сўм ҳисобланган) йўқотишни прогнозда ҳисобга олиш лозим.

3.2.4.10 Айланмадан олинадиган солиқ

Мазкур солиқ тури бўйича 2022 йил 2 559,0 млрд сўм (ЯИМга нисбатан 0,3 %) ундирилиши ёки прогнозга (2 728,0 млрд сўм) нисбатан 169,0 млрд сўм (93,8 %) кам маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ айланмадан олинадиган солиқ бўйича 2023 йилда 2 972,0 млрд сўм (ЯИМга нисбатан 0,3%) ундирилиши ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 16,0 фоиз ўсиш прогноз қилинган.

Тавсия:

– Бюджетномада Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларда, шунингдек турғун савдо шохобчалари сони 50 та ва ундан ортиқ бўлган савдо комплексларида чакана савдо билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд оилавий тадбиркорлик субъектларининг солиқ режимини ўзгартириш ҳуқуқини чеклаши ҳамда уларга кейинги фаолиятни давом эттиришда адолатлилик принципи бузилишини инобатга олиб, мазкур тартибни бекор қилиш орқали қўшимча ундирилиши кўзда тутилган 225,1 млрд сўм айланмадан олинадиган солиқни 2023 йил прогнозидан камайтириш лозим.

3.2.4.11 Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар

Мазкур бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар бўйича 2022 йил 44,3 трлн сўм (ЯИМга нисбатан 5,1%) ундирилиши ёки прогнозга (40,3 трлн сўм) нисбатан 6,0 трлн сўм (114,9 %) ортиқча маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар бўйича 2023 йил 45,9 трлн сўм (ЯИМга нисбатан 4,4%) ундирилиши ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 3,6 фоиз ўсиши прогноз қилинган.

Шунингдек, 2023 йилдан бошлаб ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Давлат бюджети даромадларида акс эттирилмаслиги белгиланмоқда.

Тавсия:

– Бюджет кодексининг 52-моддасига асосан давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан олинган даромадлар, шу жумладан ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ҳисобланганлиги сабабли ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағларни 2023 йил учун Давлат бюджети даромадларида акс эттириш;

– Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тақдим қилган маълумотга асосан маҳаллий бюджетларга Давлат активларини хусусийлаштиришдан 2022 йилда 3 046,0 млрд сўм ва 2023 йилда 2 012,2 млрд сўм тушумлар кутилаётганлиги сабабли мазкур тушумлар бўйича 2022 йил учун кутилаётган тушумлар (500 млрд сўм) миқдори ҳамда 2023 йил учун белгиланаётган прогнозни (500 млрд сўм) қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3.2.5 Давлат божхона қўмитаси тушумлари

Давлат божхона қўмитаси томонидан 2022 йил ундирилиши кутилаётган тушумлар 46,2 трлн сўмни (*ЯИМга нисбатан 5,1 %*) ташкил этиб, белгиланган прогноз (40,5 трлн сўм) 5,6 трлн сўмга (114,0 %) ортиқча бажарилиши кутилмоқда.

Шундан, кутилаётган тушумнинг 39,0 трлн сўми (4,3%) қўшилган қиймат солиғи, 390 млрд сўми (0,04%) акциз солиғи, 5,6 трлн сўми (0,6%) божхона божи ва қолган 1,2 трлн сўми (0,1%) божхона йиғимларини ташкил этади.

Бюджетномага мувофиқ божхона тўловлари бўйича 2023 йилда кутилаётган тушумлар 52,2 трлн сўмни (*ЯИМга нисбатан 5,1 %*) ташкил қилиши ёки 2022 йил кутилаётган тушумга нисбатан 6,0 трлн сўм (112,9 %) ўсиши кутилмоқда.

Шундан, кутилаётган тушумнинг 44,1 трлн сўми (4,3%) қўшилган қиймат солиғи, 724 млрд сўми (0,07%) акциз солиғи, 5,8 трлн сўми (0,6%) божхона божи ва қолган 1,6 трлн сўми (0,1%) божхона йиғимларини ташкил қилади.

3.2.6 Молия вазирлиги тушумлари

3.2.6.1 Молия вазирлиги тушумлари таркибидаги давлат бюджети тушумлари

Молия вазирлиги тушумлари бўйича 2022 йил 14,5 трлн сўмни (*ЯИМга нисбатан 1,6 %*) ташкил этиб, белгиланган прогноз (16,0 трлн сўм) 1,5 трлн сўмга (90,6 %) кам маблағ тушиши кутилмоқда.

Жорий йилда резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудалари, кредит линиялари ва чет давлатларга ажратилган кредит маблағларини қайтариш ҳисобига тўловлар, шунингдек улар бўйича фоизли тушумлар ҳисобидан 2,0 трлн сўм, давлат улуши бўйича дивидендлардан 26,3 трлн сўм, бошқа тушумлар ҳисобидан 1,7 трлн сўм тушиши кутилмоқда.

Шунингдек, ҚҚСдан ортиқча ҳосил бўлган суммани қайтариш бўйича 15,5 трлн сўм режалаштирилган.

Бюджетномага мувофиқ Молия вазирлиги тушумлари бўйича 2023 йилда кутилаётган тушумлар 18,8 трлн сўмни (*ЯИМга нисбатан 1,8 %*) ташкил қилиши ёки 2022 йил кутилаётган тушумга нисбатан 4,3 трлн сўм (*128,9 %*) ўсиши кутилмоқда.

Шундан, резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудалари, кредит линиялари ва чет давлатларга ажратилган кредит маблағларини қайтариш ҳисобига тўловлар, шунингдек фоизли тушумлар бўйича 1,4 трлн сўм, давлат улуши бўйича дивидендлардан 28,5 трлн сўм, бошқа тушумлар бўйича 1,7 трлн сўм тушиши кутилмоқда.

Шунингдек, ҚҚСдан ортиқча ҳосил бўлган суммани қайтариш бўйича 12,9 трлн сўм режалаштирилган.

Тавсия:

– Молия вазирлиги Ғазначилиги маълумотларига кўра жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида солиқ тўловчиларга 12,8 трлн сўм ҚҚС қайтарилиб (*бир ойлик ўртача 1,5 трлн сўм*), йил якунига қадар 17,3 трлн сўмни ташкил этиши мумкинлиги сабабли (15,5 трлн сўм режалаштирилган), 2022 йилда кутилаётган даромадларни қайта кўриб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарорининг 17-бандига асосан 2022 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар тажриба тариқасида йирик корхоналар мисолида товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган ҚҚС суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби жорий этилиши белгиланган.

Мазкур қарор ижроси юзасидан Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ўртасидаги келишувга асосан тест режимида электротехника саноатига кирувчи 15 та корхоналарда синовдан ўтказилиб, 2022 йил 9 ойи давомида 409,2 млрд сўм ҚҚС қайтарилган (*503,2 млн АҚШ долларлик товарлар импорт қилинган ва 822,6 млрд сўм ҚҚС ҳисобланган*) ва улар бўйича ўзаро 165,0 млрд сўм ҳисобга олиниши лозимлиги ҳисоб-китоб қилинди.

ҚҚС суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби жорий этилиши ва 2023 йилда ўзаро ҳисобга олиш тартиби тадбиқ этиладиган солиқ тўловчилар сонининг ошиши муносабати билан 2023 йил учун ҚҚС прогнозини Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги тушумлари таркибида камайтириш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сон қарори билан тасдиқланган Йўл хаританинг (*10-илова*) 21-бандида чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтишда харид қилинган товарлар учун ҚҚСни қайтариш (*tax free*) тизимини жорий этилиши муносабати билан қайтариладиган ҚҚС суммасини Давлат бюджети даромадлари таркибида ҳисобга олиш;

– Қонун лойиҳасининг 12-моддаси ўнинчи қисми билан олтин ва мис қазиб олувчи корхоналарнинг амортизация ажратмаларидан (*50 фоизи*) давлат улуши

бўйича республика бюджетига қўшимча дивидендлардан 3 277,5 млрд сўм дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) прогноз қилиниб, мазкур меъёр “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 48 ва 51-моддалари ҳамда “Солиқ кодексининг 41-моддасига зид бўлганлиги сабабли, ушбу даромадларни камайтириш;

– 2022-2024 йилларда қимматбаҳо металллар ва норуда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда топшириш (истеъмол қилиш) бўйича давлат буюртмасига (балансига) асосан “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ тўлайдиган дивидендлар бўйича прогнози 1 036,7 млрд сўмга камайтириш;

– ортиқча тўланган ҚҚСни қоплаб бериш тартибини (шаффофлиги, ҳаққонийлиги, асослилиги) қайта кўриб чиқиш лозим.

3.2.6.2 Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари

3.2.6.2.1 Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари прогнозларининг шакллантирилиши

Бюджетномага кўра бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг 2022 йил якунида кутилаётган даромадлари 14,6 трлн сўмни, харажатлари 14,6 трлн сўмни ташкил этмоқда.

Шунингдек, мазкур жамғармаларнинг 2023 йилдаги даромадлари 15,6 трлн сўм, харажатлари 15,5 трлн сўм миқдорида прогноз қилинган.

Таҳлилларга кўра, 2020 йилда бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича тушумлар 14,5 трлн сўмни ва харажатлар эса 11,7 трлн сўмни ташкил этиб, 2022 йилда кутилаётган ижро ва 2023 йил учун прогноз кўрсаткичлари 2020 йилдаги (*пандемия даври*) ҳақиқий ижро кўрсаткичларини индексация қилиш орқали шакллантирилган.

Бироқ, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг 2021 йилдаги даромадлари 30,8 трлн сўмни ва харажатлари 28,5 трлн сўмни, 2022 йил 9 ойлик даромадлари 21,2 трлн сўмни, харажатлари 20,2 трлн сўмни ташкил этган.

Натижада, 2021 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 2022 йилда кутилаётган даромадлар прогнози 16,2 трлн сўмга, харажатлар режаси 13,9 трлн сўмга, 2023 йил учун даромадлар прогнози 15,2 трлн сўмга, харажатлар режаси 12,9 трлн сўмга кам шакллантирилган.

Бундан ташқари, айрим бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари (*Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги*) Ягона ғазна ҳисобварағи билан қамраб олинмаган.

Маълумот учун: Бюджет кодексининг 15-моддасига асосан Бюджет тизими бюджетларининг барча даромадлари Ягона ғазна ҳисобварағига киритилади ва уларнинг харажатларини тўлаш ушбу ҳисобварақдан амалга оширилади.

Тавсия:

– бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатларини прогнозилаштиришда бюджет ташкилотларининг маълумотлари асосида шакллантириш ва барча ҳисобварақларни Ягона ғазна ҳисобварағи билан қамраб олишни таъминлаш таклиф этилади.

3.2.6.2.2 Давлат бюджети даромадларини тўлиқлигини таъминлаш

1. Бюджет кодексининг 62-моддасига асосан вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари белгиланган тартибда давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ҳамда молиявий санкциялардан ажратмалар ҳисобидан шакллантирилади.

Куйидаги вазирлик ва идораларнинг иштирокисиз ундириладиган солиқсиз тушумларнинг бир қисми уларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтириб келинмоқда:

– Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сонли қарорига асосан Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаларига божхона йиғимлари ва тўловлари кўринишида келиб тушган тушумлар ҳисобидан 2,5 фоиздан (*2022 йилнинг 9 ойида 42,8 млрд сўм*);

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармонида мувофиқ Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Спортни кўллаб-қувватлаш жамғармасига давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 3 фоизи (*2022 йилда 11,5 млрд сўм*);

Тавсия:

– вазирлик ва идораларнинг бевосита иштирокисиз ундириладиган солиқсиз тушумларни уларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилишини тўлиқ қайта кўриб чиқиш ва чеклаш орқали Давлат бюджети даромадлари таркибига киритиш таклиф этилади.

2. Амалдаги қонунчиликка асосан Давлат бюджети ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тақсимланиши белгиланган давлат божлари, йиғимлар, солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ҳамда молиявий санкциялар таҳлил қилинганда, жорий йилнинг 9 ойида жами ундирилган тушум суммаси 10,2 трлн сўмни ташкил этиб, шундан Давлат бюджетига 4,8 трлн сўм (*47%*), бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларга 5,4 трлн сўм (*53%*) йўналтирилган ёки Давлат бюджетига тушумларнинг улуши 50 фоиздан кам қисмини ташкил этмоқда.

**Давлат бюджети ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари
жамғармаларига тақсимланиши белгиланган тўловларни
2022 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги тақсими тўғрисида маълумот**

млрд сўм

№	Ташкилотлар	Тақсимла- надиган солиқсиз тушумлар	шундан			
			Давлат бюджетига	Улуши (%)	Бюджетдан ташқари жамғар- маларга	Улуши (%)
	Жами	10 186,8	4 827,4	47	5 359,4	53
1	Ички ишлар вазирлиги	3 881,0	2 040,7	53	1 840,3	47
2	Давлат солиқ қўмитаси	1 312,0	249,2	19	1 062,8	81
3	Давлат божхона қўмитаси	1 371,0	925,1	67	446,0	33
4	Давлат хизматлари агентлиги	1 169,5	183,4	16	986,2	84
5	Бош прокуратура	1 133,5	720,5	64	413,0	36
6	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	364,0	182,0	50	182,0	50
7	Олий суд	275,7	179,1	65	96,6	35
8	Давлат активларини бошқариш агентлиги	201,4	188,5	94	12,9	6
9	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	143,0	57,1	40	85,9	60
10	Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси	102,6	20,7	20	82,0	80
11	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	55,8	0,7	1	55,1	99
12	Вазирлар Маҳкамаси	43,5	9,7	22	33,8	78
13	Маҳаллий ҳокимликлар	36,2	33,2	92	3,0	8
14	Геология ва минерал ресурслар қўмитаси	28,2	13,6	48	14,6	52
15	Транспорт вазирлиги	14,2	0,9	7	13,2	93
16	Адлия вазирлиги	14,0	4,4	31	9,6	69
17	Ташқи ишлар вазирлиги	11,0	7,7	70	3,3	30
18	Кадастр агентлиги	6,4	5,7	90	0,6	10
19	Халқ таълими вазирлиги	6,0	3,0	50	3,0	50
20	Давлат тест маркази	5,9			5,9	100
21	Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги	5,6			5,6	100
22	Мактабгача таълим вазирлиги	2,0	1,0	50	1,0	50
23	Саноатда, кончиликда ва коммунал- маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси	1,4	0,4	27	1,0	73
24	Қимматбаҳо металлар агентлиги	1,1	0,6	50	0,6	50
25	Ўзбекконцерт давлат корхонаси	0,7	0,2	30	0,5	70
26	Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси	0,5			0,5	100
27	Автомобил йўллари давлат қўмитаси	0,5			0,5	100

Тавсия:

Давлат бюджети даромадлари тўлиқлигини ҳамда харажатларни бюджет орқали молиялаштириш мақсадида тақсимланиши белгиланган тушумларнинг улушларини қайта кўриб чиқиш лозим.

3.3. Бюджет-солиқ сиёсати бўйича таклифлар

3.3.1 Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш методологияси

Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2022 йил учун Бюджетнома таҳлили халқаро тажрибани ўрганган ҳолда амалга оширилган.

Шунингдек, Ҳисоб палатасининг 2021 йил 28 октябрдаги 13/1-714-сонли кўрсатмасига асосан Молия вазирлиги зиммасига мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда республика бюджети даромадларини прогнозлаштириш методологиясини (услугиётини) ягона ёндашув, аниқ стандартлар ва услугиётни халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши юклатилган.

Молия вазирлигининг 2022 йил 20 январдаги “Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси даромадларини прогнозлаштириш методикасини тасдиқлаш ҳақида”ги 9-сонли буйруғига асосан Давлат бюджетининг 2023 йил даромадлар прогнози ишлаб чиқилган.

Мазкур буйруққа асосан прогнозлаштириш қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олган:

- Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришда 7 та тамойилларга асосланиши;
- прогнозлаш жараёнининг 9 босқичда амалга оширилиши;
- прогнозлаш учун зарур бўлган 12 турдаги ахборот манбаларидан фойдаланилиши;
- прогнозлаш методологияси ҳар бир даромад тури бўйича 4 турдаги (*тўғридан-тўғри ҳисоблаш, индексация, экстраполяция, ўртача ҳисоблаш*) усулларидан бири қўлланилиши;
- 12 турдаги йирик даромадларни прогнозлаштиришда ҳисоблаш формулалари қўлланилиши;
- бошқа солиқ ва солиқсиз тушумлар 4 турдаги усуллардан бири қўлланилган ҳолда ҳисобланиши.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатларини прогнозлаштириш методикасини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (<https://project.gov.uz>) орқали вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда (ID 69690, 13.10.2022 йил).

Тавсия:

Мазкур қарор лойиҳасида қуйидагиларни қайта кўриб чиқиш ва ҳисобга олиш тавсия этилади:

– солиқсиз тўловлар (12 турдаги) бўйича даромадларни прогноз қилиш методикасини ишлаб чиқиш;

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, мол-мулк ва ер солиқларининг прогнозини шакллантиришда солиқ қарздорликлари, ортиқча тўловлар инobatга олиш;

– қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, фойда солиғи, мол-мулк ва ер солиқларини прогнозлаштиришда мазкур солиқлар бўйича жорий йилда қутилаётган тушумни солиқ сиёсати ва маъмурчилигидаги ўзгаришлар ёки эксперт хулосасига асосан коэффициентга кўпайтириш орқали шакллантирилиши белгиланиб, коэффициентлар қай тарзда аниқланиши назарда тутиш;

– божхона органлари томонидан ундириладиган қўшилган қиймат солиғини прогнозлаштиришда унинг солиқ базасига акциз ва божхона божи тўловларини қўшган ҳолда ҳисобланиши инobatга олиш;

– божхона тўловларини ҳисоблашда тўловга тортиладиган импорт ҳажмини эффектив ставкага кўпайтирилган ҳолда аниқланиши белгиланган бўлсада, мазкур ставкани аниқлаш тартиби акс этирилмаган;

– прогнозни белгилашда янгидан яратиладиган (ишга туширилладиган) йирик объектлар бўйича кўрсаткичлар ҳисобга олиш;

– Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига кирувчи давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари (*бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ташқари*), бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда маҳаллий бюджет даромадларининг прогнозлаштириш методологиясини (услугибетини) киритиш.

3.3.2 Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига бюджет тизими бюджетларининг даромадларини шаклланиши билан боғлиқ бўлган тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида таклифлар

Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йиллар учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларида олиб борилган таҳлиллар натижасида ишлаб чиқилган таклифлардан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида бюджет тизими бюджетларининг даромадларини шаклланиши билан боғлиқ бўлган топшириқларини бажаралишини таъминлаш мақсадида тавсия этилмоқда.

3.3.2.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида (193-банд) 2026 йилгача мунтазам йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун янги автобус ва микроавтобусларни олиб киришда ёки маҳаллий ишлаб чиқарувчидан харид қилишда қўшилган қиймат солиғини фоизсиз ва унинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш тизимини жорий этиш белгиланган.

Тавсия:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонига асосан Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилади.

3.3.2.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “очик мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-364-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да қуйидагилар белгиланган:

- товар айланмаси 10 млрд сўмгача бўлган кичик бизнес субъектларига:
 - хабардор қилиш орқали солиқ қарзини олти ойгача фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш;
 - айланмадан олинадиган солиқ, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқлари бўйича солиқ ҳисоботларини тадбиркорлар билан келишилган ҳолда солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқиш ва шакллантириб бериш;
- ўрта бизнес учун 2023 йил 1 январдан кичик бизнес тоифасидан ўрта бизнес тоифасига ўтган тадбиркорлик субъектлари учун икки йил давомида фойда солиғи ставкасини 50 фоизга пасайтириш;
- 200 млрд сўмдан юқори лойиҳалар бўйича ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларига ўз маблағларини сарфлаган тадбиркорлик субъектларининг ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда солиғи суммаларини ушбу суммага камайтириш;
- хусусийлаштириш учун белгиланган ер солиғининг 20 баравари миқдоридаги тўловни Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 10 бараваригача, бошқа ҳудудларда 5 бараваригача пасайтириш;
- электромобилларни қувватлаш шохобчалари инфратузилмасини кенгайтиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида электр қувватлантириш шохобчаларини 3 йил муддатга мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда фойда солиғидан, шунингдек, ушбу шохобчалар томонидан импорт қилинадиган республикада ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналарни божхона божидан озод қилиш;

–тадбиркорларга нисбатан мажбуриятлар юклайдиган янги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган талабларни бажармаганлик учун уларга нисбатан 6 ой давомида жавобгарлик чоралари қўлланилмаслиги.

Тавсия:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги ПҚ-364-сон қарорига асосан Солиқ кодекси ва бошқа қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилади.

3.3.2.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-366-сон қароридида қуйидагилар назарда тутилган:

– 2023 йил 1 январдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар учун ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдори ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваригача камайтириш (бундан савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар мустасно);

–2023 йил 1 январдан бошлаб ўзининг шахсий томорқа ер участкасида мазкур Қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланаётган фуқаролар томонидан йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорида ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилиши ва ушбу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилиши.

Тавсия:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги ПҚ-366-сон қарорига асосан Солиқ кодекси ва бошқа қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилади.

3.3.2.4 Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган солиқлар турига айланмадан олинадиган солиқ киритилмаган.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 18-моддасига асосан “айланмадан олинадиган солиқ” махсус солиқ режими сифатида белгиланиб, унда айрим солиқларни тўлашдан озод этиш, пасайтирилган солиқ ставкаларини ва бошқа солиқ имтиёзларини қўллаш назарда тутилган.

Бироқ, Солиқ кодексининг 66-бобида айланмадан олинадиган солиқ режимида тўланиши озод этилиши, ставкалари пасайтирилиши ва имтиёз берилиши белгиланган солиқлар ёритилмасдан, айланмадан олинадиган солиқ тури кўрсатилиб, уни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиблари келтирилган.

Тавсия:

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, Солиқ кодексининг 17-моддасига “айланмадан олинадиган солиқ”ни **солиқ тури сифатида** киритиш лозим.

3.3.2.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-168-сон қарорининг 9-банд саккизинчи хатбошисида давлат иштирокидаги корхоналар ва улар таркибидаги ташкилотларнинг бино, иншоотлари ёки бошқа активларини давлат органларига ўтказилиши товарни реализация қилиш бўйича айланма сифатида қаралмайди ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган бепул товар берилишига тенглаштирилади.

Тавсия:

Солиқ кодексининг 239-моддаси тўртинчи қисми а-кичик бандини қуйидаги сўзлар билан тўлдириш лозим:

“Бундан давлат иштирокидаги корхоналар ва улар таркибидаги ташкилотларнинг бино, иншоотлари ёки бошқа активларини давлат органларига ўтказилиши мустасно.”

3.3.2.6 Солиқ кодексининг 308-моддаси олтинчи қисмида инвестициявий чегирмани аниқлаш мақсадларида товарларни (хизматларни) ишлаб чиқариш жараёнида солиқ тўловчи томонидан фойдаланиладиган, чиқарилган кунидан эътиборан қўпи билан уч йил ўтган машиналар ва ускуналар (шу жумладан транспорт ускуналари) янги технологик ускуналар деб эътироф этилади.

Бироқ, амалиётда ушбу инвестициявий чегирма фақат ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қўлланилиб келинмоқда, ишлар (хизматлар) кўрсатиш жараёнлари бўйича чегирма инобатга олинмасдан қолмоқда.

Тавсия:

Солиқ кодексининг 308-моддаси олтинчи қисмидаги “ишлаб чиқариш” деган сўзлардан кейин “(хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш)” деган сўзлар билан тўлдириш таклиф этилади.

3.3.2.7 Солиқ кодексининг 238-моддасига асосан ундириладиган жарима суммалари товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма қўшилган қиймат солиғи объекти ҳисобланмайди.

Бироқ, ушбу Кодекснинг 47-моддасига мувофиқ жарималар бўйича ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилганда қўшилган қиймат солиғи (имтиёзда мавжуд бўлмаганлиги сабабли) мажбурияти юзага келмоқда.

Тавсия:

Солиқ кодексида жарима суммаси қўшилган қиймат солиғи айланмаси ҳисобланмаслиги, лекин жами даромад таркибига кириши ва ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилиши лозимлигини белгилаш таклиф этилади.

IV. Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли давр учун фискал стратегияси ва бюджетномада кўзда тутилган 2023 йил бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджетининг харажатлари таҳлили

4.1. 2023-2025 йилларга мўлжалланган фискал сиёсатнинг асосий йўналишлари, Қонун лойиҳаси ҳамда Бюджетнома таҳлили

4.1.1 2023 йилга мўлжалланган бюджет сиёсатининг устувор йўналишлар сифатида қуйидагилар назарда тутилган:

бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини, жумладан соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ҳимояни ривожлантиришни таъминлаш;

йиллик бюджетни шакллантиришда “натижага йўналтирилган бюджет” тизимини босқичма-босқич тўлақонли жорий этиш;

Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида, илғор хорижий тажрибадан ҳамда халқаро молия институтлари экспертларининг тавсияларидан келиб чиққан ҳолда солиқ-бюджет сиёсатининг узоқ муддатли чекловлари – “Фискал қоидалар”ни ишлаб чиқиб, бюджет қонунчилигига киритиш;

бюджет очиклигини янада ошириш, бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик назоратини кучайтиришни таъминлаш мақсадида аҳолининг бюджет маблағларини тақсимлаш жараёнидаги фаол иштирокини янада кенгайтириш;

бюджет харажатларини барқарор ривожлантириш мақсадларига боғлаш ва шу орқали барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларга эришишни жадаллаштириш;

гендер тенгликка эришишни бюджет жараёнларига интеграциялаш орқали гендер тенгликка йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини амалиётга босқичма-босқич жорий этиш.

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича аҳолининг тўлов қобилияти тушиб кетишининг олдини олишга қаратилган давлат сиёсатидан келиб чиқиб, 2023 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларини инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорларда оширилиши режалаштирилмоқда.

4.1.2 Қонун лойиҳасининг 11-моддаси билан 2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори **ЯИМнинг 3 фоизи** миқдорида белгиланиши киритилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган **Фискал стратегия**нинг “2023-2025 йилларга мўлжалланган фискал сиёсат” бўлимида 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллиги миқдорини **ЯИМнинг 2,9 фоизи**, шундан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари тақчиллиги 1,9 фоиз миқдорида режалаштирилиши белгиланган.

Бунда, Фискал стратегияда белгиланган мақсадли режаларга нисбатан консолидациялашган бюджет тақчиллигининг ЯИМга нисбатан миқдори Қонун лойиҳада 0,1 фоиз (1,0 трлн сўм)га фарқ билан режалаштирилмоқда.

Бюджетномада 2023 йилдан бошлаб консолидациялашган бюджет тақчиллигининг юқори чекланган миқдори бўйича киритилган Бюджет қондасига қатъий амал қилинган ҳолда тақчилликни ялпи ички маҳсулотнинг **3 фоиздан ошмаслигини таъминлаш мақсад қилинганлиги кўрсатилган.**

Қонун лойиҳасининг 2-иловасида 2023 йил учун ЯИМнинг прогнози 1 033,6 трлн сўмни ташкил этиб, унинг **3 фоизи 31 008 млрд сўмни** ташкил этади.

Аммо, Қонун лойиҳасининг 1-иловасида консолидациялашган бюджет сальдоси 31 358,0 млрд сўм дефицит билан кўрсатилган ва ушбу кўрсаткич ЯИМнинг чекланган миқдоридан **350,0 млрд сўмга кўп.**

Тавсия:

2023 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорини **350,0 млрд сўмга қайта кўриб чиқиш** орқали тақчилликнинг чекланган миқдорига қатъий риоя қилишни таъминлаш лозим.

4.1.3 Фискал стратегияда Давлат бюджетининг 2023 йилдаги харажатларининг (трансфертлар билан бирга) 245,3 трлн сўмни ёки ЯИМга нисбатан 24,8 фоизни ташкил этиши прогноз қилинган.

Қонун лойиҳасида мазкур харажатлар 250,5 трлн сўмни ташкил этиши ёки ЯИМга нисбатан 24,2 фоизни ташкил этиши белгиланмоқда.

Бунда, Фискал стратегияда назарда тутилган харажатлар ҳажмига нисбатан 5,2 трлн сўмлик кўшича харажатлар 2022 йилнинг июль-сентябрь ойларида қабул қилинган хужжатларда белгиланган вазифаларни молиялаштириш учун шаклланганлиги билан изоҳланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 15 июндаги** “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-280-сон қарорига асосан “UzGasTrade” АЖнинг устав капитали Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия маблағларининг бир қисми ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган бўлиб мазкур мақсадлар учун Қонун лойиҳада кўшимча маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Худди шундай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 31 августдаги** “Қорақалпоғистон республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-213-сон Фармонида асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар,

ногиронлиги бўлган шахслар учун темир йўл ва авиаёўловчилар чипталарини сотиш 50 фоизлик имтиёзли тарифлар бўйича амалга оширилиши ҳамда йўловчи ташувчи компанияларнинг ушбу имтиёз тақдим қилиш билан боғлиқ харажатларини давлат бюджетидан қоплаб берилиши белгиланган бўлиб мазкур мақсадлар учун Қонун лойиҳада қўшимча маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

4.1.4 Фискал стратегияда 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари жами **25,6 трлн сўмни** ташкил этиши режалаштирилган бўлиб, Қонун лойиҳада мазкур умумий миқдор ўзгармасдан тасдиқланмоқда.

Бунда, солиқ тушумларининг бюджет даражалари ўртасидаги тақсимлаш меъёрларини Молия вазирлиги томонидан қайта кўриб чиқилиб, тегишли маҳаллий бюджетларнинг харажатларини қоплаш манбаларига аниқликлар киритилган ва трансфертлар миқдори Фискал стратегияда назарда кўрсаткичларга нисбатан жами ўзгармаган ҳолда ҳудудлар кесимида ўзгартирилган.

Масалан, Фискал стратегияда назарда тутилган Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри учун 2,2 трлн сўмлик тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори бекор қилиниб, бошқа ҳудудларга қайта тақсимланган.

4.1.5 Фискал стратегияда 2023 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури учун **25,1 трлн сўм** ажратилиши режалаштирилган бўлиб, Қонун лойиҳада мазкур дастур учун **16,1 трлн сўм** ёки **9,0 трлн сўм** кам режалаштирилмоқда.

Бунда, Фискал стратегияда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасидаги “Обод қишлоқ ва обод маҳалла” давлат дастурини амалга ошириш учун **3,5 трлн сўм** маблағлари Қонун лойиҳада фуқароларнинг “Ташаббусли бюджет” жамғармаси маблағларини шакллантириш учун маҳаллий бюджетларда кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-43-сон қарори билан ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда ҳар йили 1 ноябрга қадар ҳудудлар, соҳалар ва тармоқлар раҳбарлари дастлабки манзилли рўйхатга киритилган лойиҳалар бўйича лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш чораларини кўриши белгиланган ва уларга шахсий жавобгарлик юклатилган.

Амалда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилиши лозим бўлган лойиҳалар бўйича лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш чоралари кўрилмаган бўлиб, Қонун лойиҳада умумий лимитни белгилаш мақсадида (манзилли рўйхат шакллантирилмаган) маблағлар режалаштирилган.

4.1.6 Фискал стратегияда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига мувофиқ 2023 йилда Давлат бюджети ҳисобидан **11,5 трлн сўм субсидияларни** ажратилиши белгиланган бўлиб, Бюджетномада 2023 йилда **15,3 трлн сўм** ёки **3,8 трлн сўм кўп** субсидияларни ажратилиши кўзда тутилган.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги ПҚ-280-сон қарорига асосан “UzGasTrade” АЖнинг устав капитали Давлат бюджетидан ажратилган субсидия маблағларининг бир қисми ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган бўлиб мазкур мақсадлар учун Қонун лойиҳада қўшимча маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари аҳолига арзон уй-жой учун ҳамда қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун мўлжалланган субсидиялар миқдорлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, Фискал стратегияда назарда тутилган миқдорлари камайтирилган.

4.1.7 Қонун лойиҳасининг **2-моддасида** Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ўзининг жорий харажатлари таркибидаги тармоқни ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли этиб белгиланмоқда.

Бюджет кодексининг 145-моддаси билан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун назарда тутилган маблағларни жорий харажатларга йўналтириш тақиқланган.

Аммо, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг тармоқни ривожлантириш давлат дастурлари учун назарда тутилган маблағларни жорий харажатларга йўналтириш тақиқланмаган.

Тавсия:

Қонун лойиҳасининг 2-моддасини иккинчи хат бошини қуйидагича таҳрирлаш тавсия этилади:

“Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) билан келишган ҳолда ўзининг жорий харажатлари таркибидаги тармоқни ривожлантириш давлат дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

Бунда, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг тармоқни ривожлантириш давлат дастурлари учун назарда тутилган маблағларни уларнинг жорий харажатларига йўналтириш тақиқланади”

4.2. Давлат бюджети харажатларининг 2022 йилдаги кутилаётган ижроси ва 2023 йил учун режаси

4.2.1 Давлат бюджети харажатларининг 2022 йилда кутилаётган ижроси 240,3 трлн сўмни (давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар билан бирга) ёки 2022 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 25,5 трлн сўмга ошган ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг 26,8 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

5-жадвал

Давлат бюджети харажатларининг 2022 йилги кутилаётган ижроси бўйича маълумот

			трлн сўмда
т/р	Кўрсаткичлар	2022 йил (01.09.2022)	Параметрга нисбатан фарқи
	Давлат бюджети харажатлари	240,3	+25,5
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	26,6	+1,1
1	Ижтимоий харажатлар	118,9	+13,0
	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	104,1	+14,0
	Таълим	49,5	+2,9
	Соғлиқни сақлаш	26,7	+3,4
	Маданият	2,4	+0,6
	Спорт	1,6	-
	Фан	1,6	+0,45
	Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	19,7	+6,7
	Пенсия жамғармасига трансфертлар	13,3	-0,5
	Ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фойз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар	1,4	-0,35
2	Иқтисодиёт харажатлари	40,7	+16,5
	Сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	6,1	+1,4
3	Марказлашган инвестиция харажатлари	24,9	+1,1
4	Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	12,6	+1,0

т/р	Кўрсаткичлар	2022 йил (01.09.2022)	Параметрга нисбатан фарқи
5	Захира жамғармалари	2,2	+0,4
6	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш	4,1	-
7	Бошқа харажатлар	33,7	+4,6

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг кутилаётган ижроси **118,9 трлн сўм** бўлиб, тасдиқланган параметрларга нисбатан ўсиш 12,3 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шундан:

- таълим соҳаси учун жами харажатлари - 49,5 трлн сўмни;
- соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари - 26,7 трлн сўмни;
- маданият соҳаси харажатлари 2,4 трлн сўмни;
- спорт соҳаси харажатлари 1,6 трлн сўмни;
- фанни ривожлантириш тадбирлари учун 1,6 трлн сўмни;
- ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва компенсация тўловлари харажатлари 19,7 трлн сўмни ташкил этади.

Иқтисодий харажатлари учун кутилаётган харажатлар **40,7 трлн сўмни** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, Марказлашган инвестиция харажатлари **24,9 трлн сўмни**, давлат бошқаруви, ҳокимият, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари **12,6 трлн сўмни**, захира жамғарма маблағлари **2,2 трлн сўмни**, давлат қарзига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларга **4,1 трлн сўм** ҳамда бошқа харажатларга **33,7 трлн сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.

4.2.2 2023 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг харажатларини шакллантириш ҳисоб-китоблари қуйидаги усулларда:

2022 йил ва ундан олдинги йилларда тасдиқланган ҳамда 2022 йилда якунига етказилган дастурларни харажатлар таркибидан чиқариш;

2022 йил давомида харажатлар структурасида бўлган ўзгаришлар (соҳалар ўзгариши, янги ташкил этилган ташкилотлар)ни ҳисобга олиш;

2022 йилдаги ҳамда 2023 йилда кўзда тутилган иш ҳақи, коммунал тўловлар, ёқилғи ва бошқа маҳсулотларни нархларининг ошиш индексларини 2022 йил учун тасдиқланган харажатларга қўллаш;

айрим соҳаларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари учун режалаштирилган маблағларни 2022 йил якунига қадар етишмайдиган

миқдорларини қайта ҳисоб-китоб қилиш орқали 2022 йилни харажатлари режасини таркибига киритиб, 2023 йил бюджети шакллантирилганлиги маълум бўлди.

4.2.3 2023 йилги консолидациялашган бюджет харажатлари 327,7 трлн сўм ёки ЯИМга нисбатан 31,7 фоиз миқдорида прогноз қилинган.

Қонун лойиҳасига кўра 2023 йил учун давлат бюджетининг харажатлари 250,5 трлн сўмни, шундан 40,5 трлн сўми давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни ташкил этиши режалаштирилган.

Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари 80,4 трлн сўмни, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатлари 14,0 трлн сўмни, ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар 7,8 трлн сўмни ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари харажатлари 15,5 трлн сўмни ташкил этади.

б-жадвал

**Консолидациялашган бюджетнинг
2023 йилги прогнози ва 2024–2025 йиллардаги мўлжаллари**

трлн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2023 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари:	
			2024 йил	2025 йил
I.	Консолидациялашган бюджет даромадлари	296,4	338,2	380,7
	<i>Ялли ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>28,7</i>	<i>27,7</i>	<i>27,3</i>
1.	Давлат бюджети даромадлари*	230,2	265,7	305,3
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари*	41,6	45,0	48,3
3.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	8,9	11,1	9,8
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига тушумлар	15,7	16,4	17,3
II.	Консолидациялашган бюджет харажатлари	327,7	362,8	409,1
	<i>Ялли ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>31,7</i>	<i>29,7</i>	<i>29,3</i>
1.	Давлат бюджети харажатлари *	209,9	235,1	271,8
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	80,4	88,5	97,1
3.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши	14,0	11,1	9,8
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг сарфланиши	15,5	16,3	17,0
5.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	7,8	11,8	13,4
III.	Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	40,5	46,6	51,7
IV.	Консолидациялашган бюджет сальдоси (профицит +, дефицит -)	-31,4	-24,5	-28,4
	<i>Ялли ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>-3,0</i>	<i>-2,0</i>	<i>-2,0</i>
V.	Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари сальдоси (профицит +, дефицит -)	-18,6	-12,9	-15,2
	<i>Ялли ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>-1,8</i>	<i>-1,1</i>	<i>-1,1</i>
VI.	Давлат қарзларини сўндириш	19,3	31,5	26,7

* Бюджетларо трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда кўрсатилган.

Бунда, республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар 198,4 трлн сўм, шундан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар миқдори 25,5 трлн сўмни ташкил этади.

7-жадвал

2022–2023 йиллар учун Давлат бюджети харажатлари

млрд сўм

Кўрсаткичлар	2022 йил кутилаётган		2023 йил прогноз	
	сумма	ЯИМга нисбатан, фоизда	сумма	ЯИМга нисбатан, фоизда
ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ	902 479		1 033 586	
I. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ	240 290	26,6	250 459	24,2
1. Ижтимоий соҳа харажатлари	118 940	13,2	135 343	13,1
<i>шу жумладан:</i>				
1.1 Таълим	49 494	5,5	60 369	5,8
1.2 Соғлиқни сақлаш	26 651	3,0	29 322	2,8
1.3 Маданият	2 439	0,3	2 373	0,2
1.4 Спорт	1 603	0,2	2 410	0,2
1.5 Фан	1 577	0,2	1 877	0,2
1.6 Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	19 703	2,2	18 675	1,8
1.7 Пенсия жамғармасига трансфертлар	13 262	1,5	16 900	1,6
1.8 Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар	1 411	0,2	1 000	0,1
2. Иқтисодий харажатлари	40 742	4,5	33 088	3,2
<i>шу жумладан:</i>				
2.1 Сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	6 106	0,7	7 662	0,7
2.2 Геологик қидирув ишлари	1 000	0,1	1 100	0,1
2.3 Аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш	3 994	0,4	3 824	0,4
2.4 Узгазтрейдга субсидиялар	9 200	1,0	5 300	0,5
3. Ривожлантириш дастурлари	24 913	2,8	16 170	1,6
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва топшириқларига асосан қайта тақсимланадиган маблағлар	3 000	0,3	3 000	0,3
5. Давлат бошқаруви, адлия, прокуратура ва суд органларини сақлаш харажатлари	11 187	1,2	15 522	1,5
6. Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ҳамда Давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятнинг	1 561	0,2	1 468	0,1

Кўрсаткичлар	2022 йил кутилаётган		2023 йил прогноз	
	сумма	ЯИМга нисбатан, фоизда	сумма	ЯИМга нисбатан, фоизда
бошқа институтларини қўллаб-қўвватлаш харажатлари				
7. Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	2 191	0,2	2 018	0,2
8. Давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари	4 098	0,5	6 678	0,6
9. Бошқа харажатлар	33 659	3,7	37 172	3,6
II. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ (ТРАНСФЕРТЛАРСИЗ)	36 427	4,0	40 245	3,9
III. ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ ХАРАЖАТЛАРИ	8 935	1,0	13 978	1,4
IV. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ХАРАЖАТЛАРИ	14 614	1,6	15 550	1,5
V. ТАШҚИ ҚАРЗ ҲИСОБИДАН ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИГА ХАРАЖАТЛАР	6 489	0,7	7 813	0,8
КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ, ЖАМИ	305 999	33,9	328 045	31,7

Таъкидлаш лозимки, 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини лойиҳасида кўзда тутилаётган харажатлар миқдори охириги беш йилда (2017 йилдаги 49,3 трлн сўмга нисбатан) 5,1 баробар ошган.

8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2017 - 2021 йиллар ижроси,
2022 йил кутилаётган ижро ва 2023 йил лойиҳаси тўғрисида маълумот

Кўрсаткичлар		трлн сўм					
		2017 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2017 йилга нисбатан ўсиш (баробар)
		Ижро	Ижро	Ижро	Кутилаёт- ган	Прогноз	
1	ЯИМ (трлн сўм)	317,5	602,6	734,6	902,5	1033,6	3,3
2	Инфляция	14,4%	11,1%	10,0%	12,3%	11,76%	2,3
3	Аҳоли жон бошига ўртача иш ҳақи миқдори (млн сўм)*	1 360,8	2 600,5	3 009,7	3 479,0	3 896,5	2,9
4	Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари сони (бирлик)	271	312	316	316	316	1,2
5	Бошқарув ходимлари сони (минг киши)	75,3	90,2	83,0	98,5	98,5	1,3

Кўрсаткичлар		2017 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2017 йилга нисбатан ўсиш (баробар)
		Ижро	Ижро	Ижро	Кутилаётган	Прогноз	
6	ХАРАЖАТЛАР (мақсадли жамғармаларсиз) - жами	49,3	144,1	188,3	240,3	250,5	5,1
6.1	Ижтимоий харажатлар	27,2	74,2	92,0	118,9	135,3	5,0
6.2	Иқтисодиётга харажатлар	5,3	16,7	21,2	40,7	33,1	6,3
6.3	Марказлаштирилган инвестициялар	3,2	18,8	29,9	24,9	16,2	5,0
6.4	Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ва судларни сақлаш харажатлари	1,9	7,4	8,5	8,3	15,5	8,0
6.5	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	0,5	0,8	1,0	1,4	1,3	2,6
6.6	Захира жамғармалари	0,3	1,5	1,4	2,2	2,0	6,5
6.7	ННТ, НСТ ва фуқоролик жамиятлари институтларини ривожлантириш учун маблағлар ва грантлар	0,0	0,0	0,1	0,2	0,2	13,3
6.8	Бошқа харажатлар	10,9	24,2	33,3	37,8	37,2	3,4
7	Давлат ташқи қарзи (млрд долл.)	7,6	21,1	23,6	27,0	30,4	4,0

*) 2022 йил бўйича дастлабки 6 ойлик статистика олинган, 2023 йил учун 2022 йилда кутилаётган миқдор 12 фоизга оширилган.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ЯИМни ўсиш кўрсаткичлари (3,3 баробар), иқтисодиётдан банд бўлган аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорига ўсиш (2,9 баробар)га нисбатан давлат бюджетининг харажатларини ўсиши кўрсаткичи сезиларли даражада (5,1 баробар) юқори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги “2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5-сон фармойишида Давлат бошқаруви органларининг мақомини белгилаш, тузилмаларини такомиллаштириш ва штат бирликларини мақбуллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Бунда:

давлат бошқаруви органларининг ҳар бирининг мақомини белгилаш, уларни ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ тартиби, бир-биридан фарқловчи мезонларни назарда тутувчи механизмларни ишлаб чиқиш;

вазирлик ва идоралар ҳамда улар таркибига кирадиган ташкилотларнинг барча функцияларини таҳлил қилиш, такрорланувчи вазифа ва функцияларини қисқартириш, шунингдек, ушбу асосда вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг

таркибига кирадиган ташкилотларни қайта ташкил қилиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва сонини камайтириш;

вазирлик ва идоралар ҳамда улар таркибига кирадиган ташкилотлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини вужудга келтираётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш;

давлат-ҳокимият ваколатлари берилган идоралараро коллегиял органлар (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар)ни ташкил қилишнинг аниқ ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг ваколат чегаралари ва фаолият юритиш даврини белгилаш, шунингдек, коллегиял органлар сонини қисқартириш ва улар ваколатини тегишли соҳага масъул бўлган вазирлик ва идораларга бериш;

ҳудудларни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишда вазирлик ва идораларнинг ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари ишини самарали ташкил этиш;

вазирлик ва идоралар раҳбар ўринбосарларининг йўналишлар кесимидаги жавобгарлик чегараларини аниқ белгилаш, уларга юклатилган функция ва вазифаларни туман (шаҳар), маҳалла даражасида самарали ташкил этиш;

вазирлик ва идоралар ҳамда улар таркибига кирадиган ташкилотларнинг ташкилий ва марказий аппарати тузилмаларининг ягона намунасини ишлаб чиқиш, ташкилий тузилмаларга ташкилотларни киритиш ва чиқариб ташлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш;

вазирлик ва идоралар ҳамда улар таркибига кирадиган ташкилотларнинг штат бирликлари тўғрисидаги ягона очик марказлашган ахборот платформасини яратиш, уларга қўшимча штат бирликларини ажратиш ёки мавжудларини қисқартириш бўйича аниқ ҳуқуқий асосларни белгилаш;

вазирлик ва идоралар ҳамда улар таркибига кирадиган ташкилотларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган штат бирликларини мақбуллаштириш лозим бўлган асосий устувор йўналишлар белгилаб берилган.

2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссиясига 2022 йил 1 мартга қадар 2022-2023 йилларда Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритиш вазифаси белгиланган.

Тавсия:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги Ф-5-сон фармойиши билан Давлат бошқаруви органларининг мақомини белгилаш, тузилмаларини такомиллаштириш ва штат бирликларини мақбуллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан киритилган таклифлар асосида вазирлик ва идоралар ҳамда улар таркибига кирадиган

ташкilotларнинг такрорланувчи вазифа ва функцияларини қисқартириш, шунингдек, ушбу асосда вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг таркибига кирадиган ташкilotларни қайта ташкил қилиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва сонини камайтириш орқали бюджет харажатларини қисқартириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

4.2.4 Давлат ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун 2023 йил учун 16,2 трлн сўм ёки ЯИМ га нисбатан 1,6 фоиз миқдорида маблағлар кўзда тутилган.

Бюджетномада келтирилган маълумотларга кўра Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Инвестиция дастури доирасида қуйидагилар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда:

9-жадвал
млрд сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2023 йил
	Марказлаштирилган капитал қўйилмалар, жами	16 170
	<i>жумладан:</i>	
1	Ижтимоий соҳалар, шу жумладан:	5 129
	Олий таълим муассасалари	770
	Умумтаълим мактаблари	1 809
	Мактабгача таълим муассасалари	850
	Тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар	1 100
	Жисмоний тарбия ва спорт	400
	Маданият ва санъат	150
	Илм-фан ва инновация	50
2	Муҳандислик-коммуникация тармоқлари	1 300
3	Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ харажатлар	2 280
4	Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш таъмирлаш ишлари учун	1 250
5	Маъмурий-худудий, муҳандислик-инфратузилма, шунингдек алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шу жумладан:	3 860
6	Туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш	280
7	Ерларни қайта фойдаланишга киритиш	60
8	Оролбўйи минтақаларини ривожлантириш дастури	12
9	Бошқа йўналишлар	2 000

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-43-сонли қарорига асосан 2022 йилдан бошлаб келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилишида қуйидаги тартиб ўрнатилган:

- вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари билан биргаликда 1 апрелга қадар жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ҳолатини, янги лойиҳаларни амалга ошириш зарурати ва уларнинг жойлашувини, шунингдек, ушбу масалалар бўйича кенг жамоатчилик фикрини ўрганади;

- вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 1 майга қадар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тавсияларидан келиб чиқиб, Дастурга киритиладиган лойиҳалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига шахсий кафилик асосида таклиф киритади;

- Молия вазирлиги 1 майга қадар лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш учун зарур маблағларни буюртмачилар кесимида шакллантиради;

- Вазирлар Маҳкамаси 1 июлга қадар Дастурга киритиш таклиф этилаётган лойиҳаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиб чиқиб, уларнинг дастлабки манзилли рўйхатини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

- ҳудудлар, соҳалар ва тармоқлар раҳбарлари дастлабки манзилли рўйхатга киритилган лойиҳалар бўйича лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатларини 1 ноябрга қадар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш чораларини кўради ва бу борада уларга шахсий жавобгарлик юклатилади.

Таҳлилларда, Қонун лойиҳасида кўзда тутилган капитал қўйилмалар юзасидан асословчи ҳужжатлар, жумладан, режалаштирилган янги қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш объектлари бўйича ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган **лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатлари** ҳамда **экспертиза органларининг хулосалари тақдим этилмади.**

Юқорида келтириб ўтилган қарор билан календарь йилининг якунига қадар келгуси йиллар учун Дастур тасдиқланиши, унга киритилган лойиҳалар бўйича танлов (тендер)лар эълон қилиниши, бунда, Дастурга лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатлари **экспертизадан ўтказилмаган лойиҳалар киритилишига йўл қўйилмаслиги** белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш

кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-409-сонли қарори билан 2023 йилдан бошлаб “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланиши белгиланган.

Тавсия:

Қонун лойиҳасида кўзда тутилган марказлаштирилган инвестиция харажатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-43-сонли қарори ҳамда “Шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари” талаблари асосида:

- янги қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш объектларининг лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатлари ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- ўрнатилган тартибда экспертиза органларида кўриқдан ўтказиш ва хулосалар олиш тавсия этилади.

4.2.5 Бюджетномада Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатларига 2023 йилда **16 990,0 млрд сўм** маблағ режалаштирилган.

Таҳлилларда, Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳар бир соҳа ва ташкилотларнинг бюджет сўровлари кесимида қайта ҳисоб-китоб қилинганда, 2023 йилда ҳақиқий бюджет маблағларига талаб миқдори жами **16 055,5 млрд сўмни** ташкил этиши ёки Бюджетномада кўрсатилган режа эҳтиёжга нисбатан **934,5 млрд сўмга** кўплиги маълум бўлди.

Бунда, Давлат бюджетининг келгуси йиллар учун режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган методлар ва ҳисоб-китобларнинг усуллари аниқ белгиланмаганлиги сабабли, мазкур фарқли кўрсаткичларни ва Қонун лойиҳасида келтириладиган режа кўрсаткичларини иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан, ҳар бир соҳа кесимида таҳлил қилиш имкониятини чеклайди.

Тавсия:

Бюджетномада Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатлари учун кўрсатилган режа кўрсаткичларини ҳар бир соҳа ва ташкилотларнинг бюджет сўровлари кесимида қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда эҳтиёжга нисбатан **934,5 млрд сўмга** фарқ қилаётган маблағларга аниқлик киритиш ва Қонун лойиҳасида белгиланаётган режа кўрсаткичларини асослантириш лозим.

4.2.6 2023 йилда Касаба уюшмалари Федерациясига санаторийлар ва болалар оромгоҳларини сақлаш, таъмирлаш ва аҳолига имтиёзли йўлланмалар ажратиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Давлат бюджетидан 130,0 млрд сўм миқдордаги трансферт ажратилиши кўзда тутилган.

Бюджет кодексининг 12-моддасига кўра, бюджет тизими бюджетларининг маблағлари муайян бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга ушбу маблағлардан белгиланган мақсадларни молиялаштиришда фойдаланиш учун ажратилади.

Бюджет кодексининг 5-моддасида бюджет маблағлари олувчиларни Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш шартлари бюджет тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунида касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулкани шакллантириш манбалари сифатида аъзолик бадаллари, ихтиёрий мулкый бадаллар ва хайриялар, тадбиркорлик фаолиятидан тушган тушумлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар белгиланган.

Тавсия:

Бюджет тўғрисидаги қонунчиликда Касаба уюшмалари Федерациясининг санаторийлар ва болалар оромгоҳларини сақлаш, таъмирлаш ва аҳолига имтиёзли йўлланмалар ажратиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун маблағлар ажратиш тўғрисида нормалар белгиланмаганлиги сабабли, мазкур мақсадлар учун Қонун лойиҳасида маблағларни режалаштиришни кўриб чиқиш ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш тавсия этилади.

4.2.7 Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш (2022 йилда тасдиқланган бюджети 4,9 млрд сўм, штат бирликлар сони 89 та) ҳамда Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциялари (2022 йилда тасдиқланган бюджети 4,4 млрд сўм, штат бирликлар сони 89 та) мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг 24.02.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисида”ги 108-сонли қарорида инспекция низомига асосан инспекциянинг асосий вазифаларидан бири ичимлик сувини оқилона ва самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш, ичимлик сувидан фойдаланиш, канализация ва оқова сувларни тозалаш хизматлари кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳисобланади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2017 йилдаги “�ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тўғрисида”ги 340-сонли қарорида кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекция низомига асосан инспекциянинг асосий вазифаларидан бири сув таъминоти ва канализация объектларини, иссиқлик таъминоти тизимларини аҳоли пунктларини ривожлантириш схемалари ва бош режалари билан боғлаган ҳолда ривожлантириш, модернизация ва реконструкция қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг сифатли бажарилишини ташкиллаштириш, мазкур соҳа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқарувини таъминлаш.

Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияларининг асосий вазифа ва функциялари ўзаро яқин, айрим ҳолларда такрорловчи эканлигини инобатга олиб, ушбу инспекцияларни бирлаштирган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ягона инспекция ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Натижада, қайд этилган иккала инспекцияларни мавжуд функция ва вазифаларини бирлаштириш орқали такрорланувчи **158 та** штат бирликлар сонини мақбуллаштириш орқали **11,0 млрд сўм** бюджет маблағларини тежаш имконияти яратилади.

4.2.8 Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, электр энергияси сарфини камайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш кўламини кенгайтириш мақсадида, 2023 йилда жами 300 минг гектар, шу жумладан 180 минг гектар пахта майдонда томчилатиб суғоришни ташкил қилиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сон қарори билан ҳар бир гектар томчилатиб суғориш ташкил қилинган майдонга 8,0 млн сўмдан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига 12,0 млн сўмдан субсидия ажратиш, бунда 50 фоизи тизим жорий қилинган йили ажратилиши ва 50 фоизи келгуси йили ҳосилдорлик ошиши ва ускуналарнинг ишлатилишига қараб ажратилиши белгиланган.

Қонун лойиҳасида томчилатиб суғориш тизимларини жорий қилиш бўйича 2022 йилда бажарилган ишларнинг 50 фоизи, 2023 йилда 36,6 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий этиш харажатларининг 50 фоизини қоплашга жами 110 млрд сўм ҳамда муқобил энергия ва кўчма генераторлар учун 200,0 млрд сўм, жами 2023 йилда **310,0 млрд сўм** субсидия ажратилиши режалаштирилган.

Бажарилган ишлар учун субсидия маблағларининг миқдори ҳар гектарига 4,0 млн сўмдан ҳисобланиши белгиланган (ПҚ-144-сон қарор) бўлсада, амалда 5,45 млн сўмдан ҳисоб-китоблар асосида жами 51,1 млрд сўм маблағлар ортиқча режалаштирилмоқда.

Тавсия:

Қонун лойиҳасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратишга режалаштирилган маблағларни 51,1 млрд сўмга мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ.

4.2.9 Қонун лойиҳасининг 8-моддасида 2023 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми **800,0** млрд сўм ёки 2022 йилга нисбатан 113,0 фоизга ортиқ миқдорда белгиланмоқда.

Маълумот учун: 2022 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 708,9 млрд сўм этиб белгиланган.

Бюджет кодексининг 73-моддаси билан захира жамғарма маблағлари молия йили мобайнида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги кўшимча, кўзда тутилмаган харажатлар ўз вақтида ҳамда узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш учун ташкил этилиши, жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида, ушбу қарорларда кўрсатилган аниқ мақсадларга ва миқдорларда сарфланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сон қарорида Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳарлар бюджетлари захира фондларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилиниши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағларининг 2018-2022 йилларда сарфланиши бўйича маълумот

млрд сўмда

Т/р	Йиллар	Тасдиқ-ланган	Кирилган ўзгартириш	Аниқ-ланган	Касса харажати	шундан, қурилиш ва реконструкция харажатлари	
						сумма	жамига нисбатан улуши, фоизда
1	2018 йил	263,4	200,0	463,4	347,2	37,4	11
2	2019 йил	519,6	100,0	619,7	611,4	58,5	10
3	2020 йил	731,0	130,0	861,0	728,3	195,9	27

Т/р	Йиллар	Тасдиқланган	Кирилган ўзгартириш	Аниқланган	Касса харажати	шундан, қурилиш ва реконструкция харажатлари	
						сумма	жамига нисбатан улуши, фоизда
4	2021 йил	903,4	140,0	1 043,4	992,2	261,9	26
5	2022 йил*	708,9	332,6	1 041,5	939,2	317,8	34

*2022 йил касса харажати 18 октябр ҳолатига

Юқоридаги жадвалга кўра Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан асосий маблағлар қурилиш ва реконструкция харажатларига йўналтирилмоқда. Бу кўрсаткич 2020 йилда 195,9 млрд сўмни (27 фоиз), 2021 йилда 261,9 млрд сўмни (26 фоиз) ҳамда 2022 йилнинг октябр ҳолатига 317,8 млрд сўм (34 фоиз) ни ташкил этмоқда.

Тавсия:

Бюджет кодексининг 73-моддасига мувофиқ захира жамғармалари ҳисобидан молия йили мобайнида кўзда тутилмаган харажатларни молиялаштирилиши таъминлаш ҳамда қурилиш ва реконструкция ишларини танлов (тендер) ўтказилмасдан молиялаштиришни олдини олиш мақсадида **Қонуни лойиҳасининг 8-моддасини қуйидаги банд билан тўлдириш** мақсадга мувофиқ:

“2023 йил 1 январдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари ҳисобидан объектларни қуриш (реконструкция қилиш) харажатларига маблағларни йўналтиришни таъқиқланади (фавқулодда ҳолатлар бундан мустасно).”

4.2.10 Бюджетномада 2023 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида **давлат суғурта тизимини жорий этиш** кўрсатилган.

Қонун лойиҳада 2023 йилда тегишли маҳаллий бюджетлардан Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига жами 10,8 трлн сўм трансфертларни ўтказилиши белгиланмоқда.

Давлат тиббий суғурта жамғармаси орқали амалга “Ҳар бир даволанган ҳолат”дан келиб чиқиб молиялаштириш тизимига ўтиш, имтиёзли асосда даволанадиган беморларни ордерлар (йўлланма) асосида даволашда уларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар тарифини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4890-сон қарори қабул қилинган.

Унга кўра давлат тиббий суғуртаси тизимини **2021 йил 1 июлдан 2022 йил якунигача** бўлган муддатда Сирдарё вилоятида апробациядан ўтказиш ва унинг **ижобий натижаларини** 2023 йилдан бошлаб республиканинг бошқа ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилган.

Қарорга кўра давлат тиббий суғурта кузатув кенгаши олдига 2021 йил 1 майга қадар амалга ошириш лозим бўлган қуйидаги вазифалар белгиланган:

тиббиёт муассасаларига бириктирилган аҳолини хатловдан ўтказиб, уларнинг соғлиги ва касалланиш кўрсаткичлари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

кафолатланган пакет учун тўловларни натижага асосланган молиялаштириш усуллари (жон бошига молиялаштириш, даволанган ҳолат, бажарилган ишлар натижалари ва бошқалар) орқали амалга ошириш механизми ва Жамғармага Давлат бюджетидан маблағларни молиялаштириш тартибини тасдиқлаш. Бунда, ҳар бир бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасининг жон бошига молиялаштириш ҳажми тасдиқланган базавий ставкалар асосида белгиланишини кўзда тутиш;

тиббиёт муассасаларида аҳолига кафолатланган пакет асосида тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур моддий техник базани яратиш;

2021 йил 1 июлга қадар:

“Электрон поликлиника” ва давлат тиббий суғуртасининг ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базасини яратиш ва тўлиқ ишга тушириш вазифалари белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, **тажриба-синов лойиҳаси натижаларини танқидий таҳлил қилиш асосида** давлат тиббий суғуртаси тизимини босқичма-босқич республиканинг бошқа ҳудудларига жорий қилиш белгиланган.

Ҳисоб палатаси томонидан жорий йилнинг сентябрь ойида ўтказилган ўрганишларда “Электрон поликлиника” (reg.ssv.uz) **марказлашган маълумотлар базасига** эга ахборот тизими республикадаги 806 та тиббиёт муассасасида жорий қилинмаганлиги маълум бўлган.

Шу жумладан, Сирдарё вилоятининг кўплаб тиббиёт муассасаларида вазирлик кўрсатмасига мувофиқ **локал маълумотлар базасида ишловчи “MEDHUB”** ахборот тизимидан фойдаланиб келинаётганлиги ва “Электрон поликлиника” тизимини фаолияти йўлга қўйилмаганлиги маълум бўлган.

Бундан ташқари, қарор билан тажриба-синов лойиҳаси натижаларини баҳолаш учун халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда мустақил тадқиқот ўтказиш ҳамда **лойиҳа натижаларини баҳолаш** бўйича мустақил тадқиқот натижаларини чоп этиш белгиланган.

Сирдарё вилоятида тажриба-синов тарихида жорий этилган давлат тиббий суғурта тизимини натижалари қарорда белгиланган вазифалар доирасида танқидий таҳлил ўтказилмаган, унинг камчиликлари ва ижобий тарафларини кўрсатиб берувчи ҳисоботлар мавжуд эмас.

Тавсия:

Сирдарё вилоятида тажриба-синов тариқасида жорий этилган давлат тиббий суғурта тизимини танқидий таҳлил қилиш ва натижаларини ўрганиш.

Танқидий таҳлил натижалари асосида давлат тиббий суғуртаси тизимини бошқа ҳудудларда, шу жумладан Бюджетномада назарда тутилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида жорий этиш масаласини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

4.2.11 Қонун лойиҳасида Молия вазирлигининг қайта тақсимланадиган маблағлар қисмидаги хусусий секторда ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақа пулини бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш мақсадида **500,7 млрд сўм маблағ ажратилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон Фармониغا мувофиқ 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг очиқ маълумотлар базасидан Ўзбекистонда мавжуд аёллар сони ҳамда иқтисодиёт билан банд бўлган аёллар сони ва уларнинг бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда ишловчи аёлларга нисбати шу билан бирга туғилишлар динамикаси тўғрисидаги маълумотлар олиниб ҳисоб-китоб қилинганда, хусусий секторда ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақасини тўлаб бериш учун давлат бюджетидан 270,5 млрд сўм маблағ талаб этилиши прогноз қилинди.

2023 йилда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлови бўйича ҳисоб-китоби

минг киши

Т/р	Аёлларнинг ёш таркиби бўйича тақсимланиши	Аёллар сони	шундан, иқтисодиётда банд бўлган, хусусий юридик шахсларда ишловчи аёллар сони	Туғилишлар сони прогнози (2023 йил)	Аёллар сонига нисбатан, %да	Банд бўлган аёлларнинг хусусий юридик шахсларда ишлайдиган, ҳомиладор аёллар прогнози	2023 йилга Ижтимоий суғурта жамғармасига талаб, млн сўм
1	2	3	4	5	6	7=(6*3)	8=(7*2300)
	ЖАМИ	17 527,1	979,8	995,7		117,6	270 480,0

Т/р	Аёлларнинг ёш таркиби бўйича тақсимланиши	Аёллар сони	шундан, иқтисодиётда а банд бўлган, хусусий юридик шахсларда ишловчи аёллар сони	Туғилишлар сони прогнози (2023 йил)	Аёллар сонига нисбатан, % да	Банд бўлган аёлларнинг хусусий юридик шахсларда ишлайдиган, хомиладор аёллар прогнози	2023 йилга Ижтимоий суғурта жамғармасига талаб, млн сўм
1	1-17 ёш аёллар	5 845,7					
2	18-49 ёш аёллар	8 329,7	979,8	995,7	12,0%	117,6	270 480,0
3	50 ёш ва ундан катта ёшли аёллар	3 351,7					

Тавсия:

Қонун лойиҳасида Молия вазирлигининг қайта тақсимланадиган маблағлар қисмидаги хусусий секторда ишловчи аёлларнинг хомиладорлик нафақа пулини бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш учун ажратилган 500,7 млрд сўм маблағни юқоридаги ҳисоб-китобларга қўшимча 31,3 млрд сўмни инобатга олиб, **жами 300,7 млрд сўм миқдорида белгилаш** (лойиҳада белгиланаётган миқдорни 200,0 млрд сўмга камайтириш) **тавсия этилади.**

4.2.12 Қонун лойиҳасида Спортни ривожлантириш вазирлигига спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш мақсадида Республика бюджетидан 30,0 млрд сўм маблағ ажратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПҚ-136-сон қарори билан Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган.

Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг манбалари этиб:

муассиси Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳисобланган корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрида солиқлар ва йиғимлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойданинг бир қисми;

хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларга мувофиқ давлат мулки объектларини реализация қилишдан тушадиган тегишли маблағлар;

тизим ташкилотларининг мол-мулкани (бундан кўчмас мулк мустасно) сотишдан тушган маблағларнинг 50 фоизи;

тизим ташкилотларининг мол-мулкани ижарага беришдан тушган бюджетга йўналтирилаётган маблағларнинг 50 фоизи;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантириш белгиланган.

Қарорда Жамғармани шакллантириш манбалари қаторида Давлат бюджети ҳисобидан маблағлар ажратиш кўзда тутилмаган.

Тавсия:

Қонун лойиҳасида Спортни ривожлантириш вазирлигининг спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилган **30,0** млрд сўмни мақбуллаштириш тавсия этилади.

4.2.13 Қонун лойиҳасида Соғлиқни сақлаш вазирлигига Нейросенсор кар ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун **31,8** млрд сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сон Фармонининг биринчи иловасида Нейросенсор кар ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун давлат бюджетидан 2019 йилда 26,5 млрд сўм ажратиш кўзда тутилган.

2022 йилги ажратилган маблағлар ҳисобдан Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан 2022 йил сентябрь ойида жами 34,4 млрд сўмлик 252 та кохлер импланти сотиб олинган ва бугунги кунда улар омборда сақланмоқда.

Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан 2023 йилда 315 нафар болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш режалаштирилган.

Тавсия:

Кохлер имплантлар бўйича омбордаги қолдиқларни ҳисобга олган ҳолда йиллик талабдан келиб чиқиб бюджетдан маблағлар ажратишни қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

4.2.14 Қонун лойиҳасида Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тиббиёт муассасаларига физиотерапевтик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш харажатлари учун 104,8 млрд сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-215-сон қарорида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида физиотерапия хизматини қайта тиклаш мақсадида 2022 йил апрель-май ойларида барча бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини

хатловдан ўтказиб, физиотерапевтик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш жадвалини тузиш ва тасдиқлаш ҳамда физиотерапевтик асбоб-ускуналарни харид қилиш ва жойларга тарқатиш белгиланган.

Бироқ, тиббиёт муассасаларида физиотерапевтик асбоб-ускуналар хатловдан ўтказилмаган ва асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий талаб ҳамда қайси турдаги физиотерапевтик жиҳозларни харид қилиш рўйхати ва уларнинг ўртача харид нархлари шакллантирилмаган.

Тавсия:

Юқоридагиларга асосан, ПҚ-215-сон қарорда белгиланган талаблар асосида барча бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини хатловдан ўтказиб, хатлов натижаларининг талабидан келиб чиқиб физиотерапевтик асбоб-ускуналарига бўлган ҳақиқий талабга кўра аниқ ҳисоб-китоблар доирасида маблағларни ажратиш тавсия этилади.

4.2.15 Қонун лойиҳасида Соғлиқни сақлаш вазирлигига Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларга 2 500 та окклюдер харид қилиш учун 56,0 млрд сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Окклюдер харид қилиш (2 500 та) бўйича уларнинг харид нархлари асосида қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилганда, 2023 йилда жами 42,5 млрд сўм маблағга эҳтиёж бўлиши мумкинлиги маълум бўлди.

Тавсия:

Юқоридагиларга асосан, 2023 йилда 2 500 та окклюдер хариди учун 42,5 млрд сўм маблағ ажратиш ёки Қонун лойиҳада назарда тутилган лимитни **13,5 млрд сўмга камайтириш тавсия этилади.**

Маълумот учун, В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг 20.08.2022 йилдаги 479-сонли хати билан марказда йил бошига 200 та қолдиқ қолганлиги, шунингдек 2022 йилда 560 та окклюдер қабул қилиб олганлиги ҳамда 2023 йил учун қўшимча 800 дона окклюдер харид қилиш лозимлигини маълум қилинган.

4.2.16 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги **180-сонли қарорига кўра Академия банк, молия, солиқ тизимлари ва иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларининг бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича, шунингдек кўрсатиб ўтилган соҳаларда илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширувчи давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади.**

Қарорга кўра Академиянинг жорий таъминоти, унга юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришга доир тадбирларни амалга ошириш, шунингдек Академиянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари молиялаштириш манбаларидан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 4-моддасига кўра давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот бюджет ташкилоти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4503-сон қарорига асосан Банк-молия академияси Ўзмиллийбанкнинг тасарруфига ўтказилиб, Ўзмиллийбанк академиянинг ягона таъсисчиси этиб белгиланган.

Маълумот учун, Ўзмиллийбанк – акциядорлик жамияти ҳисобланиб, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб турилмайди, тижорат ташкилоти ҳисобланади.

ПҚ-4503-сон қарорга кўра **2018 ва 2019 йилларда** Академия магистратурасига қабул қилинган шахслар учун магистратура мутахассисликлари бўйича амалдаги таълим дастурларини, шунингдек, Академиянинг сарф-харажатларини магистратурада **давлат гранти асосида таълим олаётган шахсларнинг ўқиши тугагунга қадар** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаб қолиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 июндаги “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 365-сонли қарори қабул қилинган.

Унга кўра Академия Ўзбекистон Республикасининг банк ва молия соҳаси учун бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали мутахассисларни ҳамда раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича **таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.**

Академиянинг бакалаврият ва магистратурасида:

давлат гранти маблағлари ҳисобидан – фақат давлат органлари ва бошқа давлат ташкилотлари ходимлари;

Академия Кенгаши томонидан тасдиқланган квота бўйича тўлов-контракт асосида – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлар таълим олиши белгиланган.

Академияга кўрсатиладиган хизматлар ва ишлар, шу жумладан тўлов-контракт асосида ўқиш нархи ва тарифларини **мустақил белгилаш ҳуқуқи берилган.**

Академия фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

- Академиянинг магистратурасига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган шахсларни ўқитиш учун ажратиладиган **Давлат бюджети маблағлари**;

- ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатишдан тушадиган тушумлар;
- тижорат банклари депозитлари ва қимматбаҳо қоғозларда бўш маблағларни жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
- халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;
- “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти томонидан йиллик ажратиладиган маблағлар;
- қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бугунги кунда Академияда давлат гранти асосида 58 та талаба мавжуд бўлиб, Академия Кенгаши томонидан тасдиқланган жорий кундаги тўлов-контракт суммаси бўйича ушбу талабаларнинг 2023 йилга ҳисобланган ўқиш харажатлари **1 807,7 млн сўм**ни ташкил этади.

2022 йил учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 7 020,0 млн сўмлик харажатлар сметаси тасдиқланган бўлиб, йил давомида 3 434,7 млн сўмга кўпайтирилиб, жами 10 455,7 млн сўмни ташкил қилади.

Қонун лойиҳасида 2023 йил учун Академияга 7 930,2 млн сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Тавсия:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бугунги кунда мавжуд давлат гранти асосида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқиш пули миқдоридан келиб чиқиб:

- республика бюджетидан давлат гранти харажатлари сифатида бир қаторда молиялаштириш механизмига ўтиш;

- Академиянинг бугунги кундаги ташкилий шаклини аниқлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4503-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 майдаги 180-сон ва 2020 йил 8 июндаги 365-сонли қарорларидаги нормаларни, жумладан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг мулкчилик шакли, молиялаштириш механизми ва давлат бюджетидан маблағ ажратиш меъёрларини ўзаро мувофиқлаштириш тавсия этилади.

4.2.17 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сон “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги ПҚ-4567-сон “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан кластерларга ҳудудларда шахтали ва тик қудуқлар, шунингдек, сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш ва

реконструкция қилишга 20,0 млрд сўм, шундан 895 гектар ерда томчилатиб суғориш тизимини жорий қилинадиган майдон учун 7,2 млрд сўм режалаштирилган.

2022 йил 1 октябрь ҳолатига 1 дона қудуқ учун 120 млн сўм субсидия олишга аризалар келиб тушган ҳолос.

Қонун лойиҳада 2023 йилда тутзорларда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ҳамда сув чиқариш учун бурғуланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станцияларини қуришга субсидиялар учун 20,7 млрд сўм маблағ режалаштирилган.

Тавсия:

Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасидан олинган маълумотга асосан, пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда томчилатиб суғориш тизимини жорий этганлиги тўғрисида маълумотлар келиб тушмаганлиги, сабабли тутзорларда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ҳамда сув чиқариш учун бурғуланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станцияларини қуришга субсидиялар учун ажратилган 19,7 млрд сўмни бошқа мақсадга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ.

4.2.18 Қонун лойиҳасида вазирлик ва идораларнинг юридик шахс мақомисиз ташкил қилинган бюджетдан ташқари жамғармаларига 2023 йилда давлат бюджетининг 776,0 млрд сўм маблағларини йўналтириш кўзда тутилган.

10-жадвал

Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига давлат бюджетидан ажратилган маблағ ва уларнинг сарфланиши тўғрисида маълумот

млрд сўмда					
т/р	Жамғарма номи	2022 йил параметр	2022 йил 1 октябрь ҳолатига ажратилган маблағ	шундан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга сарфланган	2023 йил прогноз
		342,5	323,5	70,2	776,0
1	Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси	150,0	110,2	28,1	165,0
2	Халқ таълими вазири жамғармаси				250,0
3	Мақтабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси	115,5	94,0	17,5	127,0
4	Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси		25,0		47,0
5	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	12,0	42,5	18,4	100,0
6	Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси		11,2	6,2	22,0
7	Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	20,0	20,0		20,0
8	Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси	45,0	20,6		45,0

Юридик шахс мақомисиз ташкил этилган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг йўналишидан келиб чиқиб, бир қатор вазифаларни бажариш ёки маблағ билан таъминлаш юклатилган.

Шу билан бирга ўзларининг тегишлиги бўйича юқори ташкилотларининг, вазирлик ва идоралар ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга жамғарма ҳисобидан маблағ ажратиб келинмоқда.

Тавсия:

Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш, уларга устама ҳақлари тўлаш харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан **тўғридан тўғри ажратиш** бўйича тегишли меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бунда, бюджетдан маблағларни жамғармага ажратиб, уларни кейинчалик ходимларга устама ҳақлари, рағбат пулларини беришда ягона тартибга асосан тақсимлашга эришилади.

4.2.19 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5151-сон қарори билан “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивалини ҳар йили ўтказиш белгиланган.

Кинофестивални ўтказишдан мақсад, кино санъатини ривожлантириш, жаҳон киноиндустрияси вакиллари билан ҳамкорликда қўшма кино лойиҳалари яратишни кенгайтириш.

Ушбу кинофестивални ўтказишга 2021-2022 йилларда **30,0 млрд сўм** бюджет маблағлари сарфланган.

Тавсия:

1. “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивалини **ҳар уч йилда** бир марта ўтказиш орқали бюджет маблағларини тежаш имкониятларини кўриб чиқиш ҳамда 2023 йил режалаштирилган **11,0 млрд сўмни** мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ.

2. Мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро ва маҳаллий тадбирларни хатлов ўтказган ҳолда долзарблиги нуқтаи назаридан уларнинг ўтказиш муддатларини қайта кўриб чиқиш, шу орқали бюджет маблағларини сарфланишини тежаш имкониятлари аниқлаш.

4.2.20 Маданият вазирлиги харажатлар таркибида Халқлар дўстлиги ва Туркистон санъат саройларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун маблағлар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 июнда 1375-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “**Республика театр ва томоша муассасалари биноларини чет ташкилотларга ижарага бериш ва ижара ҳақини белгилаш тартиби тўғрисида**”ги Низом тасдиқланган.

Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган ўрганишда ижара нархларини белгилашда кўриқлаш хизмати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш харажатлари ҳисобга олинмаган ҳамда 2019 йил сентябрдан 2021 йил якунига қадар ижара нархлари қайта кўриб чиқилмаганлиги оқибатида Халқлар дўстлиги саройи томоша зали учун **2 573,5 млн сўмлик ижара ҳақлари кам** ҳисобланган ва кўшимча даромад олинмаслигига сабаб бўлган.

Маълумот учун: Халқлар дўстлиги санъат саройи 2019-2022 йилларда бинони ижарага бериш орқали жами 12,0 млрд сўм кўшимча маблағ ишлаб топган.

Тавсия:

Халқлар дўстлиги ва Туркистон санъат саройларини ўзини-ўзи молиялаштиришга ўтказиш ёки давлат хусусий шерикчилиги асосида фаолиятини йўлга қўйиш тавсия этилади.

4.2.21 Қонун лойиҳасининг 5-иловаси билан Халқ таълими вазирлиги тизими учун жами 29,6 трлн сўм, шундан умумий ўрта таълим муассасалари учун 27,9 трлн сўм режалаштирилмоқда.

Умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритувчи педагог кадрларни иш ҳақи харажатлари мавжуд синфлар сонидан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиниб, 150,0 млрд сўм маблағларни мақбуллаштириш имкониятлари аниқланди.

Тавсия:

Қонун лойиҳасининг 5-иловаси билан Халқ таълими вазирлиги ажратилиши режалаштирилган маблағлар ҳисобидан 150,0 млрд сўмни мақбуллаштириш таклиф этилади.

4.2.22 Қонун лойиҳасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар учун 2023 йилда 3 679,6 млрд сўм маблағ режалаштирилмоқда.

Шундан, жорий харажатлари учун 3 393,9 млрд сўм, капитал қўйилмалар харажатлари учун 285,6 млрд сўм режалаштирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун режалаштирилган жорий харажатлар таркиби таҳлил қилинганда койкали касалхоналар ва марказлар ҳисобидан 100,0 млрд сўм мақбуллаштириш имкониятлари аниқланди.

Тавсия:

Қонун лойиҳасининг 5-иловаси билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун режалаштирилган 3 679,6 млрд сўм маблағ таркибидаги, ривожлантириш дастурлари учун ажратилган маблағлардан ташқари сақлаш билан боғлиқ харажатлари ҳисобидан **100,0 млрд сўм маблағни камайтириш тавсия этилади.**

4.2.23 Қонун лойиҳасида маҳаллий бюджетларнинг қарз мажбуриятлари билан боғлиқ харажатларга 571,0 млрд сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 сентябрдаги фармойишига асосан, республика ҳудудларида ихтисослаштирилган мактабларда амалга ошириладиган қурилиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари

“Миллий банк” АЖ томонидан 12 ой муддатга ажратиладиган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган.

Мазкур кредит маблағлари бўйича асосий қарзни қайтариш маҳаллий бюджетлар ҳисобидан, фоиз тўловлари маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтарилиши кўзда тутилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, 2022 йил 21 октябрь ҳолатига юқорида қайд этилган тадбирлар учун кредит маблағлари жалб қилинмаган.

Кредитлар 12 ой муддатга ажратилиши белгиланган бўлиб, асосий қарзни қайтариш учун 2023 йилда бюджет маблағлари ҳисобидан маблағ режалаштирилган.

Тавсия:

Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, фоиз тўловлари учун маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ортиқча маблағлар сарфламаслик мақсадида, ихтисослаштирилган мактабларда амалга ошириладиган қурилиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига кредит маблағларини жалб қилмаслик ва талаб этиладиган маблағларни 2023 йил маҳаллий бюджет параметрларида тўғридан-тўғри белгиланган тадбирлар учун назарда тутиш тавсия этилади.

Бунда, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан кредит маблағлари бўйича фоиз тўловларини амалга ошириш учун ортиқча харажатларга йўл қўйилмайди.

4.2.24 Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари ҳамда ҳудудларга ташрифларида белгиланган вазифаларнинг акс этирилганлиги таҳлил қилинди.

2023 йилги Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари асосида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастур ва чора-тадбирларни амалга ошириш учун **56 987,2** млрд сўм маблағлар назарда тутилган. Шундан:

таълим соҳасида ҳозирги кун талаблари даражасидаги юқори малакали кадрларни тайёрлашда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун 7 840,5 млрд сўм;

фанни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун 1 435,0 млрд сўм;

соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича давлат дастурларига 1 585,4 млрд сўм;

маданият соҳасидаги давлат дастурларини молиялаштириш учун 412,7 млрд сўм;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича давлат дастурларига 702,5 млрд сўм;

тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш харажатлари учун жами 2 548,7 млрд сўм;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат дастурлари ва тадбирлар учун жами 2 791,4 млрд сўм, шундан:

зараркундаларга қарши курашиш харажатларини қоплаш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш харажатларига 50 млрд сўм;

Жисмоний шахслар томонидан хонадонларда етиштириладиган пилла (хўл пилла) ҳосили учун субсидиялар учун 120,2 млрд сўм;

Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 350,0 млрд сўм;

геология-кидирув ишлари харажатларига қабул қилинган дастурларни амалга ошириш учун 1 100,0 млрд сўм;

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси харажатларига 80,0 млрд сўм;

газ таъминоти корхоналари учун аҳолига тарифларни паст нархларда ушлаб туриш натижасида кўрилган зарарни қоплаш харажатлари учун 5 300,0 млрд сўм;

маҳаллий автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналарга утилизация харажатларига 100 млрд сўм маблағ режалаштирилмоқда.

4.3. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш

Қонун лойиҳасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш бўйича қуйидагилар кўзда тутилган:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббуси билан амалга ошириладиган қўшимча тадбирлар фақат Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга ошириш;

чораклар якуни бўйича даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларининг Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиш ҳамда бу таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонун лойиҳасида белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши белгиланмоқда. Жумладан:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

- жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

- қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидагилар тўлиқ ҳажмда ўтказилиши белгиланмоқда. Жумладан:

- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

- электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

- бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

- айланмадан олинадиган солиқ;

- қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

- қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

- айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

- қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

- қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

- давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

- мобил алоқа хизматлари, тамаки, алкоголь, шу жумладан пиво, нефть маҳсулотлари (авиакеросиндан ташқари) акциз солиғи ҳамда табиий газ учун қатъий белгиланган ставкадаги акциз солиғи бўйича солиқ органлари томонидан ундириладиган тушумлар тегишинча 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидоги улушига мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидаги улушлар белгиланмоқда. Жумладан:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкани ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 64 фоизи, Тошкент вилоятида 62 фоизи, Тошкент шаҳрида 6 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 67 фоизи, Тошкент вилоятида 63 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи.

Агар қонунчиликда даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса:

- давлат бюджетига ўтказиладиган даромад турлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

- маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромад турлари Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Тақсимлаш меъёрлари ўзгартирилган даромад турлари бўйича ортиқча (нотўғри) тўланган маблағлар, уларни қайтариш вақтида амалда бўлган тақсимлаш меъёрларига мутаносиб равишда, бекор қилинган даромад турлари бўйича эса республика бюджетидан қайтарилиши белгиланган.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, олтин қазиб олувчи корхоналар томонидан эса 100 фоизи миқдорда ажратмалар ва давлат улуши бўйича

дивидендлар ҳисобланиши ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2023 йил учун дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) тўлаш миқдори ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлашга ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

2022 йил якунлари бўйича олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар томонидан ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот мақсадларида ҳисобланган амортизация ажратмаларининг 50 фоизига тенг суммадан давлат улуши бўйича республика бюджетига қўшимча дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) ҳисобланиши белгиланган.

2023 йилда қуйидаги харажатларни:

Тошкент шаҳрининг умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва ичимлик суви билан таъминлаш тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга доир харажатлар Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ҳамда таъмирлаш-тиклашга доир харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан ва вилоятларнинг вилоят бюджетларидан молиялаштириш белгиланмоқда.

Худудлардаги даромад ва харажатлар ўртасида манфий фарқни қоплашга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва вилоятлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар 25 559,7 млрд сўм миқдорида белгиланган.

4.4. Давлат бюджети харажатлари самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар

4.4.1 Бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларни белгилаш, ҳисобдорлик ва ижро ҳолати

4.4.1.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон қарори билан, 2021 йилдан Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг самарадорлиги индикаторлари тасдиқланган.

Мазкур қарорга асосан, ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш мақсадида вазирликлар ва идораларнинг марказий аппаратлари тузилмасида ички аудит хизматлари ташкил этилган бўлсада, мақсадли индикаторларнинг ижроси юзасидан ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги жумладан, кўрсаткичларга эришилганлиги тўғрисидаги маълумотларни юқори ташкилотларга нотўғри тақдим этиш ҳолатларига йўқ қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарори билан, 40 та биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи вазирлик ва идораларнинг 2022 – 2024 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 742-сонли Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари тегишли ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилади ҳамда таҳлил натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20 санасига қадар Молия вазирлигига тақдим этиши белгиланган.

Вазирлик ва идораларнинг ривожлантириш дастурлари ҳамда мақсадли индикаторларини шакллантиришнинг ягона услубиёти ишлаб чиқилмаганлиги, уларга қўйиладиган талаблар аниқ белгиланмаганлиги сабабли, айрим ҳолларда ривожлантириш дастури ёки мақсадли индикатор сифатида соҳани ривожлантиришга қўшган ҳиссасини **баҳолаш имкони мавжуд бўлмаган кўрсаткичлар киритилган.**

Жумладан, Мактабгача таълим вазирлиги бўйича “Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси учун ажратилган маблағлар”, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бўйича “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига трансфертлар” **ривожлантириш дастурлари сифатида кўзда тутилган.**

Вазирлик ва идораларнинг айрим мақсадли индикаторларини шакллантиришда, кўзда тутилган **вазифаларнинг моҳияти таҳлил қилинмаган**, баъзи ҳолларда натижа кўрсаткичлари **такроран** кўзда тутилган.

Мисол учун, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг асосий вазифаси сифатида товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш ҳамда инсофсиз рақобатни аниқлаш ва чек қўйиш белгиланган бўлсада, “Танлов савдоларида аниқланган рақобатга зид омиллар” индикатори бўйича кўрсаткичлар 2022 – 2024 йилларда мос равишда 2 300 тадан 2 390 тагача ўсиши кўзда тутилган.

Яъни қўмита томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижасида соҳадаги **салбий ҳолатлар камайиши ўрнига ўсиши прогноз қилинган.**

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйича “Оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш” ҳамда “Болалар тиббиёт ва туғруқ муассасаларида юқори технологик лаборатор ускуналаридан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида реагентлар, сарфлов анжомлари ҳамда сервис хизматлар” дастурларининг бевосита натижа кўрсаткичи сифатида “Тирик туғилган чақалоқлар сони” **мақсадли индикатори икки маротаба такроран** қайд этилган.

Ривожлантириш дастурлари самарадорлиги натижалари тўғрисидаги ҳисобот шакли барча вазирликлар ва идоралар учун ягона кўринишда шакллантирилган бўлиб, ҳисобот шаклида соҳаларнинг ўзига ҳос хусусиятлари инобатга олинмаган.

Мақсадли индикаторларнинг ижроси бўйича ҳисоботнинг шакли меъёрий ҳужжат билан тасдиқланмаган бўлиб, Молия вазирлигининг хати билан жадвал кўринишида вазирлик ва идораларга етказилган.

Мисол учун, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг “Наслдор қўй ва эчкининг, шу жумладан қорақўл зотли қўйларнинг хорижий давлатлардан импорт қилинган эмбрионига субсидиялар” ва Ташқи ишлар вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари ва делегацияларининг хорижий мамлакатларга ташрифларини ва чет эл делегацияларини, давлат ва сиёсий арбобларни қабул қилиш” дастурларининг бажарилиши бўйича ҳисобот шакллари бир хил кўринишда юритилади.

Бу ҳолат, ўз навбатида дастурларнинг ижроси ҳамда улардан кўзланган мақсадларга эришилганлигини тўлақонли таҳлил қилиш имконини бермайди.

Ривожлантириш дастурлари ҳамда мақсадли индикаторлар бажарилиши юзасидан чораклик ҳисоботлар расмийлаштирилиши устидан қатъий назорат ўрнатилмаганлиги ва жавобгарлик белгиланмаганлиги сабабли, ҳисоботларда нотўғри маълумотлар акс эттирилиши, ҳақиқатда эришилган натижаларга нисбатан **тафовутлар юзага келган ҳолатлари мавжуд.**

Мисол учун, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг “Чорва ҳайвонларини вакцинация қилиш” дастури бўйича 2022 йилда 120 млрд сўм ажратиш кўзда тутилган бўлиб, биринчи ярим йиллик якуни бўйича тақдим этилган ҳисоботга кўра 22,1 млрд сўм ўзлаштирилган.

Мазкур дастурнинг, “Республика бўйича вакцинация билан қамраб олинмаган чорва ҳайвонлар улуши” индикатори бўйича йиллик режа кўрсаткичи 44,3 фоиз этиб белгиланган бўлиб, биринчи ярим йиллик якуни бўйича ҳисоботда режа кўрсаткичи 100 фоизга бажарилган.

Яъни, чорва ҳайвонларини вакцинация қилиш учун ажратилган маблағлар 18 фоизга ўзлаштирилган даврда вакцинация қилиш режа кўрсаткичи 100 фоизга бажарилганлиги **ҳисоботда нотўғри акс эттирилган.**

Шунингдек, Қурилиш вазирлигининг “Республика бўйича шаҳарларнинг бош режалари билан қамраб олиш даражаси” индикатори бўйича йиллик режа кўрсаткичи 99 фоиз этиб белгиланган бўлиб, биринчи ярим йиллик якуни бўйича

ҳисоботда **99,2 фоизга** етказилган ёки режа кўрсаткичи 100,2 фоизга бажарилганлиги ҳисоботларда акс эттирилган.

Қурилиш вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар таҳлил қилинганда, республика бўйича жами шаҳар ва шаҳарчаларнинг умумий сони 1 200 тани ташкил этиб, 323 таси ёки **27 фоизининг** бош режалари мавжудлиги маълум бўлди (*шаҳарлар бўйича 98,3 фоиз ва шаҳарчалар бўйича 19 фоиз*).

Ҳисоботлардаги камчиликлар, ички аудит хизматлари томонидан ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш етарли даражада ташкил қилинмаганлигини кўрсатади.

Бу ўз навбатида, мақсадли индикаторларнинг бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига тақдим қиладиган ҳисоботларининг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Тавсия:

Давлат молиясини бошқаришда дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этиш ҳамда бюджет харажатларининг самарадорлигини баҳолашда мақсадли индикаторларни қўллаш, жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган амалиёт бўлиб, соҳаларни ривожлантириш учун ажратилаётган маблағлар ҳисобига максимал натижага эришиш имконини яратади.

Шунга кўра, дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этиш ишларини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини таъминлаш ва уларни самарадорлигини баҳолашнинг аниқ тартибини белгилаш зарур ҳисобланади. Бунда:

сифат ва миқдор кўрсаткичларини баҳолашда фойдаланиладиган мақсадли индикаторларни шакллантиришнинг аниқ мезонларини кўзда тутиш, соҳадаги ислохотлар самарадорлигини намоён этувчи кўрсаткичларни индикатор сифатида татбиқ этиш;

дастурлар ижроси юзасидан ҳисобот шаклларини ва топшириш даврларини соҳаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

ички аудит хизматларини ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш соҳасидаги вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш, вазирлик ва идораларнинг ҳисоботларни ҳаққоний шакллантириш ҳамда натижага эришишни таъминлашдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш;

Молия вазирлигининг дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этиш учун масъул тузилмаси фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, мазкур тузилманинг натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш таклиф этилади.

4.4.2 Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа жамғармаларнинг маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилиши

Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда вазирлик ва идоралар ҳузуридаги бошқа жамғармалар томонидан 2021 йил ҳамда 2022 йилнинг январь-октябрь ойларида тижорат банклари депозитларига жами **10,8 трлн сўм** жойлаштирилган.

11-жадвал

Жамғармалар томонидан 2021 йил ва 2022 йилнинг январь-октябрь ойларида тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган маблағлар тўғрисида маълумот

млрд сўм

т/р	Жамғарма номи	Депозитга жойлаштирилган маблағлар	Маълумот учун, Давлат бюджетидан ажратилган	
			Трансфертлар	Солиқлар, давлат божлари ва йиғимлардан ажратмалар
1.	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	10,0	221,5	53,7
2.	Жамоат ишлари жамғармаси	159,0	468,0	11,6
3.	Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси	335,0	630,8	229,9
4.	Маҳаллабай ишлаш ва Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	40,0	119,0	57,3
5.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	8 445,0	18 949,2	50 571,3
6.	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	885,0	450,0	719,3
7.	Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси	15,0	1 157,0	0
8.	Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	5,0	39,0	128,9
9.	Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси	2,5	10 799,3	1,0
10.	Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси	363,0	227,9	386,9
11.	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	80,0	50,0	347,4
12.	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	187,0	50	65,0

т/р	Жамғарма номи	Депозитга жойлаштирилган маблағлар	Маълумот учун, Давлат бюджетидан ажратилган	
			Трансфертлар	Солиқлар, давлат божлари ва йиғимлардан ажратмалар
X	Жами	10 526,5	33 161,7	52 572,3

Масалан, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 2021-2022 йилларда Давлат бюджетидан жами **26,8 трлн сўм** трансферт ажратилган.

Шунингдек, 2021-2022 йилларда жамғарма томонидан **8,4 трлн сўм** маблағлар тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган ва фоизли даромадлар олинган.

Пенсия жамғармасининг вазифаси ижтимоий тўловларни тайинлаш, молиялаштириш ва ҳисобини юритишдан иборат бўлиб, унинг даромад манбаларидан бири давлат бюджетидан ажратиладиган трансфертлардан ташкил топади.

Тавсия:

Жамғармалар фаолиятини, уларга қонунчиликка мувофиқ юклатилган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ижросини таъминлашга йўналтириш мақсадида, 2023 йилдан бошлаб жамғармалар томонидан тижорат банкларига маблағ жойлаштириш амалиётини чеклаш ва бу функцияни тўлиқ Молия вазирлиги Ғазначилигига ўтказиш тавсия этилади.

Бунда, жамғармаларнинг депозитларга жойлаштирилган маблағлари тўлиқ тегишли жамғармаларга қайтарилади ҳамда асосий фаолият тури бўйича қўшимча маблағга эҳтиёж вужудга келган ҳолларда давлат бюджетидан қўшимча маблағлар/трансфертларни ажратиш тизимини жорий қилиш.

Маълумот учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги 383-сон қарорига мувофиқ, Молия вазирлиги Ғазначилиги Молия вазирлигининг Ягона газна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш бўйича ягона орган этиб белгиланган.

4.4.3 “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” доирасида лойиҳаларни амалга ошириш

4.4.3.1 Жамоатчилик фикри асосида молиялаштириладиган тадбирларнинг рўйхати бўйича таклиф бериш истагини билдирувчи фуқаролар ўзларининг маҳалла ёки туман (шаҳар)даги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларини “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштиради.

Таклифлар фуқаролар томонидан республиканинг исталган ҳудуди бўйича ҳар бир жараёнда фақат бир мартаба берилиши мумкин. Бунда таклиф мазмунан ягона ижтимоий муаммони ўзида акс эттириши лозим.

Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирлар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:

- туман (шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб, шунингдек, аҳолидан тушаётган мурожаатлардаги муаммолар;

- жамоавий муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги (хиёбонлар, болалар майдончаси барпо этиш, ички йўлларни ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, экологияни яхшилаш, ичимлик суви ва оқова сув билан таъминлаш, кўча чироқларини ўрнатиш (таъмирлаш) ва шу кабилар);

- жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар идоравий ёки шахсий хусусиятга эга бўлмаслиги (шахсий автомашина ёки турар жой харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маъмурий биноларни таъмирлаш);

- бюджет ташкилотини сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларни ўзида акс эттирмаслиги (коммунал, алоқа ва Интернет тизими учун тўловлар, шунингдек, канцтовар ва бошқа тез эскирувчи моддий қийматликлар);

- маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат органларининг бинолари ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига, шу жумладан уларнинг бошқа эҳтиёжларини қоплашга қаратилган бўлмаслиги лозим;

- кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан жорий йилда манзилли рўйхат (ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ёки ташриф баёнлари ва бошқалар)га асосан маблағ ажратиш кўзда тутилган бўлса, ушбу таклифлар асосланган ҳолда қабул қилинмаслиги лозим;

- берилган таклифларни амалга оширишнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **4 минг баробаридан** (бугунги кунда 1,2 млрд сўмдан) ошмаслиги лозим.

Ишчи комиссия таклифларни **“Очиқ бюджет”** ахборот порталига келиб тушган кундан бошлаб ўн кун муддатда юқорида кўрсатилган мезонларга мувофиқлиги ҳамда тадбирларни амалга ошириш имкониятларини ўрганади ва таклифларни мезонларга мувофиқ саралаб олади.

Маълумот учун: Ишчи комиссия таркиби туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосари, қурилиш масалалари бўйича ўринбосари, халқ депутатлари Кенгашининг вакили, ҳокимлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши вакили, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, молия бўлими мудири ва ННТларнинг вакилларида иборат.

“Очиқ бюджет” ахборот порталида рўйхатдан ўтган ҳар бир шахс “Очиқ бюджет” ахборот порталида жойлаштирилган фақат бир таклифга овоз бериши мумкин.

Ғолиб деб топилган таклифлар тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига **кўриб чиқиш учун киритилади ва маблағ ажратиш юзасидан қарор тасдиқланади.**

Ҳозирги кунда **“Очиқ бюджет”** ахборот портали орқали лойиҳаларни амалга оширишда асосан аҳоли зич ва кўпроқ жойлашган ҳудудларда яшовчи фуқаролар томонидан киритилган таклифлар ғолиб бўлмоқда.

Ушбу жараёнда бориш қийин бўлган **олис, чекка ва тоғли ҳудудларда яшовчи фуқаролар** томонидан порталга киритилган таклифларни ғолиб бўлиш имконияти бошқа ҳудудларга нисбатан анча пастлигича қолмоқда.

Бундай ҳудудларда яшовчи аҳоли сони бошқа ҳудудларга нисбатан камлиги ҳамда ҳудудда интернет тармоғига уланиш мушкул бўлганлиги ёки интернет тизимидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлган аҳоли улуши камлиги ўз-ўзидан ҳудуддан берилган таклифнинг ғолиб бўлиш имкониятларини пасайтиради.

Мисол учун, Қумқўрғон туманидаги 81-сонли умумтаълим мактабида сунъий чим қопламали кичик футбол майдони ва ювиниш хонасини куриш лойиҳаси 3 676 та овоз билан ва 30-умумтаълим мактабига сунъий қопламали мини стадион куриш лойиҳаси 3 475 та овоз билан ғолиб бўлган.

Халқобод маҳалласи (чекка ҳудуд ва аҳоли сони кам) Тинчлик ва Дўстлик кўчаларини артизан қудуқ қазиб ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси 1 372 та овоз тўплаб **ғолиб бўлмаган**.

Бунда, 81-умумтаълим мактаби жойлашган “Каттакул” маҳалла аҳолиси **4 075 нафар**, 30-умумтаълим мактаби жойлашган “Исломобод” маҳалла аҳолиси **3 989 нафар**, Халқобод маҳалласи аҳолиси **2 105 нафар**, шундан Тинчлик кўчаси 520 нафар ва Дўстлик кўчаси 310 нафарни ташкил этади.

Ушбу жараёнда бир ҳудудда инсон учун биринчи даражали эҳтиёж бўлган ичимлик суви лойиҳаси ҳудуддаги аҳоли сонини камлиги сабабли ғолиб бўлмасдан бошқа ҳудуд аҳолиси сунъий қопламали стадион лойиҳасини амалга оширмоқда.

Тавсия:

– бориш қийин бўлган олис, чекка ва тоғли ҳудудлар бўйича **“Очиқ бюджет”** ахборот портали орқали таклифларни ҳисобга олиш учун алоҳида тартиб жорий этилиши орқали уларга устунлик бериш;

– таклифларнинг инсон эҳтиёжи ва ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб тоифаларга ажратиш орқали тегишли тузатиш коэффициентларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

4.4.3.2 Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ҳамда туман ва шаҳарлар бюджетларида 2022 йилда жами **7,4 трлн сўм** қўшимча манбалар шаклланган ва уларнинг **7,1 трлн сўми** сарфланган.

Шундан, “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га 423,7 млрд сўм (6%), йўналтирилган.

“Очиқ бюджет” ахборот портали орқали 2021 йилда ички йўлларни таъмирлаш бўйича **13 853 та**, умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича **6 798 та**, ёритиш тизимини яхшилаш учун **5 649 та**, ичимлик суви

таъминоти бўйича **4 424 та** лойиҳаларни амалга ошириш учун фуқаролардан таклифлар келиб тушган.

Бугунги кунда, туман ва шаҳарлар бюджетларининг шаклланган қўшимча манбаларини 30 фоизи “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” орқали лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилиши белгиланган.

Аммо, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларни вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га маблағларни йўналтириш белгиланмаган.

2022 йилнинг январь-октябрь ойларида маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбаларидан 2 047 та ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш учун “Ташаббусли бюджет” лойиҳасидан фойдаланилмаган ҳолда **1 347,2 млрд сўм (19%)** йўналтирилган.

Бунда, “**Очиқ бюджет**” ахборот портали орқали фуқароларнинг иштирокини таъминлаган ҳолда мазкур маблағларни шаффоф, мақсадли ва манзилли сарфланиши учун имкониятлар яратиш ижобий натижаларни беради.

Тавсия:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларни вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 30 фоизини “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтириш орқали ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш таклиф этилади.

Бунда, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси учун ўрта ҳисобда йилига **1,7 трлн сўм** манбалар шаклланиб, аҳолини долзарб ижтимоий муаммоларини молиялаштириш учун йўналтирилади.

V. Давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари таҳлили

Консолидациялашган бюджет лойиҳасида Давлат мақсадли жамғармаларининг 2023 йилги жами даромадлари (Трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда) 41 626,9 млрд сўм, харажатлари эса 80 436,9 млрд сўм миқдорида прогноз қилинмоқда.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тақчилликка йўл қўймасдан ишлаб чиқиш мақсадида давлат мақсадли жамғармаларининг 2023 йил бошидаги кутилаётган 6 893,1 млрд сўмлик қолдиқ маблағлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ўзларига юклатилган давлат функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун 40 512,1 млрд сўмлик мақсадли трансфертлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

**Давлат мақсадли жамғармаларининг 2023 йилги
даромад ва харажатлари**

млрд сўм

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар	мақсадли трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдиқ
1	«Эл-юрт умиди» жамғармаси	2,9	300,0	300,0	300,6	2,3
2	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма	36,6	500,0	500,0	536,6	-
3	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	3842,6	55324,3	16900,0	54990,9	4176,1
4	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	29,1	517,8	300,0	540,8	6,1
5	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	129,5	68,0	-	108,3	89,2
6	Жамоат ишлари жамғармаси	2,3	284,0	280,0	281,8	4,5
7	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	3,8	206,0	200,0	204,0	5,8
8	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	174,9	102,0	40,0	205,0	71,9
9	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси	26,7	35,0	-	45,0	16,7
10	Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	0,4	0,6	-	0,6	0,4
11	Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси	0,0	946,6	920,0	946,6	0,0
12	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	431,4	1118,0	900,0	1411,0	138,4
13	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	156,0	1104,8	-	1191,8	69,1

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар	мақсадли трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдиқ
14	Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	0,0	189,4	100,0	188,3	1,2
15	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси	690,1	496,4	-	247,2	939,2
16	Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	67,1	185,1	90,0	246,5	5,7
17	Бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	8,0	606,0	-	606,0	8,0
18	Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	2,1	1,6	-	1,9	1,8
19	Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси	34,1	11505,3	11501,7	11501,7	37,7
20	Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси	1115,4	1800,0	1700,0	250,0	2665,4
21	Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси	-	4680,4	4680,4	4680,4	-
22	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	7,0	1050,0	1050,0	1057,0	-
23	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	-	750,0	750,0	750,0	-
24	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	133,1	402,7	300,0	500,0	35,8
	Жами	6893,1	82 139,1	40512,1	80756,9	8275,4

5.1 Қонун лойиҳасида Виночиликни ривожлантириш жамғармасининг 2023 йил учун тушумлари 102,0 млрд сўмга, харажатлари 205,0 млрд сўмга прогноз қилинмоқда, бунда давлат бюджетидан 40,0 млрд сўм трансферт маблағи ажратилиши кўрсатилган.

Жамғарманинг даромад прогноз кўрсаткичлари манбалар кесимида таҳлил қилинганда, улгуржи савдо корхоналарининг соф тушумидан ажратмалар бўйича корхоналарнинг жамғарма олдидаги қарздорлиги 91,9 млрд сўмни ташкил этиши маълум бўлди.

Ташқи маълумотлар асосида ўрганилганда товар айланмаси мавжуд бўлган (6,3 млрд сўм) ҳамда жамғарма билан икки томонлама келишувига кўра

(22,3 млрд сўм) жами 28,6 млрд сўмлик тушумларни ундириш имконияти мавжудлиги ҳисоб китоб қилинди.

Тавсия:

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Жамғармага 2023 йил бошида кутилаётган қолдиқ маблағи ҳамда қўшимча жалб қилиниши мумкин бўлган даромадларини инобатга олган ҳолда даромадлар прогнозини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

Мазкур ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, Жамғармага давлат бюджетидан трансферт маблағларини ажратиш мақсадга мувофиқ эмас.

5.2 Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг 2023 йилги тушумлари (тижорат банкларига имтиёзли кредит ажратиш учун берилган ресурслардан тушумлар) 6,0 млрд сўмни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, жамғармага давлат бюджетидан 200,0 млрд сўм миқдоридagi мақсадли трансфертлар ажратилиши режалаштирилган.

Жамғарманинг харажатлари 204,0 млрд сўмга прогноз қилинмоқда.

Шундан, қуйидаги йўналишларга жами 144,8 млрд сўм субсидиялар тақдим этиш кўзда тутилган:

- янги интенсив боғ ва токзорларда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишга 79,7 млрд сўм;

- сув чиқариш учун бурғиланган қудукни, шунингдек дарёлар (канал ва бошқа сув ҳавзалари)дан сувни тортиш учун насос станциясини қуришга 62,0 млрд сўм;

- томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш ишларини лойиҳалаштириш харажатлари учун (10 млн сўмдан) 3,1 млрд сўм.

Бундан ташқари, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ва унинг идоравий мансуб ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 59,2 млрд сўм йўналтириш режалаштирилган.

Таҳлилларга кўра, республика бюджетидан бошқарув органлари харажатлари (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги жорий харажатлари) учун ажратилаётган маблағлар таркибида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ва унинг идоравий мансуб ташкилотларни сақлаш харажатлари учун маблағлар кўзда тутилган.

Бироқ, Жамғарма харажатларида ушбу мақсадлар учун 59,2 млрд сўм жумладан, Агентлик ходимларини иш ҳақига 200 фоиз устама (20,7 млрд сўм), озиқ-овқат ва йўл пули (4,6 млрд сўм), иш стажи бўйича устама (4,6 млрд сўм) ва бошқа тўловлар (8,4 млрд сўм) учун ҳисоб-китоб қилинган.

Ушбу харажатлар давлат бюджетидан субсидиялар учун ажратиладиган 200 млрд сўмлик трансфертлар доирасида Жамғармага асосиз режалаштирилган.

Тавсия:

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда республика бюджетидан жамғармага ажратилаётган трансфертлар миқдорини 59,2 млрд сўмга камайтириш мақсадга мувофиқ.

5.3 Қонун лойиҳасида Жамоат ишлари жамғармасини ташкил этиш ва бажариш бўйича харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 280,0 млрд сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Жамғарма томонидан 2023 йилда жамоат ишлари учун 230,5 минг нафар фуқароларга 249,0 млрд сўм иш ҳақи берилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Жамғарманинг 2022 йилдаг 9 ойлик ҳисоботини ва жорий йил якунига қадар берилиши лозим бўлган иш ҳақи ҳамда 2023 йилда иш ҳақи ошиши кўзда тутилган ҳолда таҳлиллар қилинганда, асоссиз равишда 75,8 минг нафар фуқарога 48,6 млрд сўм ортиқча харажатлар режалаштирилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, Жамоат ишларини бажариш учун махсус кийим харид қилишга режалаштирилган 5,0 млрд сўмни манзиллилиги ўрганилганда, ҳудудий Бандлик бош бошқармалари томонидан махсус кийим хариди юзасидан Жамғармага юборилган мурожаатлари (талабномалари)дан келиб чиққан ҳолда режалаштирилган кўрсаткичга нисбатан 1,0 млрд сўм ортиқча харажатлар режалаштирилганлиги маълум бўлди.

Таҳлилларга кўра, жамғарма даромадлари 4,2 млрд сўмга ёки **200 млн сўмга ортиқча** ҳисоб китоб қилинди.

Тавсия:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамғармага давлат бюджетидан режалаштирилган трансфертларни 50 млрд сўмга камайтириш мақсадга мувофиқ.

5.4 Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида 3 та бюджетдан ташқари жамғармалар (Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Жамоат ишлари жамғармаси, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси) мавжуд бўлиб, уларнинг йиллик сақлаш харажатлари ўрта ҳисобда **4,0 млрд сўмни** ташкил этади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамғармаларнинг асосий вазифаларидан бири ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Уларнинг асосий харажатлари туман (шаҳар)лар аҳоли бандликка кўмаклашиш марказлари ва миграция агентлиги томонидан (талабномаларга асосан) амалга оширилади.

Тавсия:

Қонун лойиҳаси ушбу жамғармаларни ягона мақсадли жамғарма сифатида қайта ташкил этиш, уларнинг вазифа ва функцияларини унификация қилиш орқали сақлаш харажатларини мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ.

5.5 Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси алоҳида мақсадли жамғармалар қаторида кўрсатилган.

Жамғарманинг асосий функциялари ўқув дарсликлари ижара тўловларини ҳисоб – китоб қилиш, ижара тушумлари ҳисобини юритиш ва дарсликларни нашр қилишни молиялаштиришдан иборат.

Бунда, ўқув дарсликларини нашр қилиш учун буюртмачи Халқ таълими вазирлиги ҳисобланиб, Жамғарма томонидан фақат молиялаштириш ишлари олиб борилмоқда.

2022-2023 ўқув йилидан бошлаб мактабларда китоб **ижараси тўловлари бекор қилинди.**

Тавсия:

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси фаолиятини тугатиш ҳамда жамғарманинг вазифа ва функцияларини Халқ таълими вазирлигига ўтказиш тавсия этилади.

5.6 Қонун лойиҳасида Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун 100,0 млрд сўм бюджет маблағлари ҳисобидан трансферт ажратиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони билан 2-иловаси билан “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланган.

Давлат дастурининг 173-банди билан республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 2026 йилга қадар 9 млн нафарга етказиш бўйича вазифалар белгиланган бўлиб, ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан ҳар йили 50,0 млрд сўмдан маблағ ажратиш назарда тутилган.

Ушбу маблағларни Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиш белгиланмаган.

Тавсия:

Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун кўзда тутилган **100,0 млрд сўм** бюджет трансферт миқдорини **50,0 млрд сўм** этиб белгилаш ҳамда ПФ-60-сонли Фармон билан ажратилаётган **50,0 млрд сўм**ни Туризм ва маданий мерос вазирлигининг жорий харажатлар таркибида режалаштириш мақсадга мувофиқ.

5.7 Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5270-сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда ташкил этилган.

Жамғарма кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги ПФ-6195-сон Фармони билан вазирлик ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги таркибига ўтказилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 мартдаги 190-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, Жамғарма:

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун белгиланган тартибда солинадиган жарималар суммасининг 10 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

- ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бажарилмаганлиги учун белгиланган тартибда солинадиган жарималар суммасининг 10 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шаклланиши белгиланган.

Бироқ, жамғарма ташкил қилингандан буён жарималар ҳисобидан амалда маблағлар тушуми амалга оширилмаган.

Жамғарма маблағлари фақатгина айрим ҳомийлик маблағлари ҳисобидан шаклланган. Жумладан, 2021 йилда ушбу манбадан 15,0 млн сўм, 2022 йилнинг ўтган даврида 0,5 млн сўм маблағлар тушган, холос.

Низомга мувофиқ, Жамғарма маблағлари:

– ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, техник реабилитация воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлашни;

– ташкилотларда протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш лойиҳаларини амалга оширишни;

– ногиронлиги бўлган шахслар учун йўналтирилган ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятига кўмаклашишни;

– ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган иш ўринларини ташкил этиш ва бошқа мақсадларни молиялаштириш учун сарфланиши белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, Жамғарма манбаларининг барқарор ва кўламли эмаслиги сабабли белгиланган йўналишлар бўйича молиялаштириш деярли амалга оширилмаган.

Жамғарма ҳисобидан, 2020 йилда бор-йўғи 370,0 млн сўм, 2021 йилда 160,3 млн сўм харажатлар амалга оширилган.

Хусусан, 2021 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан 9 та ногиронлар аравачаси ва 15 та эшитиш аппаратлари тарқатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июлдаги 411-сон қарори билан муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашнинг янги тартиби тасдиқланган.

Унга мувофиқ, муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш амалиёти сертификат бериш тизимига ўтказилган ва фуқароларга ўз танловига кўра давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини сотиб олиш имконияти яратилган.

Бунда харажатлар бевосита тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

2023 йилги Давлат бюджети лойиҳасида Соғлиқни сақлаш вазирлигига ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун 12,4 млрд сўм маблағлар ажратилмоқда.

Шунингдек, ногиронларни ишга қабул қилиш ва мослаштириш тадбирлари учун субсидиялар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ажратилиб борилмоқда.

Тавсия:

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини Давлат мақсадли жамғармалари таркибидан чиқариш ҳамда тегишли даромад ва харажат йўналишларини Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги зиммасига ўтказиш мақсадга мувофиқ.

5.8 Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон қарорига асосан “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси таркибида ташкил этилган.

Жамғармани шакллантиришнинг асосий манбаи табиий сув ҳавзалари ижарасидан тушган маблағлар этиб белгиланган.

Таҳлилларга кўра, республикада 265 та умумий майдони 127,3 минг гектарлик табиий сув ҳавзалари мавжуд.

Шундан 217 таси 186 нафар хўжаликларга ижарага берилган бўлиб, 48 тасидан фойдаланилмайди.

Ижара шартномалари бўйича 2021 йилги жами тўловлар миқдори 1,8 млрд сўм бўлса, ҳақиқатда 1,2 млрд сўм (66%) ундирилган.

2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида эса фақатгина 348,8 млн сўм тушиб, даромад прогнози бор-йўғи 40 фоизга бажарилган.

2023 йилги давлат бюджети лойиҳасида табиий сув ҳавзаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага беришдан тушган маблағлар учун 900 млн сўм режалаштирилмоқда.

Яъни, табиий сув ҳавзаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага беришдан тушган маблағлар прогнози камайиб бормоқда *(2021 йилда 1,4 млрд сўм, 2022 йилда 1,2 млрд сўм, 2023 йилда 900 млн сўм)*.

Ҳақиқий тушумлар ҳам 2020 йилдаги 1,9 млрд сўмдан 2021 йилда 1,2 млрд сўмга, 2022 йил 9 ойликда 348,8 млн сўмга кескин камайиб бориши мазкур маблағларни мақсадли жамғармага жамлаш ҳамда стратегик мақсадлар учун сарфлаш самарадорлиги ва аҳамиятини йўқотмоқда.

Танлов асосида Сурхондарё вилояти кесимида ўрганилганда, балиқчилик фаолияти билан шуғулланувчи хўжаликлар сони 238 тани ташкил этиб, 2022 йил январь-июнь ойлари давомида 1 373,1 тонна балиқ маҳсулотлари етказилганлиги тўғрисида статистика органлари томонидан маълумот тақдим этилди.

Жамғарманинг тақдим этган маълумотига кўра, Сурхондарё вилоятида “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасига танҳо фойдаланиш учун берилган 2 195 гектар табиий сув ҳавзаларида 7 та балиқчилик фаолиятини юритаётган ижарачи хўжаликлар мавжудлиги маълум қилинди.

Мазкур хўжаликлар томонидан статистика органларининг маълумотига кўра 49,3 тонна балиқ етиштирилганлиги маълум бўлди.

Таҳлилга асосан, Сурхондарё вилоятида “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси сув ҳавзаларидан фойдаланган ижарачилар етиштирган маҳсулот ҳажми вилояти бўйича етиштирилган умумий балиқ маҳсулотларининг бор-йўғи 3,6 фоизини ташкил этмоқда.

Тавсия:

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, табиий сув ҳавзаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш тизимини қайта кўриб чиқиш асосида Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси функцияларини маҳаллий ҳокимлик органларига ўтказиш таклиф этилади.

5.9 Қонун лойиҳасида Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармасининг даромадлари прогнози ҳамда харажатлари таҳлил қилинганда 2023 йилдаги ўртача валюта алмашув курсларини нотўғри қўлланиши натижасида жамғарманинг даромадлари ва харажатлари миқдори мос равишда 25,1 млрд сўм ҳамда 20,3 млрд сўмга кам режалаштирилган.

Бундан ташқари, Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармасининг харажатлари таркибида “Қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарздор ташкилотлар томонидан қайта қоплаш шарти билан қарз тўловларини амалга ошириш” қисмида 230,0 млрд сўм (20,91 млн доллар) режалаштирилган.

Бунда, ушбу харажат тури қарз олувчи корхоналарнинг бизнес-режалари ва уларнинг 2023 йилдаги пул оқимларининг прогнозларини инобатга олган ҳолда аниқ ҳисоб-китобларга асосланмаган.

Тавсия:

1. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармасининг даромадлари прогнози ҳамда харажатлари миқдорини ҳисоб-китоб қилишда қўлланилган валюта курсини 2023 йил учун йиллик прогноз қилинаётган ўртача алмашув курси билан мувофиқлаштирган ҳолда даромад ва харажатлар миқдорига қайта аниқликлар киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарз тўловларини қарздор ташкилотларнинг молиявий аҳволи, уларнинг 2023 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режалари ва пул оқимларини прогнозларини таҳлил қилган ҳолда Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси харажатларини режалаштириш лозим.

Бунда, қарздор ташкилотлар томонидан маблағларнинг қопланишига алоҳида эътибор қаратиш (имконияти мавжуд ҳолларда жамғарманинг даромад қисмида акс эттириш) мақсадга мувофиқ.

VI. Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги

6.1 Давлат ташқи қарзнинг 2022 йилдаги қутилаётган прогнозлари

Қонун лойиҳасининг 10-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги белгиланмоқда.

2023 йил давомида Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – 2,4 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун - 2,1 млрд АҚШ доллари миқдорида белгиланмоқда.

2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми - 10 трлн сўм миқдорида белгилаш назарда тутилмоқда.

2023 йилда консолидациялашган бюджет тақчиллиги давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағларини инобатга олган ҳолда 31,4 трлн сўм, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,0 фоиз тақчиллик билан прогноз қилинган.

Яъни тақчилликни қоплашнинг 93 фоизи ёки 29,2 трлн сўм қисми 2023 йил давомида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик

имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми – 2,4 млрд АҚШ доллари ҳисобидан режалаштирилмоқда.

13-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилги Консолидациялашган бюджетининг прогноз кўрсаткичлари

млрд сўм

№	Кўрсаткичлар	Қонун лойиҳаси бўйича
I	Консолидациялашган бюджет даромадлари	296 366,7
II	Консолидациялашган бюджет харажатлари	327 724,8
	Консолидациялашган бюджет сальдоси	-31 358,0

6.2 Давлат дастурларига йўналтирилган ташқи қарз ҳисобидан 2023 йилда амалга ошириладиган лойиҳалар таҳлили

6.2.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4883-сонли ва 2018 йил 16 июлдаги ПҚ-3857-сонли қарорларига мувофиқ, лойиҳаолди баҳолаш ёки техник-иқтисодий асоси мавжуд бўлмаган инвестиция лойиҳалари (кредит линиялари, институционал ривожланиш ва бюджет ёрдами учун йўналтирилган лойиҳалар бундан мустасно) бўйича кредит битимларини имзолаш тақиқланган.

Қонун лойиҳасида 2023 йилда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун имзоланадиган янги битимларнинг чекланган миқдори (2,1 млрд АҚШ доллари) белгиланаётган бўлсада, мазкур битимлар бўйича лойиҳалар ва улар доирасида жалб қилиниши кутилаётган қарз маблағларини ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқ ҳисоб-китобларга асосланмаган.

Ушбу ҳолат, давлат ташқи қарзини жалб қилиш бўйича тасдиқланаётган чекланган миқдорлар доирасида маблағларни ўзлаштирамаслик эҳтимоли оширади.

Жумладан, таҳлилларга кўра, лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари олдиндан етарлича ўрганилмагани, уларнинг техник ечими мавжуд бўлмагани, ТИАлари ўз вақтида ишлаб чиқилмагани ва тасдиқланмаганлиги сабабли, маблағларни ўзлаштиришга масъул бўлган 15 та ташаббускор томонидан имзоланган **35 та** қарз (3,7 млрд долларлик) битимлари бўйича **5,5 йилгача** бўлган муддатда маблағлар ҳақиқатда умуман жалб этилмаган.

Масалан, 2016 йил 21 декабрда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан “Электрон ҳукумат тизимида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини яратиш” лойиҳасини амалга ошириш учун “EDCF” жамғармаси (Корея) билан 27 млн долларлик давлат ташқи қарз маблағларини жалб қилиш бўйича шартнома имзоланган бўлиб, бугунги кунга қадар пул маблағлари умуман жалб этилмаган.

Тавсия:

1. Давлат ташқи қарз маблағларини жалб қилиш бўйича ташаббускорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги ПҚ-3857-сон ва 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4883-сон қарорлари билан белгиланган, янги қарз битимларини фақатгина лойиҳа ТИАси мавжуд ва экспертиза органларидан ўтган ҳолларда имзолаш, тартибларга тўлиқ риоя этиш.

2. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун имзоланиши мумкин бўлган қарз битимлари доирасида ҳар бир лойиҳа кесимида техник иқтисодий асосидан келиб чиққан ҳолда қарз маблағларини молиялаштириш прогнозларини аниқ ҳисоб-китоб қилиш орқали қарз битимларини имзоланишнинг чекланган ҳажмини ҳақиқий миқдорини Қонун лойиҳасида белгилаш тавсия этилади.

6.2.2 Қонун лойиҳасида ташқи қарз ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар учун 2023 йилда **7 813,2** млрд сўм маблағлар йўналтирилиши режалаштирилаётган бўлиб, мазкур лойиҳаларнинг манзилли рўйхати тақдим этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармонида Молия вазирлиги давлат иштирокидаги корхоналарга сарфланган Давлат бюджети маблағлари, тегишлича хориждан жалб этилган маблағлар, шу жумладан давлат ташқи қарзи суммалари ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорақда очиқ маълумотлар порталида эълон қилиб бориши белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу Фармон билан илғор халқаро стандартларга мувофиқ Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлардан олинган ташқи қарзлар тўғрисидаги ахборотнинг ҳажми ва аниқ рўйхатини белгилаш, уни деталлаштирилган ҳолда жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш вазифалари Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқаларга юклатилган.

Бундан ташқари, 2023 йил учун ташқи қарз ҳисобидан амалга ошириладиган **инвестиция лойиҳаларининг** манзилли рўйхати Молия вазирлиги сўровига асосан 19 та вазирлик ва идоралар ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларидан олинган маълумотлар асосида шакллантирилган.

Мазкур жараён аниқ бир тартибга мувофиқ ташкил этилмаган.

Ҳисоб палатаси томонидан лойиҳалар кесимида қайтадан ўрганилганда, 2023 йил учун ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар миқдори тегишли асослар мавжуд бўлмасдан ёки давлат ташқи қарзи ҳисобланмаган қарз битимларини инобатга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилинганлиги маълум бўлди.

Натижада, 2023 йилда давлат дастурларига харажатларни ҳақиқий миқдори 8 663,4 млрд сўм (728 млн доллар) ни ташкил этиши ёки Қонун лойиҳасига нисбатан 850,3 млрд сўм (71,5 млн доллар) фарқ қилиши аниқланди.

Жумладан, 6 та вазирлик ва идораларнинг лойиҳалари бўйича 2,3 трлн сўм маблағлар **кам режалаштирилган** бўлса, 13 та вазирлик ва идораларнинг лойиҳалари бўйича 1,5 трлн сўм маблағлар **ортиқча режалаштирилган**.

Масалан, Абу-даби тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Самарқанд шаҳрида ичимлик суви тизимлари ва йўл тармоқларини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида 2023 йилда 25 млн доллар миқдорида тўловлар амалга оширилиши назарда тутилган бўлиб, шундан 7 млн доллари ичимлик сув тизимларини модернизация қилишга йўналтирилади.

Аммо, лойиҳанинг ТИАда мазкур 7 млн долларлик тўловларни асосий қисми (78 фоизи) Самарқанд вилоят маҳаллий бюджетидан (қолган 22 фоизи вилоят сув таъминоти корхонаси) амалга оширилиши белгиланган бўлсада, Қонун лойиҳасининг 1-иловасида мазкур лойиҳа бўйича харажатлар кўзда тутилмаган.

Шунингдек, Қонун лойиҳасида Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан “Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида ичимлик сув таъминоти тизимларини ривожлантириш” лойиҳаси бўйича 2023 йилда 15,5 млн доллар (184,8 млрд сўм) харажатлар режалаштирилган.

Таҳлилларда, “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан 2023 йилда лойиҳа доирасида ташқи қарз ҳисобидан ҳақиқатда 12,6 млн доллар ўзлаштирилиши, шундан 5,8 млн доллари (69,1 млрд сўм) давлат бюджети ҳисобидан қайтарилиши маълум бўлди.

Бирок, Қонун лойиҳасида мазкур лойиҳа бўйича харажатлар миқдори 15,5 млн доллар ёки ҳақиқий талабга нисбатан 9,7 млн доллар (115,7 млрд сўм)га ортиқча режалаштирилган.

Шунингдек, Сув хўжалиги вазирлиги “Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (III-фаза)” лойиҳаси доирасида 2023 йилда жами 22,4 млн доллар ўзлаштирилиши, шундан 9,3 млн доллари (110,7 млрд сўм) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисоблансада, ушбу маблағлар Қонун лойиҳасида ташқи қарзларни ўзлаштирилиши сифатида **ортиқча киритилган**.

Тавсия:

1. Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат ташқи қарзи бўйича маълумотлар шаффофлигини таъминлаш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида, ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига йўналтирилиши режалаштирилаётган 7 813,2 млрд сўмни лойиҳалар кесимида Қонуннинг алоҳида иловаси билан кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

2. Қонун лойиҳасида давлат қарзи ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмини ҳисоблашда ҳар бир лойиҳа бўйича пул маблағларини жалб қилиш кўрсаткичларини тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда, тендер ҳужжатлари тайёрлиги, шартномалар имзоланганлиги, аванс тўловлари амалга оширилганлиги, лойиҳалар доирасидаги ишларнинг бажарилиш ҳолатларидан келиб чиқиб ҳисоб-китобларни қайтадан амалга ошириш лозим.

3. Молия вазирлиги келгусида ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатларни асослантирилган ҳолда режалаштириш мақсадида уларни ҳисоб-китоб қилиш тартибини ишлаб чиқиб, Ҳукумат қарори билан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш таклиф этилади.

6.3 Давлат қарзига хизмат кўрсатиш

6.3.1 Қонун лойиҳасида тақдим этилган Давлат қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар миқдори 19 260,4 млрд сўм кўрсатилган.

Мазкур харажатларни таркиби таҳлил қилинганда, ташқи қарз бўйича 88,4 млрд сўм **ортиқча**, ички қарз бўйича 1,6 млрд сўм **кам** ёки умумий харажатлар миқдори 86,8 млрд сўмга ортиқча режалаштирилганлиги маълум бўлди.

Тавсия:

Қонун лойиҳасида кўрсатилган Давлат қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар миқдори таркибида Давлат ташқи ва ички қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар миқдорини 86,8 млрд сўмга камайтирган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ.

6.3.2 Қонун лойиҳасида тақдим этилган Молия вазирлигининг давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича **фоиз тўловлари** 6 463,9 млрд сўм миқдорида белгиланмоқда.

Мазкур харажатлар таркиби таҳлил қилинганда **давлат қарзига** хизмат кўрсатиш бўйича жами 347,0 млрд сўмлик фоиз харажатлари кам ҳисоб-китоб қилинганлиги, жумладан, ташқи қарз бўйича фоиз тўловлари учун 61,4 млрд сўм, давлат қимматли қоғозлари бўйича дисконт харажатлари учун 286,4 млрд сўм кам режалаштирилганлиги маълум бўлди.

Тавсия:

Қонун лойиҳасида кўрсатилган давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун харажатлари миқдорини 347,0 млрд сўмга оширган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ.

VII. Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ва 2023 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан таҳлиллар амалга оширилди.

Таҳлиллар натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тавсиялари лойиҳанинг тегишли қисмларида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва Бюджетномада кўрсатилган бюджет ва солиқ сиёсати, даромадлар прогнози ва харажатларнинг чекланган миқдорлари юзасидан берилган тавсиялари асосида қайта таҳрир қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритишни тавсия қилади.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳисоб палатаси